

Н.Қ. ЙЎЛДОШЕВ., О.С.УМАРОВ

**« ЎРТА ОСИЁДА БОЗОР НАЗАРИЯСИ ВА
ТАЖРИБАСИ »**

Олий ўқув юртларида 5А340201-шифр «Менежмент (тармоқлар
бўйича)» таълим
йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ-2006

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
1. Шарқ мутаффаққирларининг иқтисодий таълимоти.....	8
2. Ибн Халдун таълимоти.....	16
3. Бозор ва унинг элементлари.....	25
4. Мулкчилик таълимоти.....	35
5. Пул назарияси ва муаммолари.....	49
6. Ислом тижорат ва савдо ҳақида.....	62
7. Савдогарчиликнинг маънавий-ахлоқий меъёрлари.....	73
8. XX-аср бошида Туркистон иқтисодиёти.....	93
9. Истеъмол товарлари бозори.....	103
10.Бозорнинг ижтимоий тузилиши.....	116
11. Ўрта Осиёда товар биржалари.....	128
12. Ўрта Осиёда товар ярмаркалари.....	138
13. Ўрта Осиёда ташқи савдо.....	145
Изоҳли луғат	161
Фойдаланилган адабиётлар.....	169
Намунавий ўқув дастури.....	173

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение.....	7
1. Экономические учение мыслителей Востока	8
2. Учение Ибн Халдуна.....	16
3. Рынок и его элементы.....	25
4. Учение о собственности.....	35
5. Теория денег и денежного обращения.....	49
6. Ислам о коммерции и торговле.....	62
7. Нравственные, моральные нормы качество	73
8. Экономика Туркестана в начале XX- веке.....	93
9. Рынок предметов потребление	103
10. Социальная структура рынка.....	116
11. Товарные биржи Средней Азии.....	128
12. Товарные ярмарки Средней Азии.....	138
13. Внешняя торговля Средней Азии.....	145
Глоссарий.....	161
Список использованной литературы.....	169
Типовая учебная программа.....	173

CONTENTS

Introduction.....	7
1. Economical science of bastern thinkers.....	8
2. Ibn Haldun teasching	16
3. Market and its elements.....	25
4. Teasching about property.....	35
5. The theory of money and money circulation.....	49
6. Islam about commerce and trade.....	62
7. Moral standarts of quality.....	73
8. The economy of Turkistan at the beginning of XX-cetury.....	93
9. Consumers market.....	103
10. Social structure of market	116
11. Commodity exchange in Central Azia.....	128
12. Trade Fairs in Central Azia.....	138
13. External Trade in Central Azia.....	145
Glossary.....	161
Literature.....	169
Standart teaching programm.....	173

Маъсул мухаррир и.ф.д. Бегалов Б.А.

Такризчилар: Ўзбекистон Республикаси Савдо Саноат Палатаси раиси Шайхов А.Э.

“Менежмент” кафедраси б.ф.д. профессор Хожирахмедов. Г.

Н.Қ. Йўлдошев, О.С. Умаров «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси», (ўқув кўлланма), Т.:ТДИУ.2007, 185 бет

Ушбу ўқув кўлланма менежмент йўналишидаги талабалар ва менежмент соҳасидаги мутахассислари учун мўлжалланган. Бу ўқув кўлланмада 5-15 асрларда Марказий Осиёда ва Шарқда яшаб ижод қилган мутафаккирларининг иқтисодий таълимотида инсонларнинг савийи-харакатини белгиловчи омил, моддий манфаат, бозор эркинлиги каби саволлари ҳақида тўла маълумот кўрсатилган.

Шарқда пул муомаласини ташкил этиш масалалари билан бир қаторда товар биржалари товарларнинг ресурсларини ўрганиш, Ўрта Осиёда товар ярмарка савдосининг тарихи ва ташқи савдодаги Эрон, Хитой, Афғонистон савдо айланмалари кенг ёритилиб берилган.

Ўқув кўлланма иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларининг менежмент, йўналишида таҳсил олувчи талабалар учун мўлжалланган. Шунингдек, менежмент ва савдо соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар учун кўлланма сифатида тавсия этилади.

Н.Қ. Йўлдошев, О.С. Умаров « Теория и практика рыночных отношений в Средней Азии » Т.:ТГЭУ.2007. 185 ст

Учебное пособие является полным курсом менеджмента, знание которое необходимо экономистам и менеджерам. В нем приводятся идеи об экономических науках мыслителей Центральной Азии и Востока, Абу Али Ибн Сина, Абу Наср Фаробий, А. Навоий, а также рассматриваются вопросы рынка и её элементы, организации торговли, биржи и ярмарки. В учебном пособии

освещены проблемы организации товаро-денежных отношений, а также практика организации товарных бирж и торговых ярмарок в Средней Азии.

Книга предназначена для широкого круга специалистов по менеджменту и преподавателям коммерческих специальностей .

N.Q. Yuldoshev, O.S. Umarov. "The theory and practice of market relations in Central Azia" TSEU 2007, 185 pages

This hand book is full course of management, necessary knowledge for economists and managers. It presents the ideas of economic sciences of Central Azia and eastern thinkers Abu Ali Ibn Sina, Abu Nasr Farobiy, A. Navoiy and also sets the objectives of market and its elements, trade, stock and fairs organisation.

The problems of commodities relations and also the organisation of commodity exchange and Trade Fairs in Central Azia are reflected in this manual.

The book is for wide range of specialists on management and teachers of commercial specialities.

К И Р И Ш

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш савдони ташкил этиш ва унинг бошқаришнинг янги концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бозорнинг ҳамма мамлакатларга мос келадиган ягона модели бўлмайди. Ҳар бир мамлакатни ўзига хос модели бўлиши керак. Бу моделни тузишда тарихий, миллий, маданий анъаналар, миллий қадриятлар ҳисобга олиниши лозим. Бозор муносабатлари чуқур илдиз отган Марказий Осиё минтақаси учун бу омилларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Марказий Осиё мамлакатларининг бозор хўжалигини шакллантиришда илғор хорижий тажрибани ўрганиш билан бирга, шарқ халқларининг иқтисодий масалалар бўйича илмий меросини ва минтақада товар-пул муносабатларининг тарихий тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта аср мутафаккирларининг асарларида бозор муносабатларига доир илмий-назарий дурдоналарни топиш мумкин, зотан бу даврда илм-фан ютуқлари дунёга танилган марказлашган давлатлар ташкил топди.

Бозор муносабатларини ташкил этишнинг амалий мисолини 19-аср охири- 20-аср бошидаги тажрибада кўриш мумкин. Бу даврда Марказий Осиёда товар-пул муносабатлари юксак чўққига чиқди.

Собиқ Совет Иттифоқида янги иқтисодий сиёсат даврининг тажрибаси айниқса қимматлидир. Бу давр тажрибаси социалистик қурилиш даврида хусусий капитал, эркин тадбиркорликни умумхалқ манфаатлари билан уйғунлаштириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

1. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ.

- 1.1. Буюк ипак йўлининг Ўрта Осиёда иқтисодий муносабатлар ривожланишидаги ўрни.
- 1.2. Ўрта Осиё мутафаккирлари бозор ҳақида.
- 1.3. Абу Али Ибн Сино бозор ҳақида.
- 1.4. Абу Наср Форобий эҳтиёж ҳақида.
- 1.5. А.Навоий моддий манфаат ҳақида.
- 1.6. Алмашув, олди-сотди ва мерос олишдаги ўзаро муносабатлар.

1.1. Буюк ипак йўлининг Марказий Осиёда иқтисодий муносабатлар ривожланишидаги ўрни.

Хитойнинг Тинч Океани билан Хиндистон, Марказий Осиё, яқин Шарқ, Европа давлатларини боғловчи қадимги савдо йўли-Буюк Ипак йўлидир. Бу йўл орқали асосан ипак экспорт қилинганлиги сабабли “Ипак йўли” номи билан шухрат қозонган. Бу йўл милоддан аввалги 2-асрдан то милодий 15-асргача сув йўллари ривожлангунча Хитой, Хиндистон, Марказий Осиё, Эрон, яқин Шарқ ҳамда Ўрта ер денгизи мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг ривожидида муҳим рол ўйнайди.

Манбаларга қараганда Сарик денгиз қирғоқларидан Хуанхе дарёсидаги Сиан шаҳридан бошланган дастлабки йўл Ланчжойу орқали Дунхуанга келган. У ерда иккига ажралиб бири Шимоли Фарбга, иккинчиси Жануби Шарққа йўналган. Карвон йўлининг умумий узунлиги ўн икки минг чақирим атрофида бўлган. Немис муаррихи К. Рихтгофен 1887 йил ушбу йўналишга илк бор “Буюк Ипак йўли” деган нисбат беради.

Шимолий йўл турфон орқали Тарим воҳасига ва бу ердан Қашғар, Довонга борган. У ердан Сўғднинг Марказий Самарқанд ва Марғиёнага йўналган. Ипак йўли Фарғона водийсида яна жуфт тармоққа бўлинган. Жанубий қисми Ўзгандан Ўш, Қува, Марғилон, Қўқон орқали

Хўжанд, Самарқанд, Бухоро сари узайган. Кейингиси Андижон ва Қамчиқ Довонидан ўтиб, Илоқ воҳаси ҳамда Тошкент тарафга борган. Демак Қамчиқ тарихий йўлни узвий бўлаги ҳисобланган. Бу йўл моҳият эътибори билан Шарқ ва Ғарбни турли жабҳаларда боғловчи йўлдир. Ўрта Осиёнинг Буюк Ипак йўли ўрни ва экспорт потенциалига эътиборни қаратсак Марказий Осиёга, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига қизиқиш аввалдан маълум. Бу ҳар томонлама сиёсий-иқтисодий жihatдан аҳамиятли бўлган. Тарихий ва ҳозирги маълумотларга кўра бу ҳудуд ер, сув, иқлим табиати, географик ўрни, қазилма бойликлари, ҳайвонот дунёси жihatидан ажралиб турган. Аҳолининг меҳнатсеварлиги, миришкорлиги, бунёдкорлиги, касб-хунарга меҳр қўйганлиги ва ижодкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудуд заминида турли-туман бойликлар айниқса олтин, кумуш, бошқа рангли металллар ва жавохирларнинг мавжудлиги ва сероблиги шу соҳа хунармандчилиги ривожига хал қилувчидир. Бу ўлка экспорт потенциалида олтин, кумуш ва ундан қилинган зебу-зийнатлар, заргарлик буюмлари, сифатли пўлат олиш ва ундан ясалган асбоб-ускуналар, айниқса, қилич, қалқон ва бошқа ҳарбий асбоб анжомлар ипакдан тўқилган хонатлас ва бошқа нафис матолар ажойиб кўринишли қорақўл териси ва ундан тикилган буюмлар харидоргир бўлган. Марказий Осиё донишмандларининг китоблари, диний ва илмий асарлар ҳаммани қизиқтиради. Китоб ёзиш (хаттотлар) санъати ҳам юқори бўлган. Шу сабабли илим макони бўлган китоб савдосотиғи етакчи ўринни эгаллаган. Ҳозирги даврда кўплаб таниқли мутаффакирларимиз асарлари Хориж давлат ва шахсий кутубхоналарида топилмоқда ва Ўзбекистонга қайтарилмоқда. Бу факт шундан далолат берадики ўз даврида китоб савдоси Буюк Ипак йўлининг асосий фаолиятидан бири бўлган. Демак бу ердан четга кўплаб илм ва санъат асарлари чиқарилган.

1.2. Ўрта Осиё мутафаккирлари бозор ҳақида

Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида катта иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Ҳар бир даврда у ёки бу мамлакатда айрим шахслар томонидан шундай иқтисодий аҳамиятга молик фикр, ғоя, назария, концепциялар илгари сурилган ва амалга оширилганки, бир ҳолда шулар туфайли давлат ва халқлар раванқ топган баъзида тушкунликка учраган. Ана шу иқтисодий ғояларни ҳар тамонлама ўрганиш, таҳлил этиш, улар орасида умумбашарий аҳамиятларини ажратиб олиб ҳозирги даврга, яъни ҳаётга тадбиқ этиш ниҳоятда ҳам амалий, ҳам назарий фойдалидир, чунки уларда кўп йиллик тажриба мужассамлашган бўлади. Бу ғоялар айрим иқтисодчи олимлар, назарий мактаблар ва йўналишларга тегишлидир. Иқтисодий ғояларнинг шаклланиши инсониятнинг падо бўлиши билан бошланган. Дастлабки иқтисодий ғоялар инсониятнинг пайдо бўлиши билан шаклланган, аммо бизгача етиб келганлари милоддан аввалги 2-минг йилликка тўғри келиб, кўпроқ қадимий Ўрта Осиё халқларининг хўжалик фаолиятини акс эттиради. Антик дунёга маълум даражада амалиётни назарий умумлаштириш, абстракциялаш оқибатида биринчи иқтисодий мушоҳадалар, айрим иқтисодий тушунчалар, категориялар шакллана бошлади.

Эркин бозорда харидорлар ва сотувчилар ихтиёрий битим тузадилар. Битим предмети товарлар ёки хизматлар бўлади.

Умумий таъриф бўйича, товар ўзининг истеъмоли учун эмас, балки айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулидир. Бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш ибтидоий даврнинг маълум босқичида шаклланган, натижада натурал хўжалик аста-секин емирилиб, бозор келиб чиққан. Товар хўжалиги пайдо бўлганда ички бозор пайдо бўлади, бу бозор хўжалигининг ривожланиши натижасида вужудга келади, ижтимоий меҳнат тақсимотинининг ривожланиш даражаси бозорнинг ривожланиш даражасини белгилайди.

Бозор олди-сотди орқали алмашувга доир ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг йиғиндисидир. Инсоният учун бозор муносабатлари

янгилик эмас, у бир неча минг йиллар давомида бозор шароитида ривожланиб келяпти. 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида чекланган иқтисодий муносабатлар шароитида яшаган бизнинг халқимиз учунгина бозор муносабатлари янгилик бўлиб туюлиши мумкин. Модомики, бозор муносабатларининг тарихий илдизлари чуқур экан, уларни ўрганиш учун Шарқ, хусусан Марказий Осиё мутафаккирларининг таълимотига мурожат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сомонийлар, Қорахонийлар марказлашган мустақил давлатларининг мўғул босқинчиларидан озод бўлгандан кейин Марказий Осиёда Темурийлар давлатининг ташкил топиши, уларнинг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Эрон, Туркия ва Араб мамлакатлари билан савдо, маданий алоқаларини кенгайтиши иқтисодиёт ва илм-фаннинг ривожланишига замин яратди. Бу даврда Марказий Осиё Шарқ илғор ижтимоий тафаккурининг марказига айланди. Бу заминда бутун оламга машҳур мутафаккирлар-Фаробий, Ибн Сино, Беруний, шоирлар ва давлат арбоблари Алишер Навоий, Захириддин Бобур ва бошқа кўплаб шоирлар яшаб ижод қилдилар. Улар ўз асарларида фалсафий, ижтимоий, иқтисодий масалалар бўйича қизиқарли фикрларни илгари сурдилар.

Табиийки, Шарқ мутафаккирларининг ўша даврдаги иқтисодий қарашлари илмий назарияларнинг тугалланган тизими даражасига етмаган, улар одатда бошқа масалаларга кўшилиб кетган. Шунга қарамасдан, Шарқ халқлари иқтисодий қарашларини шаклланишида уларнинг аҳамияти каттадир. Ўша даврда иқтисодий ғояларни шаклланиш хусусияти шундай эдики, улар ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан чамбарчас кўшилиб кетган эди.

1.3. Абу Али Ибн Сино бозор ҳақида

Шарқ халқлари иқтисодий қарашларининг шаклланишига дунёга машҳур қомусий олим Ибн Сино (980-1037) салмоқли хисса кўшди. Фалсафа, мантиқ, рухшунослик, одоб-ахлоқ ва бошқа ижтимоий-сиёсий фанларга доир 185 асар унинг қаламига мансубдир. У ўз асарларида иқтисодий масалаларни

ҳам кўриб чиққан. Улар уй-хўжалиги ҳақида рисола ва руҳшунослик асарларида баён қилинган.

Ибн Синонинг фикрича «ҳайвонлар табиат неъматлари билан кун кўрадилар, одамга эса табиат неъматлари камлик қилади, одамга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой керак. Ҳайвон табиат неъматларини ўзлаштириб олади, одам эса озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойни ўз меҳнати билан яратади. Ана шу мақсадда одам деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланади.

Ҳунар жамият турмушининг асоси эканлигини таъкидлаб, Ибн Сино: «Одамни ўз қувватини сақлаб туришга, овқатга бўлган эҳтиёжи ҳаммага оллоҳ таоло кўрсатган ҳунарларни эгаллашни тақозо этади. Одамлар ҳаётга муносабатларига қараб икки хил бўладилар. Биринчи хили, турмуш шароитини яхшилашга ҳаракат қилмайди, иккинчи хили, турмушини яхшилаш мақсадида ҳунарга муҳтожлик сезади. Шунинг учун улар савдо ва ҳунармандчилик ёрдамида ўзларига озуқа топадилар.»- деб ёзган эди. Умуман жамият турмуш шароитини яхшилаш учун Ибн Сино ҳар кимнинг ўз фойдаси учун меҳнат қилиши лозим деб ҳисоблаган.

1.4. Абу Наср Форобий эҳтиёж ҳақида

Иқтисодий масалалалар бўйича қизиқарли фикрларни, буюк қомусий олим Абу Наср Фаробий (873-950) баён қилган. Ўзининг замондошлари каби у бозорнинг аниқ таърифини бермаган, бироқ унинг айрим элементлари ҳақида фикр билдирган. Масалан, унинг эҳтиёжга берган таърифи диққатга сазовордир: «Ўз табиатига кўра ҳар - бир одам шундай яратилганки, у яшаши ва камолга етишиши учун жуда кўплаб нарсаларга муҳтож бўлади, уларга бир ўзи эриша олмайди ва уларга эришиши учун у кишилар жамоасига муҳтож бўладики, уларнинг ҳар бири унинг бирор-бир ҳожатини чиқаради. Ҳар-бир одам бошқа одамга нисбатан худди шундай аҳволда бўлади.»

Шундай қилиб Фаробийнинг фикрича, инсоннинг яшаши ва камолга етиши учун зарур бўлган нарсалар йиғиндиси эҳтиёждир. Фаробийнинг эҳтиёжга, жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишида унинг аҳамиятига берган таърифи бизнинг давримизда ҳам эътиборини йўқотмаган.

1.5. А.Навоий моддий манфаат ҳақида

Машҳур ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441 - 1501) тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида фикр юритиб, моддий манфаат ва ақлни, инсонларнинг қилмишини белгиловчи асосий омилдир, деб ҳисоблаган. Бунда унинг фикрича, биринчи омил айрим камдан кам учрайдиган мустаснолардан ташқари устунлик қилади. Шундай қилиб, у инсонларнинг қилмишини маънавият эмас моддий манфаат белгилайди деган хулосага келган. Асарлардан бирида Навоий: «Инсонлар зарурат сезмасалар ҳаракат қилмайдилар. Одамлар ўз манфаатидан келиб чиқиб ҳаракат қилади, фойда чиқадиган нарсага интилади. Билгинки, одам натижаси фойдасиз бўлган ишни қилмайди.»⁴ Гарчи иқтисодий илм билимдони бўлмаса ҳам, Навоий айрим одамларгина эмас, балки бутун кишилик жамиятининг қилмишида моддий манфаат ҳал қилувчи омил эканлигини яхши тушунган. У: «Халқнинг тўқлиги, қониқиши ҳар қандай бошқа мураккаб муаммоларни ҳал қиладиган неъматдир. Унга асосан бутун дунёни забт этиш мумкин,» деб ёзган.

Навоийнинг фикрича, моддий бойликнинг манбаи деҳқонлар ва ҳунармандлар меҳнатидир. Айниқса деҳқон меҳнатини у жуда юксак баҳолаган, чунки деҳқон «ер бағрини очиб, ғалла экади, ризқ - насибага йўл очади, ҳаёт гўзаллиги ундан, дунё аҳлининг қувончи ундан» - деб ёзган. Дарҳақиқат, аҳолининг озиқ-овқатга эҳтиёжини қондиришда деҳқончилик ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Аммо ишлаб чиқариш кучлари ривожланган сари, кишлок ишлаб чиқариши маҳсулдорлиги ўсиб борган сари жамиятнинг деҳқончиликка меҳнат

сарфи камайиб боради, кўпроқ меҳнат ресурслари саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, фан-маданиятни ривожлантиришга йўналтирилади.

Шарқ халқларининг иқтисодий қарашларини шаклланишида Ислом салмоқли ҳисса қўшди. Фаробий ўзининг «Фозил шаҳарнинг фозил кишилари» асарида орзу қилган жамиятда ўзаро ёрдамнинг иқтисодий асосини очиб берди. Хадислардан бирида, ўзаро ҳожат чиқариш одамлар ўртасидаги ўзаро ёрдамнинг асосидир дейилган.

1.6. Алмашув, олди-сотди ва мерос олишдаги ўзаро муносабатлар

Мусулмон ҳуқуқшунослари алмашувда, олди-сотдида, мерос олишда ва бошқа ҳолатларда одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўриб чиққанлар. Улар оддий алмашувни товарлар олди-сотдисидан фарқ қилганлар. Алмашувда ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хил ҳисобланган. Олди-сотдида эса фарқланган. Олди-сотдида битим иштирокчилари бир-бирига фойда келтириши зарур деб ҳисобланган.

Олди-сотдида томонларнинг ўзаро муносабатларини мусулмон ҳуқуқшунослари, шахсий мажбурият ва шахсий ҳуқуқ билан боғлаб тушунтирганлар. Уруғдошлик даврига мансуб бўлган жамоатчилик тамойили ўрнига Ислом ҳуқуқида киритилган шахсий мажбурият тамойили Шарқ илмий тафаккурида илғор ўрин тутди.

Уруғдошлик тушунчалари бўйича бутун нарсагина хақиқий бирлик ҳисобланган. «Мусулмон ҳуқуқида мана шу бирликда ўзининг шахсий бурчлари ва шахсий жавобгарлиги билан шахсий аҳамият касб этувчи алоҳида инсон ажратиб олинди. Бурчлар билан бирга шахсий ҳуқуқ фавқулотда ёрқин намоён бўлди.»

Мусулмон ҳуқуқшунослари шахсий ҳуқуқнинг пайдо бўлиш шартларини, мулкка эга бўлиш имтиёзларини, мукофотлар, нафақалар, мерос олиш ҳуқуқини белгилаб берган. Бу ҳуқуқлар муайян шахс билан боғланиб уларни сотиш ёки бошқа кишига беришга йўл қўйилмаган.

Умумий хулоса

5-15 асрларда Марказий Осиё ва Шарқда яшаб ижод қилган мутафаккирларининг иқтисодий таълимотини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1.Одамларнинг кўпчилигини, саъйи-ҳаракатини белгиловчи асосий омил, моддий манфаатдир;

2.Одамлар ўртасидаги ўзаро ёрдамнинг асоси-ўзаро эҳтиёжларни қондиришдир;

3.Жамият - эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган меҳнат жамоасидир;

4.Жамиятлар турмуш тарзига қараб фарқланади, турмуш тарзи эса яшаш воситаларига эришиш усулларига қараб белгиланади.

Назорат саволлари

1. Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий таълимотлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Эркин бозор нима?
3. Қандай эҳтиёж турларини биласиз?
4. Бозор ва товарга таъриф беринг?
5. Бозор элементлари деганда нималарни тушунасиз?
6. Ўрта Осиёда иқтисодий фанлар қандай ривожланган?
7. Ибн Сино ва Форобий иқтисодий фанларнинг ривожланишига қандай ҳисса қўшган?
8. А.Навоий онг ва моддий манфаат тўғрисида нима деган?
9. Мусулмон ҳуқуқшунослари шахсий ҳуқуқнинг пайдо бўлиш шартини нима?
10. Ибн Холдун таълимоти нималардан иборат?

Адабиётлар

1. История экономических учений. - Т.: Фан, 1997.
2. Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
3. Ислом Энциклопедия: А-Х: 3. Хусниддинов тахрири остида. - Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003. - 313 бет.
4. Йўлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси». - Т.: ТДИУ, 2002. С.90

2. ИБН ХАЛДУН ТАЪЛИМОТИ.

- 2.1. Араб мутафаккири Ибн Халдун таълимоти.
- 2.2. И. Халдун одамнинг шаклланиши, бунда фан ва меҳнатнинг роли ҳақида.
- 2.3. И. Халдун турмуш даражасини белгиловчи омиллар ҳақида.
- 2.4. И. Халдун шаҳар ва қишлоқ турмуш тарзи ҳақида.

2.1. Араб мутафаккири Ибн Халдун таълимоти

Жаҳон иқтисодий илмининг ривожланишига араб мутафаккирлари Абу Зайд Абдурахмон Ибн Муҳаммад Ибн Халдун (1332- 1406) катта ҳисса қўшган. 1382 йили Қоҳирага келиб мударрислик қилган, кейинроқ қози бўлган. Асосий асари “Китоб-ул-ибар” (“Ибратли мисоллар китоби”, 1370 й.). Иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш тарихида Ибн Халдун биринчи бўлиб, тарихий жараён ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни табиий, илмий таърифни берган.

«Давлатнинг кучи ва қудрати, аҳолининг сони бойлик ва фаровонликка боғлиқдир», деб ёзади олим. Солиқлар зарурлиги уқтирилади, солиқлар яна аҳолининг ўзига қайтиб келади. «Аҳолининг бойлик манбаини бозор ва савдо муносабатлари ташкил этади», деганда олим худди бугунги иқтисодий ғояни қўллаб қувватлайди. Меркантилистик ғоя классик мактаб фикрлари билан тўлдирилади. «Савдогар молига нарх қўйишда барча сарф-харажатларни ҳисоблаб нарх ёзади». Олимнинг беҳосият, мевасиз дарахтлар экишдан

четланиш ҳақидаги фикри ҳам қимматлидир. Ибн Халдун дастлаб биргаликда «ишлаб чиқариш» фаолиятига катта эътибор берди, жамият моддий қийматлар «ишлаб чиқарувчилар» жамоасидан иборат дейди. У «*Одамнинг келиб чиқишида меҳнатнинг*» ўрнини очиб беришга ҳаракат қилган. Хутармандчилик, фан ва санъатнинг ривожини бевосита «меҳнат унумдорлигининг ўсиши» билан боғлиқ дейди. «Оддий» ва «мурак-қаб» меҳнат фарқланган, меҳнат бўлмаса, буюм ҳам бўлмас эди, деган муҳим хулоса чиқарилади. Олим фикрларида «зарурий» ва «қўшимча маҳсулот», «зарурий ва қўшимча меҳнат» тушунчалари фаркланади. У *товарнинг истеъмол қилгани* ва «қиймат» тушунчаларини таърифлади. Товар қиймати хом ашё қиймати, меҳнат воситалари, оралиқ товар ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг қиймати киради. У айтадики, айрим хунарлар бошқа хунарларни ўз ичига олади: масалан, дурадгор ёғочдан ишланган буюмларни, тўқувчи йигирилган ипни ишлатади ва ҳоказо, яъни ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлиги ис-ботлаб берилди. Товар пул муносабатлари таҳлил этилган, нархлар бозорга олиб чиқилган товарлар массаси (талаб-таклиф)га боғлиқлиги айtilган. Нонга баҳоларни мўътадил ушлаб туриш, фарованлик манбаи эканлиги кўрсатилади. Солиқ тизимини тартибга солиш кераклиги қайд этилади, унингча солиқ пасайиши ижтимоий ҳаётни юксалтиради.

Шуниси диққатга сазоворки, Ибн Халдун (асли араб) тарих тақозоси билан *Амир Темур* билан Дамашқда учрашган (асир тушган) ва у билан суҳбат қурган. Кўп соҳаларда, жумладан, иқтисодиётга оид асарлар муаллифи, катта домла эканлигани билиб қолган Амир Темур Ибн Халдунни асирликдан қутқариб, ўз ватанига қайтишга ва ижодий ишини давом эттиришга имкон берган. Бу олижаноблик илмга бўлган ҳурмат рамзидир.

Унинг инсониятнинг ривожланиши иқтисодиётнинг даражасига боғлиқлиги ҳақидаги таълимоти классик сиёсий иқтисод вакиллари: Адам Смит, Давид Рикардо, Уильям Петти концепцияларидан 2-3 аср олдин

шакланган. Академик В.В.Бартольд: «Бу қонунларни биринчи бўлиб, бу йўналишдаги биринчи тажрибалар Европа тилларида пайдо бўлишдан анча аввал, тарихий тараққиёт қонунларини аниқлашни мақсад қилиб қўйган араб олими Ибн Халдун белгилаб беришга уринган» - деб таъкидлаган эди.

Немис файласуфи К.Брейзинг Ибн Халдун назариясини таърифлаб, унинг Марксча тарихий материализмдан устунлигини эътироф этган. Ўзининг Ибн Халдун назариясига берган баҳосини у: «Марксча назария иқтисодий жиҳатдан тор, Ибн Халдун назарияси эса тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучларига ҳар томонлама кенг ёндошувга асосланган» - деб тушунтирган.

Жамиятга ўзининг қарашларини Ибн Халдун «Ижтимоий ҳаёт табиати ҳақида китоб» рисоласида баён қилган ўз тадқиқотининг предметини у шундай белгилаган: «Бу мустақил фан, чунки у кишиларнинг ижтимоий ҳаётини ва кишилик жамиятини тадқиқ этишдан иборат махсус мавзуга эга; у мавзунинг моҳиятига доир фактларни қадам-бақадам тушунтириш билан шуғулланади: бу ҳақидаги гап - янги иш, илгари сурилаётган концепцияси ва фойдасининг кенглиги жиҳатидан ғайри оддийдир. Бу гўёки ўз-ўзидан пайдо бўлган янги фандир ва худо ҳаққи мен аввалги рисолалардан бу предмет ҳақида бирон-бир сўз ҳам билмайман.»

Ибн Халдунни янги фанининг предмети умрон-кишиларнинг ҳар томонлама кўринишдаги ижтимоий турмушидир. Шарқ адабиётида умрон цивилизация, маданият демакдир. Ибн Халдун умрон сўзини турмуш кечириш, одамларни ўз эҳтиёжларини жамоа бўлиб қондиришга мойиллигидан шаҳар ёки қишлоқ жойларида биргаликда яшаши деб тушунади. Шарқ мутафаккирлари ичида биринчи бўлиб Ибн Халдун одамнинг келиб чиқишини илмий тушунтириб берди. У: «Одам бошқа ҳайвонлардан ўзининг хусусиятлари туфайли ажралиб чиққан, бу хусусиятлар ичида илм ва ҳунар алоҳида аҳамиятга эга, улар одамни бошқа ҳайвонлардан ажратган ва барча маҳлуқлардан юқорига олиб чиққан.»

2.2. И.Халдун одамнинг шаклланиши, бунда фан ва меҳнатнинг роли ҳақида

Кўришиб турибдики, у илм ва ҳунарни одамнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишини асосий омили деб ҳисоблайди. Табиийки савол туғилади: қайси илм ёки ҳунар меҳнатсиз бўлади? Илм, ҳунар юқори малакали меҳнатнинг алоҳида шакллари дур. Шундай қилиб у Ф. Энгелсдан 5 аср аввал одамни шаклланишида меҳнатнинг ўрнини очиб берди.

Инсон тафаккурининг тарихида биринчи булиб Ибн Халдун кишилиқ жамияти уни ривожланишининг иқтисодий қонунятлари ҳақида илмий назария яратди. Унинг фикрича тарихий жараёнлар пайғамбарлар ва шохлар тарихига эмас, балки жамиятнинг турмуш тарзига асосланади.

Академик И.Ю.Крачковский: «Ибн Халдун ўзининг тарихий жараёнини бориши ҳақидаги қарашларига юнон файласуфлари каби сиёсий тузумнинг эволюциясини эмас, балки хўжалиқ шакллари эволюциясини: кўчманчилик турмуши, деҳқончилик ўтқоччилигини, шаҳар ҳаётини асос қилиб олган,»- деб таъкидлаган эди.

Ибн Халдун кишилиқ жамиятининг ривожланиш тарихида асосий йўналтирувчи омил одамнинг ҳожати-моддий зарурият, одамларнинг яшаш воситалари топишга интилишидур, деб ҳисоблаган. «Маълумки, одам муҳтож бўлган яшаш воситаларига ёлғиз ўзи эриша олмайди ва одамлар бирлашиб бир-бирларига ёрдам берадилар. Одамлар гуруҳи бир-бирларига ёрдам бериб, топган неъматлари уларни ўзларидан кўра анча кўпроқ одамларнинг эҳтиёжини қондиради. Масалан, буғдойдан тайёрланадиган овқат: одам ёлғиз ўзи ўзининг улушини топа олмайди; агар олти ёки ўн киши шунга интилса - темирчи ва дурадгор қурол ясага, учинчиси, хўкизларга қараса, тўртинчиси ер ҳайдаса, бешинчиси - бошоқ терса ва бошқа деҳқончилик ишларини бажарса, уларнинг ҳаммаси бу ишларни ўзаро тақсимлаб олсалар ёки биргалиқда бажарсалар, унда уларнинг меҳнати тўфайли маълум миқдордаги озиқ-овқат яратилади ва шунда маълум бўладики, яратилган озиқ-овқат одамларни бу сонига кераклигидан

анча кўп экан ва бирлашган одамлар меҳнатининг миқдори ишлаётганларнинг зарур эҳтиёжларини қондириш учун лозим миқдордан ошиб кетади.»

У иқтисодий назариянинг асосий тамойилларидан бири - меҳнат тақсимооти асосида яшаш воситалари билан таъминланиш мақсадида, биргаликда меҳнат қилиш учун одамларнинг жамиятга бирлашиши тамойилини асослаб берди. Жамиятнинг моҳиятини у ана шундай кўрди.

2. 3. И. Халдун турмуш даражасини белгиловчи омиллар ҳақида

Шундай қилиб илм фан тарихида биринчи бўлиб Ибн Халдун жамиятга сиёсий жамоа эмас, диний жамоа эмас, балки биргаликда меҳнатга асосланган меҳнат жамоаси деб таъриф берди. Бинобарин у одамни жамиятга бўлган табиий заруриятини асослаб берди. Шунга асосан у, «одам табиатан ижтимоий мавжудотдир»-деган фикрга келди. Ибн Халдунни ижтимоий ҳаётнинг табиий сифатлари ҳақидаги таълимотининг аҳамияти беқиёсдир. Илм фан тарихида биринчи бўлиб, у одамларни моддий ҳаётини жамиятни яратувчи унинг ҳаётини ҳамма жиҳатларини, шу жумладан ғоявий жиҳатларини белгиловчи асосий куч эканлигини эътироф этди.

«Яшаш воситалари илм-фандан аввал ўрганилади, чунки яшаш воситалари зарурий ва табиийдир, илм-фанни ўрганиш эса нозарурий ёки камроқ зарурийдир: табиийлик нозарурийликдан аввал келади.»

Яшаш воситаларини Ибн Халдун икки қисмга: зарурий эҳтиёж ва мўл эҳтиёжга бўлади. Ана шу низомдан келиб чиқиб у зарурий ва кўшимча маҳсулот тушунчаларини асослаб берди.

Унинг фикрича аҳолининг даромадлар ва яшаш воситалари билан таъминланиш даражаси меҳнат миқдorigа боғлиқдир. «Агар меҳнат миқдори ошса, аҳоли меҳнатининг қиймати ҳам ошади. Шу туйғайли уларнинг зарур ашёлар шаклидаги даромадлари ҳам ошади, мулчилик ва бойлик уларни

кулайликларга эришишга: уй-жой ва кийим кечакка интилишга хизматлар тутишга, улов учун ҳайвонларни ишлатишга майл уйғотади.»

Одамларнинг меҳнат фаолиятининг Ибн Халдун халқнинг бойиши, қишлоқларни шаҳарларга, кичик шаҳарларни катта шаҳарларга айланишининг ҳал қилувчи омили ҳисоблайди. «Кунини ўтказиб юрганларнинг шароити яхшиланиб, улар зарурийдан ортиқ бўлган мулчилик ва бойликка эришганда-бу уларга ҳаловат ва дам беради. Энди улар зарурийдан ортиқ бўлган ишларда бир-бирларига ёрдам берадилар: Улар кўпроқ озиқ -овқат ва кийим-кечакка эгалар ва бундан роҳатланадилар, уйларини ободонлаштирадилар ва ҳимояланиш учун шаҳарлар курадилар.

Кейин уларнинг мўлчилиги ошади ва нозик одатлари пайдо бўладики, ипак, парча ва бошқа қимматбаҳо кўйлақлар сотиб олишда, уйлар ва минораларнинг баландлиги-ю ҳашаматида турли олий даражада такомиллаштирилган хунарлар ва санъатлардан кўпроқ фойдаланишда намоён бўлади. Улар саройлар ва уйлар курадилар, улардан оқар сув ўтказадилар, баланд миноралар курадилар уларни тузилишини такомиллаштирадилар. Улар кийим-кечак, гиламлар, идиш ва жиҳозлар олишда бир-бирлари билан рақобатлашадилар. Шаҳарликлар, яъни катта ва кичик шаҳарларда яшовчилар ана шундайдилар.»

Ибн Халдун сиёсий иқтисоднинг зарурий ва кўшимча меҳнат каби категорияларига таъриф берган. «Агар бирон-бир шаҳар ёки вилоятнинг аҳолиси ўзининг меҳнатини ўзининг зарур эҳтиёжларига мос равишда тақсимласа, уларга бу меҳнатнинг бир қисмигина етади; меҳнатнинг қолган қисми зарурий эҳтиёжларни қондиришга сарфланган меҳнатга нисбатан ортиқчадир ва ҳашамли буюмлар сотиб олишга, бошқа шаҳарлар аҳолиси муҳтож бўлган ва улар тенг қийматли алмашув йўли билан сотиб оладиган ҳашамли буюмлар тайёрлашга кетади.»

Демак, у бойликнинг манбалари айрим шаҳарлар ёки мамлакатлар турмуш даражасининг юксак сабабларини очиб берди. У меҳнатни шаҳарлар

бойлигини манбаи деб ҳисоблади. Унинг фикрича, меҳнат қанчалик кўп бўлса, турмуш тарзи шунчалик мукаммалашади. «Кичик шаҳарларда аҳоли ўз меҳнати билан етарли яшаш воситаларини ярата олмайди; уларни шаҳар ҳисоблаб бўлмайди, улар кўпроқ қишлоқлардир ва улардаги аҳолининг деярли ҳаммаси қашшоқлардир. Чунки уларнинг меҳнати зарурий эҳтиёжларни қондирмайди; улар фойда сифатида жамлаш мумкин бўлган мулкчилик яратмайдилар ва уларнинг даромадлари кўпаймайди. Шунинг учун уларнинг камдан-камидан ташқари кўпчилиги муҳтожлар ва қашшоқлардир.

Бизнинг давримизда Қоҳира ва Мисрнинг ҳашамати ажабланиш уйғотади-ки, Ғарбда кўпчилик қашшоқлар ўша ёққа борадилар; кўпчилик Миср тупроғида жавоҳирлар кўмиб қўйилган ва Миср аҳолисининг фавқулотда ҳалоллиги туфайли улар юзага чиққан деб ўйлайди. Аммо асл сабаби бундай эмас, балки Ғарб мамлакатларига нисбатан Миср ва Қоҳирада мукаммалроқлигидадир, шунинг учун аҳоли яхшироқ. Буларнинг ҳаммаси шаҳардаги меҳнатнинг ҳар-хил миқдорига боғлиқдир»

2.4. И.Халдун шаҳар ва қишлоқ турмуш тарзи ҳақида

Турли шаҳарлардаги турмушга таъриф бериб Ибн Халдун, «Турмуш тарзи» тушунчасидан фойдаланади.

Турмуш тарзининг фарқи сифатида у энг аввало хўжалик фаолияти турларининг фарқини тушунади ва ижтимоий ҳаётнинг икки асосий- қишлоқ ва шаҳар кўринишини фарқлайди.

Қишлоқ аҳолиси ҳақида гапириб Ибн Халдун деҳқонлар ва қўй, сигир, туяларни боқувчи чорвадорларни ажратади. У буларнинг ҳар бирини турмуш тарзини ўзларига хос бўлган меҳнат тури белгилайди, деб таъкидлайди.

Деҳқон ўтроқ тарзда яшайди, чунки бу унинг учун заруриятдир. У ер ҳайдайди ва экин экади. Қўйчуионга турмушнинг кўчманчи тарзи хосдир, чунки у доимо қўйлар учун ўтлоқ ва сув излашга мажбур. Туябоқар яна ҳам

кўпроқ кўчманчидир, чунки у туялар учун энг қулай шароитни излаб узоқ саҳрода яшайди.

Маълумки, турмуш тарзининг фарқи, яъни яшаш воситаларига эришиш усулларидаги фарқ инсоният тараққиётида иқтисодий даврни белгилайди. К.Маркс «иқтисодий даврлар нима ишлаб чиқараётганлиги билан эмас, балки қандай ишлаб чиқаётгани, қандай меҳнат воситалари билан ишлаб чиқараётгани билан фарқланади»-деб таъкидлаган эди.

Худди шу назарияни, фақат Марксдан бир неча аср аввал Ибн Халдун илгари сурган эди. У жамиятнинг турмуш тарзини одамларнинг хўжалик фаолияти белгилайди, деб ҳисоблаган: «Билгин, қабилаларнинг турмуш тарзидаги фарқ уларнинг яшаш воситаларига эришиш усуларидаги фарқдан келиб чиқади» Бинобарин, Ибн Халдунинг фикрича, хўжалик фаолиятининг тури жамиятнинг турмуш тарзини белгилайди.

Умумий хулоса

5-15 асрларда Марказий Осиё ва Шарқда яшаб ижод қилган мутафаккирларининг иқтисодий таълимотини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1.Одамларнинг кўпчилигини, саъйи-ҳаракатини белгиловчи асосий омил, моддий манфаатдир;

2.Одамлар ўртасидаги ўзаро ёрдамнинг асоси-ўзаро эҳтиёжларни қондиришдир;

3.Жамият – эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган меҳнат жамоасидир;

4.Жамиятлар турмуш тарзига қараб фарқланади, турмуш тарзи эса яшаш воситаларига эришиш усулларига қараб белгиланади.

Назорат саволлари

- 1.И.Халдун таълимоти хакида нима биласиз?
- 2.И.Халдуннинг киймат назариясини айтиб беринг?
- 3.И.Халдун эҳтиёжни қандай таърифлаган?
- 4.И.Халдун жамият хакида нима деган?
- 5.Европа олимлари И.Халдунга қандай баҳо берган?
- 6.И.Халдун бойликни манбаи нимада деб билган?
7. Ибн Халдуннинг сиёсий иқтисоднинг қандай зарурий категорияларини биласиз?
8. Яшаш воситалари деганда нимани тушунасиз?
9. Зарурий ва қўшимча меҳнатни фарқи нимада?
10. Ибн Халдун кишилиқ жамиятининг ривожланиш тарихида асосий йўналтирувчи омил нима?

Адабиётлар

- 1.Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
- 2.Йулдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.
- 3.Ислом Энциклопедия: А-Х: / 3.Хусниддинов таҳрири остида.-Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003.- 313 бет.
- 4.Йулдошев Н.Қ.«Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.: ТДИУ,2002. С.90

3.БОЗОР ВА УНИНИГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.

- 3.1.Бозор ҳақида тушунча. Бозорнинг таърифи.
- 3.2.Ибн Халдун : касб ва ризқ.
- 3.3.Ибн Халдуннинг товар ва бозорга берган таърифи.
- 3.4.И.Халдун: баҳо ва қиймат. Баҳога таъсир этувчи омиллар.
- 3.5.Ислом таълимотида баҳо.
- 3.6.Амур Темурнинг баҳо сиёсати.

3.1.Бозор ҳақида тушунча. Бозорнинг таърифи

Шарқ балки бутун дунё олимлари ичида биринчи бўлиб Ибн Халдун бозор тушунчасини таърифлаб берди. Унинг таърифича, «бозор-хунармандчилик ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг рағбатлантириш омилidir. Хунарни у, бозорда сотиладиган ва сотиб олишга таклиф қилинадиган товарга ўхшатади. Шундай қилиб, Ибн Халдуннинг фикрича, бозор хунармандчилик ишлаб чиқаришини такомиллаштиришнинг рағбатлантирувчи омилidir.

Хунармандчилик товар ишлаб чиқарувчиларнинг малакасини ошиши, ижодий изланиши, ихтирочилиги ҳисобига ривожланади, натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошади, тайёрланаётган маҳсулотлар такомиллашади, уларнинг ассортименти кенгаяди. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг бундай серқирра, машаққатли меҳнати жамият томонидан тақдирланиши лозим. Хунармандчилик ишлаб чиқаришини рағбатлантирувчи омил бозор бўлиб, унда товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатлари юзага чиқади ва тақдирланади.

Бозор ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи омил бўлиб, кишининг хўжалик фаолиятига кенг имкониятлар яратиб бериши учун эркин бўлиши лозим. Бозор-жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар йиғиндидир. Бу муносабатларни чеклаш товар ишлаб чиқаришни бинобарин, иқтисодий

ривожланишни секинлаштиради ва ҳатто тўхтатиб қўяди. Ибн Халдуннинг бозорга берган таърифидан келиб чиқадиган бу қоида бугун ҳам ўзининг илмий ва амалий аҳамиятини йўқотган эмас.

3.2.Ибн Халдун: касб ва ризқ

Хунармандчилик ишлаб-чиқаришни таърифлаб, одам яратадиган барча меҳнат даромадларини йиғиндисини Ибн Халдун касб атамаси билан белгилайди. Касб одам ўз меҳнати ва қобилияти туфайли эришиладаган нарсадир. Касб одамнинг яшаш воситасидир; агар унинг ҳажми яшаш учун зарур воситалар йиғиндисидан ортиқ бўлса - бойликдир.

Касб ишлаб чиқарувчи учун фойдали бўлиш имкониятига эга. Касб эгасига у, агар ундан фойдаланилса ўзини яшаш воситалари билан таъминлаш имконини беради. Акс ҳолда касб бефойдадир: «Мархумга нисбатан мерос касбдир, чунки ундан мархум фойдалана олмайди».

Меҳнат даромадларининг ишлаб чиқарувчи фойдаланмайдиган қисми сотиш жараёнига киради ва бошқа одамлар ҳожатини чиқаришга ишлатилади, буни Ибн Халдун ризқ деб атайди. Агар одам маҳсулотнинг ана шу қисмидан фойдалана олмаса у ризқ бўла олмайди : «Меросхўрларга нисбатан мерос ризқдир, чунки меросхўрлар ундан фойдалана оладилар.» Ишлаб чиқарувчи касбдан фойдаланиб, «уни фойдали ва зарур нарсага сарфлаб», ризқ яратадилар.

Ибн Халдун назарияси бўйича, касб ва ризқ одам меҳнат фаолияти жараёнида эришган яшаш учун зарур воситаларида, шунингдек унинг ортиқча қисмида намоён бўладиган мулкдир. Касб одамнинг яшаш воситалари яратишдан иборат ишлаб чиқариш имкониятидир. Ризқ- истеъмол ёки алмашув учун касб яратган бойликдир.

3.3.Ибн Халдуннинг товар ва бозорга берган таърифи

Ибн Халдун товарда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характерини кашф қилишга жуда яқинлашиб қолган. Яратилаётган ҳар бир маҳсулотда Ибн Халдун ундан ишлаб чиқарувчилар фойдалана олиш ёки фойдалана олмаслик хусусиятини фарқлаб берган. Ана шу мезондан келиб чиқиб, у маҳсулотларни: ишлаб чиқарувчи учун ўзининг ашёвий шаклида фойдали бўлган ва уни ишлатиш натижасида ишлаб чиқарувчи учун фойдали бўладиган турларга бўлади. Бундан у товарларни ўз истеъмоли учун яратилган ва алмашув учун яратилган товарларга бўлади. Бу билан у натурал ва товар хўжалигини фарқлаб беради.

Бозор, Ибн Халдун таърифича, меҳнат унумдорлигини рағбатлантирувчи омилдир. Меҳнат унумдорлигини оширишдан мақсад маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдир, агар маҳсулот сотиш учун ишлаб чиқарилса у товар бўлади. Товар ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Агар бозорга турли хил тўсиқлар қўйилса, товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлиги йўқолади, меҳнат унумдорлиги пасаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ошишига Ибн Халдун ҳунармандчилик, санъат ва илм фанни ривожлантириш омили сифатида қарайди. «Шаҳар аҳолисининг меҳнати яшаш воситалари яратиш учун зарур миқдордан ошганда улар яшаш воситалари доирасидан ташқари бўлган ва фақат одамга ҳос бўлган илм-фан ва санъатга назар ташлайдилар.»

Ҳунармандчиликни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг пировард мақсади товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хизматларни кенгайтиришдир. Шунинг учун Ибн Халдун ўз асарларида товар тушунчасини беради: «Нон, ҳайвонлар, қуроллар ёки газмоллар товар бўлиши мумкин». «У фақат истеъмол воситалари эмас, балки меҳнат қуроллари ҳам товар бўлиши мумкин» деб ҳисоблаган.

Товарларни қайси мақсадга йўналтирилишига қараб Ибн Халдун уларни истеъмол буюмлари мулкига бўлади: «Одам эришган барча ашёлар унинг эҳтиёжларини қондиришга сарфланса, улар истеъмол буюмлари деб аталади. Агар одам уларни ўзининг эҳтиёжларини қондиришга ишлатмаса, улар истеъмол буюмлари дейилмайди. Одам ўз меҳнати ва қобилияти туфайли эришган нарсалар мулк дейилади. Масалан, мерос марҳум учун у фойдалана оладиган истеъмол буюмлари эмас, балки мулкдир. Ундан фойдаланадиган меросхўрлар учун эса у истеъмол буюмидир.»

3.4. И.Халдун: баҳо ва қиймат. Баҳога таъсир этувчи омиллар

Ибн Халдун ўз тадқиқотларида истеъмол қиймати ва қиймат тушунчаларини илгари сурган. Унинг фикрича, барча истеъмол қийматлари инсон меҳнати билан яратилади. Ўз даври учун Ибн Халдунинг истеъмол қиймати ҳақидаги тушунчаси катта аҳамиятга эга эди.

У қиймат сирини топган, меҳнатда қиймат субстациясини кўра билган Шарқнинг биринчи олими эди:

«Одам фойдаланадиган ва бойлик сифатида эришадиган нарсаларнинг хаммаси агар улар хунармандчилик маҳсули бўлса, унга сарфланган меҳнатнинг қийматига тенгдир.»

«Одамлар фойда оладиган ҳар қандай даромад улар меҳнатининг қийматига мосдир. Агар кимдир умуман ишламаса, у ҳар қандай даромаддан маҳрум бўлар эди.»

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, Ибн Халдун меҳнатни қийматнинг асоси деб билган.

Ҳақиқатан ҳам «қиймат-товарда гавдаланган ижтимоий меҳнат, товар-ишлаб чиқарувчиларнинг ижтимоий меҳнатини ашёвий ифодасидир.»²⁸ Қиймат категориясини таърифлаб, Ибн Халдун унинг ижтимоий тавсифини берган: «Даромаднинг қиймати сарфланган меҳнат, ушбу буюмнинг бошқа буюмлар ўртасидаги ўрни, одамларга зарурлиги билан белгиланади.» Классик

сиёсий иқтисод ҳам қийматга худди шундай таъриф беради: «Қиймат ашёнинг табиий хусусияти эмас, балки товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ижтимоий муносабат, ашёвий қобик билан яширинган тарихий категориядир.» Шундай қилиб, Ибн Халдун классик сиёсий иқтисоддан анча аввал қийматга умуман тўғри таъриф берди.

Шу билан бирга у қиймат ҳамда талаб ва таклиф қонуни бўйича шаклланадиган баҳо фарқини ажрата олмади. Шунга қарамасдан баҳони товар қийматидан олиш ҳолларини тушунтириб бериш учун Ибн Халдун талаб ва таклиф қонуни тушунчасини киритди. Унинг фикрича қиймат уни яратишга сарфланган меҳнат миқдори билан белгиланади, бироқ у талаб ва таклиф каби омилларга таъсирчан бўлади.

Унинг тушунтиришича товарнинг қиймати хом ашё меҳнат воситалари оралиқ товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати қийматларининг йиғиндисига тенг. У: «Баъзи ҳунарларнинг меҳнати бошқа ҳунарларнинг меҳнатини ўз ичига олади. Масалан, дурадгорлик ёғоч буюмлардан, тўқимачилик калавадан фойдаланади, шунинг учун бу иккала ҳунарда меҳнат кўп ва қиймати баланд бўлади. Агар буюмлар ҳунармандчилик меҳнати билан яратилмаса унда қийматга уларни яратишга сарфланган меҳнат қиймати кўшилади, чунки меҳнат бўлмаса предмет ҳам бўлмаган бўлур эди» - деб ёзган эди.

Товар ва унинг қиймати ҳақидаги фикрларини ривожлантириб Ибн Халдун алмашув масалалари бўйича ҳам айтиб ўтган. Алмашувда товарларнинг тенглаштирилишини у товарларда меҳнатни тенглаштириш шакли деб қараган. Шундай қилиб, у ўз замонасидан илгарилаб кетиб айирбошлашни эквивалентлик тамойилини асослаб берган. Бу бозор муносабатлари тизимида фавкулотда аҳамиятга эга.

Бозорнинг асосий элементларидан бири баҳодир. Ибн Халдун асарларида баҳо ҳақида қизиқарли фикрлар айтилган. Унинг фикрича, озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси уларнинг бозордаги ҳажмига яъни таклиф

ҳажмига боғлиқ. Ўз навбатида товарларга бўлган талаб жуда кўп омилларга боғлиқ.

Баҳоларнинг ўзгариш сабабларини ўрганиб у бугун ҳам тасдиқланадиган фикр билдирган. У: «Агар одамлар юз бериши мумкин бўлган офатлардан кўрқиб, озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаб қўймаганларида улар ўз баҳоларидан анча паст сотилган ва номуносиб алмаштирилган бўлур эди.»

Истеъмол бозори ва маркетинг муаммолари институтининг маълумотларига кўра, агар 1987 йилда аҳолининг фақат чорак қисми озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаган бўлса, 1990 йилга келиб товарларни сотиш миқдорини чеклашларига қарамай аҳолининг ҳаммаси маҳсулотларни захира қилиб қўйган. Масалан керагидан 1,5 марта кўп гўшт, 2 марта кўп чой ва консервалар, 1,7 марта кўп пойафзал сотиб олган.

ЮНЕСКО топшириғига биноан ривожланаётган мамлакатларда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш аҳолини ўрганган тадқиқочии гуруҳнинг маълумотларига кўра, сотувда йўқолиб кетган товарларнинг яна пайдо бўлиши учун уларни ишлаб чиқариш ҳажмини 6 марта кўпайтириш лозим. Таъминотнинг барқарорлигига ишончсизлик одамларни керагидан 5 марта кўп товар сотиб олишга мажбур қилади. Ибн Халдун баҳоларга таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам кўриб чиққан. Бу омилларни у ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, хунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг ўсиши билан боғлаган. «Одамларга керак бўлган нарсалар, энг аввало уларнинг зарурлари - озиқ-овқат маҳсулотлари масалан, буғдой ва арпа сабзавотлар, нўхат, шунга ўхшашлар ва пиёз, саримсоқ ва бошқа дориворлар ҳамма бозорда бор шунингдек камроқ зарур бўлган ва зеб-зийнат буюмлари - ширинликлар, мевалар, куйлаклар, идишлар, бошқа турли хил хунармандчилик буюмлари ва қурилиш воситалари ҳам бор. Шаҳар кенгайиб унинг аҳолиси кўпайганда зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи паст, ширинликлар, мевалар ва шунга ўхшаш зеб-зийнат буюмларнинг нархи баланд бўлади. Агар

шаҳар аҳолиси кам сонли ва уларнинг турмуш даражаси паст бўлса тескари аҳвол бўлади.»

Ибн Халдун баҳолар даражасига ҳукмдорлар солган солиқларнинг таъсирини ҳам ўрганган. «Баъзан озуқа маҳсулотларининг баҳосига бозорларда ва шаҳар дарвозаларида, ҳукмдор фойдасига ёки солиқ йиғувчиларининг фойдасига олинадиган солиқлар ва йиғинлар қиймати киради. Шунинг учун солиқлар, йиғинлар кўп бўлмаган ёки умуман бўлмаган қишлоқ жойларига нисбатан шаҳарларда, айниқса сулола ҳукмронлигининг охирида баҳолар баланддир.»

Ибн Халдун бир товарнинг баҳосини ўзгаришини бошқа товарнинг баҳосига таъсир этиш механизмини очишга ҳаракат қилган. У: «қимматчиликка солиқлар ундириш сабаб бўлади, чунки ижтимоий ҳаёт фақат давлат ўз ривожининг чегарасига етгандагина мукаммаллашади: бу вақтда давлат катта ҳаражатларни қоплаш учун аҳолига солиқлар солади. Ноқонуний йиғинлар ҳам қимматчиликка олиб келади, чунки ҳамма савдогарлар ўз товарларининг баҳосига ҳамма ҳаражатларни, шу жумладан ўзларининг яшаш ҳаражатларини ҳам киритадилар, шундай қилиб йиғинлар товарларнинг қиймати ва баҳосига киради,»- деб таъкидлаган.

Унинг фикрича нон аҳолини камбағал ночор табақаларининг кенг тарқалган овқатидир. «Ҳамма товарлар ичида нон баҳоси паст бўлиши лозим бўлган товардир. Чунки нонга эҳтиёж умумийдир, ахир камбағалга ҳам бойга ҳам албатта овқат зарур, мухтожлар эса аҳоли ичида жуда кўпдир. Ноннинг арзонлиги ҳамма ерда турмушнинг яхшиланишига хизмат килади. Бу товарнинг алоҳида аҳамияти савдогарлар фойдасидан овқатланиш учун унинг аҳамиятини устун қўйишни тақозо этади.»

Ибн Халдунни бу гапининг маъноси шуки, у савдо фойдасидан воз кечиб ноннинг арзонлигини таъминлашни афзал билган.

3.5. Ислом таълимотида баҳо

Баҳоларнинг шаклланиши масалалари мусулмон ҳуқуқшунослигида ҳам ўрганилган. Мусулмон ҳуқуқшунослари товарларнинг қиймати ва бозор баҳосининг фарқини билганлар, бинобарин баҳонинг товар қийматидан оғишини мумкин деб ҳисоблаганлар. Шариат бўйича баҳо маълум ва аниқ белгиланган пул бирликларида ифодаланиши лозим. Сотиб олинган нарсалар қийматини уларни сотиш ҳаражатлари ҳисобига кўпайиши капитални ўсиши ҳисобланган ва улар товар баҳосига киритилган.

Товар унга энг юқори баҳо берган шахсга сотилиши мумкин. Бироқ юқори баҳо бериш ҳақида қалбаки таклиф қилиш йўли билан баҳони кўтариш номаъқул ҳисобланади. Сотиб олиш ниятида эмас, балки бошқаларни юқорироқ баҳо беришга ундаш учун баланд нарх таклиф қилиш йўли билан товарларнинг баҳосини ошириш таъқиқланади. Шаҳар аҳолисига аталган товарларни шаҳарда юқорироқ баҳода сотиш учун шаҳар дарвозалари олдида сотиб олиш ман қилинади. Шаҳарликка қишлоқ хўжалик маҳсулотларини юқорироқ баҳода сотиш учун қишлоқликнинг вакили бўлиш таъқиқланади. Фойда олиш мақсадида ғалла ва ғалла маҳсулотларини сотиб олиш ва баландроқ баҳода сотиш номаъқул иш ҳисобланади, чунки бу ноннинг баҳосини кўтарилишига олиб келади.

Мусулмон иқтисодий таълимоти баҳоларнинг объектив характерини тан олган. Шариат бўйича ҳукмдорлар баҳоларни белгилашлари лозим эмас, чунки уларга бундай вазифа юклатилмаган. Муҳаммад пайғамбар: «баҳоларни белгиламанглар, уларни оллоҳ белгилайди,»-деб ҳукмдорларга буни ман қилган. Бундан баҳолар одамлар томонидан бошқарилмаган деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, зотан уларни ҳокимият кучи билан эмас, балки талаб ва таклиф қонунини тан олган ҳолда иқтисодий чоралар билан белгилаш лозим демакдир.

Баҳоларни белгилаш савдогарларининг ҳуқуқидир, ҳукмдорларга жамият манфаатларига бевосита хавф туғиладиган ҳолларидан ташқари, бу ишларга аралашиб ҳуқуқи берилмаган.

Агар савдогарлар халқнинг мухтожлигидан фойдаланиб озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини хаддан ташқари кўтариб юборсалар, ҳукмдорлар баҳоларни тажрибали ва саҳоватли кишилар ёрдамида тартибга солиш ҳуқуқига эгадирлар.

Алишер Навоийнинг «Муншаот» (тахт ворисига мамлакатни идора этиш ҳақида насиҳат) асарида мамлакатни бошқариш усуллари, ҳукмдорнинг вазифалари, халқ фаровонлигини таъминлаш ҳақида қимматли фикрлар баён қилинган. Унда Навоийнинг 88 та мактуби жамланган. Ўз даврининг энг обрўли ва баланд мартабали давлат арбоби, йирик мутафаккири сифатида у мамлакатнинг сиёсий курашлари ва маданий ҳаёти марказида турган. Табиийки, бу унга кўп одамлар билан ёзишиб туришни тақозо қилган. Хуросон тахтининг вориси Бадиуззамонга ёзилган хатларининг бирида у, ҳукмдорнинг 30 га яқин вазифаси, жумладан бозор баҳоларини ҳар ҳафтада икки марта текшириш учун мухтасиблар (солик назоратчилари) тайинлаш ҳақида таъкидлаган.

3.6. А.Темурнинг баҳо сиёсати

Моварауннаҳрда Темур ҳукмронлик қилган даврда мамлакат бозорларида баҳолар устидан доимий назорат ўрнатилган эди. Назоратчилар баҳоларни сунъий равишда кўтариб юборган савдогарларни қатъий жазолашар, олиб сотарларга қарши амалий чоралар кўрилар эди.

Кастилиядан Самарқандга элчи бўлиб келган Рюи Гонзалис де Клавихо ўз кундаликларида: «Узоқ сафардан қайтган Темур ўз саройи олдида халқ сайли ташкил этишни, ўша ернинг ўзида бир қанча дорлар қуришни буюрди, чунки у бу тантаналарда бировларга яхшилик ва саҳоват кўрсата олиш, бировларни эса оса олишини кўрсатмоқчи эди. У қайтишидан аввал гўштни қийматидан баланд

баҳода сотган қассобларни жазолашни буюрди. Кейин у ўз молларини қиммат сотган косиблар, этикдўзлар ва бошқа ҳунармандларни жазолади ва уларнинг пулларини тортиб олди», - деб ёзган эди. Темур давлат амалдорларига улуфани (маошни) энг муҳим товарларнинг бозор баҳолари даражасига қараб тайинлар эди, шунинг учун у баҳоларга риоя қилишни қатъий назорат қилар эди. Баҳолар ўзгарса улуфалар ҳам шунга мос равишда ўзгарарди. Бу хизматчилар маошларини истеъмол буюмлари баҳоларининг даражаси билан боғлашга қаратилган дастлабки уриниш эди. Ҳозирги замон иқтисодиётида бу иш ҳақини индекслаштириш дейилади.

Умумий хулоса

Ўрта аср мутафаккирларининг бозор ҳақидаги таълимотидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1.Бозор - бу одамларнинг хўжалик, ишлаб чиқариш, тижорат фаолияти эркинлигидир. У ишлаб чиқаришни ривожланиш ва меҳнат унумдорлигини ўсишига хизмат қилади.

2.Бозорда фақат истеъмол буюмлари эмас, балки ишлаб чиқариш воситалари ҳам товар сифатида эркин сотилади.

3.Баҳолар объектив ҳаракатга эгадир. Уларни куч билан эмас, балки иқтисодий чоралар билан тартибга солиш лозим.

4.Иш ҳақи даражасини белгилашда яшаш учун зарурий товарлар баҳоларининг даражасини ҳисобга олиш лозим.

Назорат саволлари

- 1.Бозор нима?
- 2.Касб нима?
- 3.Ризқ нима?
- 4.Товарга таъриф беринг?
- 5.Истеъмол қиймати ва қиймат ҳақида нималарни биласиз?

- 6.Баҳо билан қиймат орасидаги фарк нимада?
- 7.Баҳога қандай омиллар таъсир кўрсатади?
- 8.А.Темур қандай баҳо сиёсатини олиб борган?
9. Истеъмол буюмлари деганда нималарни тушунасиш?
10. Талаб ва таклифга таъриф беринг?

Адабиётлар

1. История экономических учений. - Т.: Фан, 1997.
- 2.Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
- 3.Йўлдошев К., Муфтайтидинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.
- 4.Йўлдошев Н.Қ.«Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.: ТДИУ,2002. С.90

4.Мулкчилик таълимоти

- 4.1. Мулк ҳақида тушунча. Бозор муносабатларида мулкчиликнинг ўрни.
- 4.2. Ибн Халдун давлат ва хусусий мулк ҳақида.
- 4.3. Исломнинг мулк концепцияси. Мулк ҳуқуқи.
- 4.4. Шариат белгилаган ер турлари: мамлюк, мирья, вақф ва мават.
- 4.5. Шарқ халқларининг мулкка бўлган муносабатлари.
- 4.6. “Илм изловчиларнинг мақсади” асари ва унинг мазмуни.

4.1. Мулк ҳақида тушунча. Бозор муносабатларида мулкчиликнинг ўрни

Бозор муносабатлари тизимида мулкчилик марказий ўринда туради. Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари етакчи ўрин тутаяди, чунки жамият иқтисодий ҳаётининг асосини маълум тарихий шаклда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни ташкил этади. Ҳеч қайси ишлаб чиқариш жараёни эса моддий омилларсиз амалга ошмайди.

Марказий Осиё халқлари қарашларининг шаклланишига 11 аснинг кузга кўринган шоири ва мутафаккири, Қорахонийлар хукмронлиги даврида яшаган Юсуф Хос Хожиб Балосоғуний катта ҳисса кўшган. Ўзининг иқтисодий қарашларини у, «Қутадғу-билиг» (Саодатга элтувчи билим) асарида баён қилган.

1069-1070 йилларда ёзилган бу асарни у уйғур маъмурий маркази бўлган Қашқар хукмдори, уйғур хони Бугро Қорахонга бағишлаган. Қашқар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо йўлида жойлашганлиги учун, бу ерда савдо кенг ривожланган. Савдогарларнинг ишлари юришиб феодал хукмдорлар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаб олганлар. Савдонинг ривожланиши мамлакатда, хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланишига имкон берган. Натижада мамлакатда турли ижтимоий гуруҳлар: олимлар, шоирлар, хунармандлар, йирик ер эгалари бўлган деҳқонлар, ҳарбий бошлиқлар, элчилар ва бошқа гуруҳлар шаклланган. Ана шундай мураккаб шароитда Юсуф Хос Хожиб халқнинг орзу-ўйларини ифодалаб берган. Ўзининг «Қутадғу-блиг» асарида у халқнинг фуқоролик бурчини ва хоннинг иқтисодий сиёсатини белгилаб беришни мақсад қилиб кўйган. Унинг фикрича, халқ хонга долзарб иқтисодий муаммоларни ечишга қаратилган учта талаб кўяди. Улар: Халққа ишончли, мустаҳкам ва тўғри қонунлар бер; халққа мулкка эга бўлиш ҳуқуқини таъминловчи қонунлар бер. Халқнинг хонга Юсуф Хос Хожиб ифодалаб берган бошқа талаблари ҳақида кейинги бобларда тўхталамиз.

Ибн Халдун ҳам давлат сиёсатига нисбатан шунга ўхшаш талабларни баён қилган. У хукмдорларни шахсга ва фуқороларнинг мулкига нисбатан суистеъмол қилмасликка чақирган.

Чунки у ишлаб чиқариш воситаларига ва меҳнат маҳсулига ишлаб чиқарувчиларнинг хусусий мулкчилигини майда товар ишлаб чиқаришга асосланган жамият ҳаётининг асоси деб билган.

4.2. Ибн Халдун давлат ва хусусий мулк ҳақида

Ибн Халдуннинг давлат, унинг иқтисодий ва сиёсий вазифалари ҳақидаги таълимоти, хусусий мулкнинг дахлсизлигига асосланган. Ҳокимиятнинг асосий мақсади унинг вазифаларини у пировард оқибатда хусусий мулкни ҳимоя қилишда кўради. «Одамлар бирлашганда, зарурат уларни ўзаро иқтисодий муносабатлар кўришга ва шу йўл билан ўз эҳтиёжларини қондиришга олиб келади. Ва ҳар ким ўзи муҳтож бўлган нарсани олиш учун қўлини чўзади. Бошқаси шу нарсадан уни ҳайдайди. Шунинг учун уларни бир-биридан ҳимоя қилувчи ҳукмдорсиз одамларни яшаши мумкин эмас. Одамларнинг ёмон хусусиятларига зўравонлик ва бир-бирига душманлик киради. Ва ўз биродарининг мулкига кўз олайтирган, агар уни ҳукмдор қайтармаса уни олиш учун қўлини ҳам чўзади.»

Ибн Халдуннинг фикрича, давлатнинг функцияси ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва эквивалент товар алмашуви учун меъёрий шароитларини таъминлашдан иборатдир. Давлат сиёсатининг асоси шундан иборатдир, ундан оғиш эса жамиятнинг яшаши ва ривожланишига таҳдид солади. Давлатнинг моҳияти ва давлат сиёсатининг асосий функциялари ҳақидаги бу қоидалардан келиб чиқиб, Ибн Халдун ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига зарар етказадиган давлат бошқарувини танқид килади.

Ҳаддан ташқари солиқлар солиш ва асоссиз мусодара қилиш йўллари билан давлатнинг фуқоролар мулкига кўз олайтиришини у, давлат бошқарувининг жиддий қусури деб ҳисоблаган. Ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий мулоҳазалар асосида у халқни меҳнатдан бездирадиган ва давлатни ҳалокатга олиб келадиган оғир солиқлар солиш сиёсатини қоралайди. «Билгинки, одамларнинг мулкига суиқасд қилиш уларнинг мулкка эга бўлишга интилишларини бўғади, чунки улар бундай адолатсизликнинг мақсади, мулкни улар қўлидан тортиб олиш эканлигини кўрадилар, умидлари пучга чиққанда эса, қўл ишга бормади ва улар мулкка эга бўлиш учун меҳнат қилмай кўядилар. Жамиятнинг аҳволи унинг бойлиги ва фаровонлиги неъматларга

эришиш учун одамларнинг меҳнати ва саъйи-ҳаракатига боғлиқ. Агар одамлар яшаш воситалари ҳақида ўйламасалар ва уларга эга бўлиш учун меҳнат қилмасалар, бозорларда савдо бўлмайди ва одамлар озиқ-овқат излаб бошқа мамлакатларга тарқалиб кетадилар: аҳоли камаяди, уй-жойлар бўшаб қолади ва шаҳарлар вайрон бўлади. Жамиятнинг барбоди билан бирга давлат ва ҳокимият ҳам барбодликка мойил бўлади, чунки улар ижтимоий ҳаёт бўлиб, унинг учун зарур бўлган материянинг ҳалокати билан бирга ҳалок булади.»

Ибн Халдундан 5 аср кейин товар ишлаб чиқаришида хусусий мулкнинг аҳамияти ҳақида Ф. Энгельс шунга ўхшаш фикрни айтган: «Ишлаб чиқариш воситаларини ижтимоий мулкка ўтиши билан алоҳида оила ва жамиятнинг ишлаб чиқариш бирлиги бўлиши барҳам топади»- яъни хусусий мулктан маҳрум бўлган оила ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди.

4.3. Исломнинг мулк концепцияси. Мулк ҳуқуқи

Мулкчилик назариясини ишлаб чиқишга Ислом муҳим ҳисса қўшган. Исломнинг асосий манбаи Қуръондир. Мусулмон ҳуқуқчилигида Муҳаммад пайғамбарнинг қилган ишлари ва айтган гаплари - ҳадислар, ундан кейин иккинчи ўринда туради.

Масхаблар бўйича шаклланган мусулмон ҳуқуқ мактаблари ичида, Ханифий мактаби тарафдорларининг кўплиги билан ажралиб туради ва энг юмшоғи (либерали) ҳисобланади. Ханифийларни бошқача фикрловчиларга нисбатан сабрлилиги, уларнинг маҳаллий одатий ҳуқуқшуносликдан кенг фойдаланганлиги, Ханифий ҳуқуқшунослигини мусулмон оламида муваффақиятли тарқалишига имкон берган.

Мусулмон ҳуқуқшунослигининг Қуръон ва ҳадисларда асосланган қоидалари мусулмон ҳуқуқшунослик мактабларининг асосчилари асарларида янада ривожлантирилди.

Мусулмончилик таълимотининг билимдонлари ҳадислар йиғиб уларга шарҳлар ёзганлар. Шарҳлар тўплами ичида Ханифийлар мактабининг

асосчиларидан бири Абу Ханифий асарлари энг сермазмун ва ишончли ҳисобланган. 12 аср машҳур ханифий ҳуқуқшуноси Бурхониддин Али ибн Абу Бакр Ал-Марғилонийнинг араб тилида «Ҳидоя» номи билан нашр қилинган шарҳлар тўплами кенг тарқалган.

Бу асар Шимолий Ҳиндистонни инглиз мустамлакачилари босиб олгандан кейин кўп ўтмай инглиз тилига таржима қилинган. Бу «Ҳидоя»нинг асосий тамойиллари ва меъёрлари Ҳиндистон ҳаётида кенг қўлланилганлигидан далолат беради.

Мусулмон ҳуқуқшунослигида мулкчилик ҳуқуқи чуқур ишлаб чиқилган. Масалан, шариатда мулкнинг манбаи ва асоси меҳнат даб тан олинган. Бу қоида ер маҳсулига ҳам тегишлидир.

Исломнинг мулк концепциясида ерга муҳим ўрин берилган. Қуръонда оллоҳ ернинг олий соҳиби деб эълон қилинган, уни тасарруф этиш ҳуқуқи эса оллоҳнинг ердаги ноибни феодали тирократик монархия бошлиғига тегишлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўша даврда шарқда ишлаб чиқариш воситаларига ва энг аввало ерга мутлоқ хусусий мулкчилик, эксплуататорлар синфи ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий эгалари бўлмаган, балки ерга амалда эгалик қилган ва давлат томонидан эксплуатация қилинадиган жамоалар бўлган. Кишининг жамоага қабул қилиниши учун ер эгаси бўлишлиги, масалан Германиядаги каби ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган. Агар у ерда жамоага кириш учун кишининг ер эгаси бўлишлиги зарурий шарт қилиб қўйилган бўлса, Шарқда ери йўқ киши жамоага кириб ерга эга бўлган.

Бу ҳолатни Маркс ҳам алоҳида таъкидлаган. У кишилик жамияти ривожланишининг босқичлари кулдорчилик, феодализм, капитализм, социализм, коммунизм каби умумий схемаларга сиғмайдиган ўзига хос «Осиёча ишлаб чиқариш усули»ни эътироф этган. Шариат бўйича мулк- бу бирор бир нарсани тасарруф этишнинг ва унинг маҳсулидан фойдаланишнинг чекланмаган миқдоридир.

Эгаси бўлмаган нарсаларни қўлга киритишни табиий усули амалда унга эга бўлиб олишдир. Шундай нарсаларга мисол тариқасида ер келтирилади. Сув танқислиги, сув тошқини ёки ердан фойданалишга моненьлик қиладиган бошқа сабабларга кўра даромад келтирмайдиган ер майдонлари мавад-ўлик ер деб аталган. Улар ҳеч кимга тегишли эмас ва фойда келтирмайдиган ер ҳисобланган. Ўлик ерларни ўзлаштириш ва ишлов бериш, ишлов берувчига унга эгалик қилиш ҳуқуқини беради. Қуриқ ерни очган одам унинг эгаси бўлади, чунки Муҳаммад пайғамбар: (қуриқ ерга ишлов берган одам ўз-ўзидан унинг эгаси бўлади),- деган.

Очилган қуриқ ерлардан агар у суғорилмаса ушр яъни ҳосилнинг ўндан бири олинган, агар суғорма ер бўлса, сув учун ҳам солиқ тўланган.

Агар кимдир қуриқ ерга ишлов бериб кейин уни ташлаб кетса, унга эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Бундай ҳолда ерга эгалик ҳуқуқи унга ишлов бераётган кишига ўтган, чунки биринчи ишлов берувчи ернинг ўзига эмас, балки ўз меҳнати яратадиган даромаднинг эгаси ҳисобланган.

Агар ўраб олинган ерга уч йил давомида ишлов берилмаса у бошқа одамга берилган, чунки ер биринчи соҳибга экиш учун, жамоа эса ҳосилнинг ундан бирини олиб даромадга эга булиши учун берилган. Агар биринчи соҳиб жамоа манфаатларига беписанд бўлса, у ерни ишлаб ўзига ҳам жамоага ҳам даромад келтирадиган бошқа одамга беришга мажбур бўлган.

Ерга ишлов бераётган номусулмон мусулмон каби унга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган.

Агар номусулмон қуриқ ерни очса у мусулмон каби унинг эгаси бўлган. Шундай қилиб, фойдаланилмаётган ерга эгалик ҳуқуқини олишда мусулмон ва номусулмон тенг ҳисобланган. Ер иморат қуриш ёки экин экиш учун ижарага берилиши мумкин. Ерни ижарага бериш ҳақидаги шартномада ижара муддати кўрсатилмаган бўлса, ер эгаси уни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Экин экиш учун ижарага берилган ер ҳосили йиғиштириб олинмагунча қайтариб олиниши

мумкин эмас. Ерни ижарага олган ижарачи йўл ва сувдан фойдаланишга ҳақлидир.

Агар ижаранинг мақсади кўрсатилмаган бўлса ижара ҳақидаги шартнома қонуний ҳисобланмайди, чунки ер турли мақсадлар учун ижарага олинган бўлиши мумкин. Масалан экин экиш учун, турли хил иморатлар қуриш учун. Ерни экин экиш учун ижарага бериш ҳақидаги шартномада ижарачи қандай экин экмоқчи эканлиги кўрсатилиши лозим, чунки экинларнинг пишиб етилиш муддатлари турличадир. Ижарачи ва ер эгаси ўртасида низолар келиб чиқмаслиги учун ер эгасининг: «мен ерни ижарачи ундан ҳоҳлаганича фойдаланиши учун ижарага беряпман» - деб тузиладиган шартнома маъқул ҳисобланган. Бундай ҳолда ижарачига ердан истаганича фойдаланиш эркинлиги берилган.

Ер эгалари уни сотиш, инъом қилиши, меросга қолдириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир мусулмон ернинг бир қисмини масжидлар, мадрасалар ихтиёрига бериши мумкин бўлган. Шундай қилиб, 9 аср охирларидан бошлаб Араб халифалигида диний муассасаларнинг ерга ҳуқуқи шакллана бошлаган. Бундай ерлар вақф ерлари дейилган. Улар давлат солиқларидан озод бўлган.

Савоб ишларга назр қилинган мулк вақф дейилади. Бундай ҳолда Ханифий фикрича мулк эгаси унга эгалик ҳуқуқини йўқотмайди, аммо ундан фойдаланиш ҳуқуқи масжидлар, мадрасалар ва бошқа диний муассасалар ихтиёрига ўтади. Бошқа ҳуқуқшунослар фикрича, вақф мулки Оллоҳ мулкига тенглаштирилади ва мулк эгаси эгалик ҳуқуқини йўқотади.

4.4. Шариат белгилаган ер турлари: мамлюк, мириъя, вақф ва мават

Феодал муносабатлар ривожланиши билан сунъий мусулмонларда шариат белгилаган мамлюк, мириъя, вақф ва мават ерларининг ҳуқуқий низомлари шакллана бошлади.

Мамлюк-турли йўллар билан эришилган, хусусий мулк бўлган ерлардир. Бу ерлар давлат томонидан тортиб олиними, меросга қолдирилиши ёки вақфга берилиши мумкин булган. Ер эгаси вафот этиб унинг меросхўрлари бўлмаса, ер хазина мулки бўлиб қолган ва мирья деб аталган. Улардан олинган даромад давлат хазинасига тушган.

Вақфлар-масжидлар, мадрасалар бошқа диний маданий муассасаларга тегишли бўлган ва шариатга биноан дин, илм, маданият арбоблари фойдаланадиган ерлардир.

Мамлюк-умумий фойдаланишдаги давлатга қарашли ерлар.

Мават-ишланмайдиган, ҳеч кимга қарашли бўлмаган давлат мулки бўлган ерлар.

Ер майдони мулк сифатида дахлсиз ҳисобланган, бироқ уни суғориш масаласида ер эгалари бир-бирларига боғлиқ бўлганлар. Ханифий ҳуқуқшунослиги, феодал ер эгаларига хос бўлган ерга чекланган мулкчилик шартларини мустаҳкамлайди. Шариат ерга жамоа мулкчилигини таъкидлайди ва бир одамни қўлида хаддан ташқари кўп ер майдонларининг тўпланишини маъқулламайди.

Шариат мулк эгаларига унинг туридан қатъий назар маълум вазифалар юклайди. Улар хайр-эҳсон қилиши-закот тўлашлари лозим. Закотнинг моҳияти шундан иборатки, мулк эгаси уни поклаш мақсадида унинг бир қисмини муҳтожларга бериши лозим.

Табиий йўл билан суғориладиган ерларнинг эгалари ҳосилнинг ўндан бирини камбағалларга эҳсон қилиши лозим. Солиқнинг бу тури ушур дейилади. Сунъий йўл билан суғориладиган ерлардан олинган ҳосилнинг йигирмадан бир қисми закотга берилади. Бошқа мулкларнинг эгалари берадиган закотнинг ҳажми икки яримдан ўн фоизгача белгиланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, закот зарурий буюмларга тегишли эмас. Масалан, уй-жойдан, кийим-кечакдан, идиш-товоқдан ва уй ҳайвонларидан закот тўланмайди. Булар рўзғор учун энг зарурий ва даромад келтирмайдиган буюмлар ҳисобланади. Бу қоида

олимларнинг илмий китоблари ва ҳунармандларнинг асбобларига ҳам тегишлидир.

Ўрта аср олимлари мулкни оқилона чеклаш тарафдорлари бўлишган. Ибн Сино ортиқча бойлик одамни бузади, тўғри йўлдан уради деб ҳисоблаган ва мулкка эгалик қилиш ҳажмини чеклашга интилган. Ибн Халдун уламолар кўлида катта ер майдонларининг тўпланишига қарши бўлган, чунки бу уларга фавқулотда сиёсий ҳокимият беради деб ҳисоблаган. У ер эгаларининг бебошлигини тугатишга ва мамлакатни парчаланишига йўл қўймасликка чақирган.

4.5. Шарқ халқларининг мулкка бўлган муносабатлари

Шарқ мутафаккирлари мулкдан оқилона фойдаланишга катта аҳамият беришган. Навоийнинг фикрича, мулк ундан бутун халқ фойдалансагина саодатдир.⁴²

Амир Алишер Навоий ўз замонасининг йирик мулкдорларидан бўлган. Ўрта аср тарихчиси Хондамир Ғиёсиддин Ибн Хумомиддин Ал Хусайний (1475-1535)нинг шохидлик беришича, 1469-1506 йилларда ҳукмронлик қилган Хусайн Бойқаро салтанатида Навоий энг йирик ер эгаси бўлган. Хирот, Сабзавор, Астработ вилоятларидаги юзлаб қишлоқлар унинг мулки бўлиб, уларда Навоийнинг ғалла омборлари бўлган. Бу қишлоқларни Навоий инсоф ва адолат билан бошқариб, деҳқонларга ғамхўрлик қилган. У кўрик ерларни очиш, каналлар қозиш, сув омборлари ва бошқа қишлоқ хўжалик иншоотлари қуришга бош бўлган, бундай ишларга маблағни аямаган.

Навоий камтарона ҳаёт кечирган, бироқ бойишга эътиборсиз бўлмаган. У бойиган ва деҳқонларни ҳам бойитган. Хуросон иқтисодиётида, унинг савдосида Навоийнинг маблағлари салмоқли бўлган. Бу маблағларни у юртни обод қилишга, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга, илм ва маданият арбобларига моддий ёрдам кўрсатишга сарфлаган.

Венгер саёҳатчиси Герман Вамбери ўзининг «Бухоро ёки Моварауннахр тарихи» китобида, тарихчи Мирзо Самадга асосланиб, Амир Алишер фақат Хуросоннинг ўзида 370 та мадраса, карвонсарой, масжид, шифохона, кироатхона куришга амир қилди деб ёзади.

Ўзининг «Вақфия» асарида, Навоий ўзи қурган муассасалар ва уларни таъминлаш учун ажратган вақф ерлари рўйхатини келтиради. У давлат лавозимида ишлаганлиги учун олинган даромад халқ маблағидир ва у халқ манфаатига ишлатилиши лозим деб, инсонпарварлик ва адолатпарварлик фикрларини илгари сурган.

Бойликни халқ устидан ҳукмронлик қилиш қуроли деб билган. Судхўрлардан фарқли ўлароқ, Навоий уни халққа хизмат қилиши лозим деб ҳисоблаган. Ана шу рубоидан кўриниб турибдики, жамиятга фойдаси тегмайдиган бойликни Навоий халқ учун зарар деб билган. Ўз бойликларини халқ манфаатларига бағишлаган Ҳожи Убайдуллох (1405-1494) авлиё Ҳожи Аҳрор деб ном олган. Самарқанд вилоятида ўттиз беш минг гектар, Қарши вилоятида йигирма уч минг гектар ер унинг мулки бўлган. Ўзига қаршли ерлардан Ҳожи Аҳрор ҳар йили давлат хазинасига 640 минг пуд ғалла ҳажмида ушур тўлаган. Демак, у ўз ерларидан йилига 100 минг тонна ғалла олган. Унинг боғлари ҳам кўп бўлган. Қўйларининг сони эса миллион бошга етган. Шунга қарамай оламга танилган Ҳожа ёшлик йилларидагидек камтарона кийинган. У амирлар каби саройда эмас чайлада яшаган. Аммо халқдан бойлигини аямаган. Ҳожанинг очлик йилларида камбағалларга берган беғараз ёрдами ва саховатпешалилиги мисли кўрилмаган даражада бўлган. Масалан, Тошкентда даҳшатли очарчилик юз берганда, у ўз омборидан камбағалларга ғалла улашган. Мирзо Умар Шайх Тошкентни камал қилиб, халққа хирож солганда Ҳожа Аҳрор 250 минг динар бутун халқ учун бир йиллик хирожни ўзи тўлаган, кейинроқ яна 70 минг динар берган.

4.6. “Илм изловчиларнинг мақсади” асари ва унинг мазмуни

Мухаммад Толиб Сиддиқий ўзининг 1663-1664 йилларда ёзган «Матлаб-ат-толибин (илм изловчиларнинг мақсади)» асарида, машҳур Жуйбор шайхлари-Марказий Осиёда 14-17 асрларда яшаган бобокалони Ҳожа Саъди, отаси Ҳожа Тожиддин Хасан хўжалиklarини таърифлаб берган. Унда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир кўп қизиқарли маълумотлар берилган. Ҳожа Саъди ва Тожиддин Хасанларнинг хўжалик фаолиятлари қуйидагилардан далолат беради:

Биринчидан, улар йирик ер эгалари бўлишган. Ҳожа Саъдининг Бухоро, Миёнқалъа, Самарқанд, Туркистон, Саврон, Ахсикент, Насаф, Хисор, Марв, Мурғоб, Машхад, Чоржўйда йирик ерлари бўлган. Уларнинг умумий майдони 16-18 минг гектар бўлган;

Иккинчидан, улар катта ер хажмида ғалла етиштириш билан шуғулланишган. Тожиддин Хасан йилига 4 минг тонна ғалла етиштирган;

Учинчидан, Ҳожаларнинг қишлоқ хўжалик фаолияти кўп тармоқли бўлган. Ҳожа Саъдининг 2,5 минг бош қўйи, 1,5 минг йилқиси ва бир неча юз туяси бўлган;

Тўртинчидан, Ҳожалар ўз фаолиятларини фақат қишлоқ хўжалиги билан чеклаб қолмасдан, шунингдек, хунармандчилик билан ҳам шуғулланишган. Ҳожа Саъдининг Бухорода кўплаб хунармандчилик устахоналари бўлиб, уларда темирчилик, тўқимачилик ва бошқа касблар билан шуғулланишган;

Бешинчидан, Ҳожалар йирик савдо билан шуғулланишган. Ҳожа Саъдининг ҳар бир вилоятда ғалла омборлари бўлган, жумладан Бухорода ҳар бирининг сиғими 2,5 минг тоннадан тўртта ғалла омбори бўлган.

Ҳожа Саъдининг ғалла савдосидан оладиган йиллик даромади 60 минг тангга бўлиб, бутун Самарқанд вилоятининг йиллик даромадига тенг бўлган. Тожиддин Хасаннинг мамлакатни кўплаб шаҳар ва туманларида бозорлари, ошхоналари, чойхоналари, шарбат сотувчи дўконлари бўлган.

Ҳожа Саъди ва Тоҷиддин Ҳасаннинг хўжалик фаолиятларини ўрганиш шундай хулосаларга олиб келадики, улар ўз даврининг йирик тадбиркорлари бўлиб, ўзларининг тижорат фаолиятларини айрим тармоқлар доирасида чеклаб қўймаганлар.

Ҳожа Саъдининг мулкларини бошқаришни ташкил қилиш тажрибаси диққатга сазовордир. Ўзининг улкан ва мураккаб хўжалигини у мулозимлар ёрдамида бошқарган. Мулло Бобоқул ер майдонларини, Мулло Султон Муҳаммад Ҳожа Саъдининг мулкларини бошқарган. Ҳожа Саъди мулкларини тўрт киши ҳисобга олиб борган.

Улар ўртасида вазифалар қуйидагича тақсимланган: ҳисобчилардан бири сотиб олинган саройлар, бошқа иншоотлар; иккинчиси, Ҳожа Саъдининг жами мулклари учинчиси, даромадлар ва ҳаражатлар; тўртинчиси, Ҳожа Саъди оиласининг кундалик ҳаражатлари ҳисобини олиб борган.

Уларнинг ҳар бирини ихтиёрида мирзолар ва ёрдамчилар булган. Ҳисоб девонида 40 та мирзо, солиқлар девонида 70 та амалдор бўлган. Ҳожа Саъди хўжалигининг бошқарув аппаратида қўшни мамлакатларда яширин иш олиб борувчи мушриф, солиқлар тўланишини назорат қилувчи мунсиф лавозимлари бўлган.

Модомики, Ҳожа Саъди сиёсатчи ёки ҳукмдор эмас, балки хўжалик соҳиби бўлган экан, демак унинг мушрифлари қўлини мамлакатларда сиёсий-ҳарбий вазиятни эмас, балки бозорни ўрганишган деган хулосага келиш мумкин. Солиқлар тўланишини кузатувчи назоратчиларни эса, бемалол, бугунги солиқ инспекторларига ўхшатиш мумкин.

Ҳожа Саъди хўжалигининг моддий асосини у ўзи қурган эмас, балки сотиб олган иншоотлар ташкил қилган. Масалан, у бир вақтнинг ўзида битта одамдан ўттизта дўкон, тим (усти ёпилган бозор) ва карвонсарой сотиб олган. Бу ўша вақтлардаёқ дўконлар, мулкдорлар ўртасидаги рақобат кураши натижасида уларнинг баъзиларини синганлигидан ва мулкларини кўтарасига Ҳожа Саъдига сотишга мажбур бўлганлигидан далолат беради.

Шу ўринда Шарқ халқларининг мулкка ниҳоятда қатъий муносабатда бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Қуръон хусусий мулкни дахлсизлигини ўзганинг мулкни ўзлаштириб олиш энг оғир гуноҳлардан эканлигини таъкидлайди. Шунинг учун Шарқда ўзганинг мулкига ниҳоятда ҳалоллик билан қаралган.

Вавилонияда бўлган Регенсбурлик Петахья шундай деб ёзади: «мусулмонлар жуда ишончлидир». У ерга савдогар келиб молини мусулмонлардан бирининг уйида қолдириб кетади. Улар молни бозорга олиб чиқадилар. Агар келишилган нарх берилса ҳаммаси яхши, агар ундай бўлмаса унда товарни жами баҳоловчиларга кўрсатадилар. Улар паст баҳо берганлигини кўрсалар молни пастроқ баҳода сотадилар. Буларнинг ҳаммаси катта ҳалоллик билан бажарилади. »

Ўзганинг мулкига қасд қилиш, уни бузиш, омонатга қолдирилган мулкни сақлашни таъминламаслик учун шариат жуда оғир жазолар белгилаган. Кастилия қиролининг Самарқандаги элчиси Рюи Гонзаллес де Клавихо: « ... бундан ташқари Темур бу ердан кетишдан аввал уч минг йилқисини қолдириб кетган, аммо уларни тўлиқ сақламаган бир амалдор одамни суд қилиб, осигна буюрди ва у одамни агар муҳлат берилса уч минг эмас, олти минг йилқи бериш ваъдасига эътибор қилмади. Шунга ўхшаш бошқа ишларни ҳам тафтиш қилишга буюрди,»-деб ёзади.

Умумий хулоса

Шундай қилиб, мулк ҳақидаги Шарқ таълимотининг мазмуни қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1.Товар ишлаб чиқариш ривожланишининг асоси, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулига хусусий мулкчилигидир.

2. Давлатнинг асосий функцияларидан бири хусусий мулкнинг дахлсизлиги, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва эквивалент алмашув учун меъёрдаги шароитларни таъминлашдир.

3. Ер мутлақо дахлсиз хусусий мулк предмети эмас. Одам ернинг эмас, балки агар унга ишлов берса ва жамият эҳтиёжларини қондирса, ўз меҳнати билан яратилган маҳсулотнинг соҳибидир.

4. Ерга, колхоз кооператив мулкчилиги номига тан олиниб, аслида ягона давлат мулкчилиги ҳукмрон бўлган социализмдан фарқли ўлароқ, бозор шароитида ерга мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

5. Бойлик кўриниши ва унга мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар халқ манфаатларига ҳизмат қилиши лозим.

6. Кишининг хўжалик фаолиятини чеклаш мумкин эмас, бироқ у бошқа кишига ёки жамиятга зарар етказмаслиги лозим.

7. Бозор муносабатларини ривожлантириш учун, энг аввало, аҳолида ўзгаларнинг мулкига ҳалол муносабатда бўлишни тиклаш зарур.

Назорат саволлари

1. Мулк нима?
2. Давлат тўғрисида тушунча беринг?
3. Хусусий мулк тўғрисида тушунча беринг ?
4. Шарқ халқларининг мулкка бўлган муносабатлари қандай?
5. Юсуф хос Хожибнинг мулкчилик ҳақидаги фикрлари тўғрисида нималар биласиз?
6. И.Халдун давлат ва хусусий мулк тўғрисида нималар деган?
7. Мулкнинг қандай турлари мавжуд?
8. Мирия, Вакф, Мават, Мамлук деганда нимани тушунаси?
9. Оила ва ишлаб чиқариш тўғрисида нима биласиз?
10. Бозор муносабатлари шароитида мулкнинг қандай аҳамияти бор?

Адабиётлар

1. Ёлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси». -Т.: ТДИУ, 2002. С.90
2. Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
3. Ёлдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» (Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида). -Т.: ТДИУ, 2000.

5. ПУЛ НАЗАРИЯСИ ВА МУАММОЛАРИ

- 5.1. Пул ҳақида тушунча. Беруний пул ҳақида.
- 5.2. Ибн Халдуннинг пул ва пул назарияси ҳақидаги таълимоти.
- 5.3. Ибн Халдун пулнинг функциялари ҳақида.
- 5.4. Шарқда пул муомаласини ташкил этиш масалалари.
- 5.5. Мирзо Улуғбекнинг пул реформалари.

5.1. Пул ҳақида тушунча. Беруний пул ҳақида

Бозорни меъёрдагидек ривожланишининг асосий шартларидан бири муомалада тўлақонли пулларнинг бўлишидир. Пул - қимматбаҳо металллар - истеъмол қиймати билан эквивалент қиймат чатишиб кетган алоҳида товар кўринишидаги умумий эквивалентнинг тугалланган шаклидир. Пул ҳақидаги таълимотнинг ривожланишига йирик қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) катта ҳисса қўшган.

Берунийнинг иқтисодий ғоялари. Буюк қомусий олим Абу Райҳон

Беруний (973-1048) 150 дан ортиқ асар яратган булиб, уларда меҳнат бойликнинг асоси эканлиги туғрисидаги ғоя асосийдир. Унинг кўпгина фикр ва қарашлари бугунги кун учун ҳам ахамиятини йўқотмаган.

Олим яшаган даврдаги муносабатлар, ишлаб чиқаришнинг юксалганлиги, савдо-сотиқнинг ривожланиши ана шу давр учун хос эди. ШУ асосда Берунийда кишилиқ эҳтиёжларининг пайдо бўлиши ва уни

қондириш асослари, меҳнат ва ҳунарга муносабатлари уйғунлашиб кетади. Унинг фикрига кўра, кишилар ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Эҳтиёжлар турли-туман ва кўп бўлганлиги учун бирлашган ҳолда турар жой ва шаҳарлар яратишга интиладилар деб ҳисоблайди. Шунингдек, у давлатнинг пайдо бўлишни ҳам эҳтиёж туфайли деб ўйлаган. Энг муҳим гоё шуки, барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади ва инсоннинг кадр-қиммати унинг авлод-аждодларининг ким бўлганлиги эмас, балки унинг меҳнати маҳорати билан белгиланади. Ҳар бир Даврнинг урф-одатлари бўйича хос бўлади ва инсон аҳли уларга риоя қилмоғи даркордир, акс ҳолда низом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам йўқ булади, деб уқиради буюк донишманд, олимнинг фикрларига таяниб шундай муҳим хулоса чиқариш мумкинки, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Инсон аввало, ҳалол меҳнати билан улуғланади, кишилиқ жамиятининг асл ибтидоси ҳам меҳнатдандир.

Берунийнинг қайд этишича, билимларни эгалламоқ ва ҳунар ўрганмоқ учун меҳнат қилиш зарур, бу эса доим давом этадиган ва такомиллашиб борадиган жараёндир. У меҳнати турларга ажратиб, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида талаб ва эҳтиёжлар асосида вужудга келишини кўрсатиб берди. Бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини оғир меҳнат деб билади. Илм, маърифат заҳматкашлари меҳнатига таъриф бериш, илм олиш, ўқиш энг керакли меҳнат эканлигини исботлайди. Шунга кўра олимларнинг меҳнатини кадрлаш турли илмлар кўпайишига олиб келади. Олим жамиятнинг асосини моддий неъматлар учун бўлган ҳаракатларда, меҳнатда деб билади.

Қул меҳнати ва мажбурий меҳнатдан эркин кишиларнинг фаолияти устунлиги исботлаб берилади. Меҳнаткашларнинг хоҳиш-иродасига қарши, уларки мажбурлаб ишлатишга қарши бўлган, чунки бундай меҳнат самараси пастдир. Мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келадиган ҳунарлар юқори баҳоланган.

Беруний оғир жисмоний меҳнат қилувчилар, яъни конда ишловчилар, ер остида гавҳар қидирувчилар, деҳқонлар тўғрисида, уларга берилиши керак бўлган имтиёзлар ва иш ҳақи х; қида «Минерология» асарида кенг мулоҳаза юритади. Айниқса, очиқ ва ер остидаги кон ишларига алоҳида эътибор берилади, ер ости конларини мустаҳкамлаш (фалокат олдини олиш учун), ер ости сувларини чиқариб ташлаш, олинган рудани юқорига олиб чиқиш учун махсус мосламалардан фойда-ланиш тавсия этилади. Кон атрофида кончилар қишлоғини барпо этиш зарурлиги кўрсатилади.

Ер ости бойликларини қазиб олиш ишлари катта жисмоний меҳнат, ихтирочилик, ақлий меҳнат ва билим сарфлашни талаб этади. Бу мураккаб ва оғир ишларни бажариш махсус мактаб, уларда таълим - тарбия бериш асосида йўлга қўйилмоғи керак, дейди олим. Худди шу ўринда Беруний илм ахллари, олимлар, тарбиячиларнинг меҳнати жамият учун нақадар керакли ва зарурлигини алоҳида уқтиради. Беруний усталарнинг аҳволи, шогирдларнинг фаолияти, иш ҳақдари борасида ҳам қимматли ғояларни илгари суради, иш ҳақи миқдори самарадорлик билан бевосита боғланади.

Олимнинг ёзишича: «Басрада биллурдан идиш-товоқ ва бошқа нарсалар ясайдилар. Иш жойида белгилаб-ўлчаб берувчи уста бўлиб, унинг олдида биллурнинг майда ва катта бўлакчалари тўпланган. У ана шулардан чиройли ва керакисини олиб, ундан энг чиройли ва яхши буюм ясашни ўйлаб, ўлчаб, белгилаб чиқади. Шундан кейин уни ясовчи хунармандга беради, бу биринчи уста айтганидек қилиб буюмларни ясай бошлайди. Олим шу ерда меҳнат тақсимоли ва унинг аҳамиятини кўрсатади.

Олим ва мутахассислар меҳнатини мамлакат бошқарувчилари томонидан рағбатлантириб туриш фойдали эканлиги алоҳида таъкидланади. Бу аслини олганда манфаатдорлик тамойилининг худди ўзидир. Унингча, айниқса, ерга ишлов бериб, ризқ-рўз яратувчиларга меҳрибон бўлиш керак-лиги кўрсатилади. Ана шу ғамхўрлик оқибатида ерга яхши ишлов берилади ва ер ҳосилдор бўлади, моддий неъматлар яратилади, ишловчи ва жамият

манфаатлари баб-баравар ҳимоя қилинади (бу фикр XVIII асрда Адам Смит томонидан тўлароқ исботлаб берилган). Моддий неъматлар эса тириклик асоси. Ана шундай қилинганда ҳокимият ҳам мустаҳкам бўлади, дейди олим (бу ерда давлатнинг иқтисодиёт билан муносабати масаласи кўтарилади). Агар кишилар тўқ бўлса, давлат ҳам кучлидир. Ҳукмдорларнинг вазифаси юқори табақалар билан қуйи табақалар ўртасида ҳақиқатни, кучли билан кучсиз ўртасида тенгликни ўрнатишдан иборатдир, деб уқтиради олим. Меҳнатнинг ихтирийлиги, озодлиги, эркинлиги кишилар ўртасида хулқ-атвор, ҳурмат-эътибор учун муҳим ва зарурдир. Бозор иқтисодиётининг энг зарур тамойилларидан бири - бу танлаш ва тадбиркорлик эркинлиги масаласи илгари сурилган.

У Марказий Осиёда биринчи бўлиб пулнинг келиб чиқиши ва аҳамиятини ўрганган. «Пулнинг келиб чиқиши озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиши ва уларга ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг бир-бирлари меҳнатига бир вақтда пайдо бўлмаслиги билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида улар ўртасида алмашувни келтириб чиқаради. Аммо алмашув баҳолар ва эквивалентликни аниқлаш учун умумий ўлчам белгилашни тақозо этади. Олтин ана шундай ўлчам бўлди, чунки у кам учрайди, узоқ сақланади, кўриниши билан одамларни қувонтиради, уни йириклаш ва майдалаш мумкин, ашёси ва моҳиятини ўзгармай турли хил буюмлар ясашда ишлатилади» - деб ҳисоблаган эди Беруний.

У пулнинг қуйидаги функцияларини белгилаб берган:

- сарфланган меҳнат ва тайёрланган маҳсулот ўртасидаги муносабатни ифодалаш;
- ҳазинага айланиш ;
- давлатнинг функцияларини бажаришда ишлатилиш.

Шундай қилиб, у ўзининг қарашлари билан меҳнат ва қиймат ўртасидаги боғлиқликни кўрмай, пулнинг функциялари фақат қиймат ўлчови ва муомала воситаси бўлишдир, деб ҳисоблаган Арасту (Аристотель)дан ўзиб

кетди. Пулнинг хазинага айналиши Беруний, «хомилани она қорнига қайтиши каби унинг ер қарида дастлабки ҳолатига қайтиши»⁴⁷ билан тенглаштирган.

Пулнинг савдо ва хунармандчиликни ривожланишидаги аҳамиятини Юсуф Хос Хожиб ҳам таъкидлаб ўтган. Хонга мурожаат қилиб у: «пулда кумушни кўпайтир, пулда олтин ва кумуш софлигини ошир ва уни кузатиб тур»-деб ёзган. Бу билан у хонни муомалада тўлақонли пуллар бўлишини таъминлашга, мамлакатда пул муомаласини тўғри ташкил этишга чақирган. Берунийдан фарқли ўлароқ, Юсуф Хос Хожиб пулнинг қуйидаги функцияларини белгилаб берган:

- қиймат ўлчови;
- муомала воситаси;
- жамғариш воситаси.

Унинг фикрича, давлатнинг қудрати фақат қўшин сони билан эмас, балки хазина имкониятлари билан белгиланади.

5.2. Ибн Халдуннинг пул ва пул назарияси ҳақидаги таълимоти

Пул ҳақидаги таълимотни ривожланишига Ибн Халдун салмоқли ҳисса қўшган. У фақат пулнинг моҳияти, функцияларини эмас, балки пул муомаласига доир масалаларни ҳам чуқур ўрганган. Юқорида биз Шарқ мутафаккирларининг одам ўзини яшаш воситалари билан таъминлаш учун меҳнат қилиши лозим деган ақидаларни келтирган эдик. Ибн Халдун ана шу меҳнат маҳсулини вазифасига кўра икки қисмга бўлади: «Меҳнат даромадлари, агар уларнинг ҳажми яшаш учун зарур ҳаражатлардан ортиқ бўлмаса, инсон учун яшаш воситасидир. Агар бу ҳажмдан ортиқ бўлса, унда бойликдир»

Ибн Халдун майда товар ишлаб чиқариш хўжалиги даврини ўрганган, бинобарин, тайёрланган маҳсулотни алмаштириш учун восита зарурлигини яхши тушунган. Шунинг учун у пулнинг вазифасини ифодалаб: «қиммат баҳо металллар шундай асбобдирларки, улар ёрдамида зарур нарсалар сотиб олинади

ва уларнинг камайиши ёки кўпайиши ижтимоий ҳаётнинг аҳволига боғлиқдир» - деб ёзган.

Ҳар бир одамга зарур бўлган яшаш воситаларига олди-сотди орқали эришилади. Уни амалга ошириш учун одам муомалага кириши лозим. Шундай қилиб, Ибн Халдун фикрича, пул энг аввало муомала асбобидир. Мусулмон қонунларига кўра «ҳаётни таъминлашга ярайдиган ҳамма нарса маълум буюм учун тўлов бўлиши мумкин». Ана шуларнинг ичидан пул сифатида Ибн Халдун иккитасини ажратиб олади: «Оллоҳ ҳар қандай бойликнинг қиймат ўлчови сифатида иккита метал-олтин ва кумушни яратди. Ер аҳолисининг кўпчилик қисми учун улар хазина ва сақлаш предметидир; агар баъзан бу мақсадлар учун ана шу иккита металл эмас бошқа нимадир олинса, бу бозорларда баҳоларнинг ўзгариши таъсир қилмайдиган олтин ва кумуш сотиб олиш имкониятига эга бўлиш учун қилинади. Уларнинг моҳияти даромадлар, жамғармалар, хазиналар асоси бўлишдир».

5.3. Ибн Халдун пулнинг функциялари ҳақида

Кўриниб турибдики, Ибн Халдун олтин ва кумушнинг пул функцияларини бажариш учун зарур бўлган алоҳида хусусиятларини таъкидлаб, уларнинг вазифасини қуйидагича белгилайди:

1.*Даромадлар асоси.* Алмашувга мўлжаллаб ишлаб чиқарилган яшаш воситаларининг пулдаги ифодаси.

2.*Қиймат ўлчови.* Модомики Ибн Халдун даромадларни асоси яшаш воситаларида гавдаланган меҳнатдир-деб ҳисоблаган экан, демак у пулни қиймат ўлчови деб билган.

3.*Жамғарма асоси.* Жамғармалар доимий ортиқча даромадга эга бўлганларидагина ҳосил бўлади. Улар одатда бирон-бир мақсадга қаратилди. Даромадлар каби жамғармалар ҳам фақат ўзини яшаш воситалари билан таъминланганларидагина ҳосил бўлар экан, демак улар мулк ёки ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган бошқа бойлик вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, Ибн Халдун капиталнинг дастлабки жамғарилиши тушунчасига яқинлашган ва пулнинг вазифаларидан бирини ана шу тушунча билан боғлаган.

4. *Хазина асоси.* Хазина-бу нодир қимматбаҳо металллар, тошлардан иборат бойликдир. Улар ҳам олинади ва сотилади. Уларга эришиш учун тўлов воситаси сифатида пулга эга бўлиш зарур. Демак пул ҳар қандай товар, шу жумладан хазина қийматини тўлаш воситасидир.

Ибн Халдунни пулнинг функциялари ҳақидаги мулоҳазаларини мағзини чақиш шундай хулосага олиб келадики, у ўзи билмаган ҳолда пулнинг энг асосий вазифаси-меҳнат ўлчови функциясини тушуниб етган. Шу билан бирга Ибн Халдун у ёки бу товар учун ҳамма вақт ҳам пул ишлатилмаслиги мумкилигини таъкидлайди: «обрўга эга бўлган одам кўп даромад олади, бу уни қисқа вақт ичида бой қилади ва у ҳар куни ўзининг бойлиги ва фаровонлигини оширади. Худди шунингдек мансабдорлик ҳам яшаш неъматларига эришиш воситасидир. Ҳеч қандай таъсирга эга бўлмаганларнинг фаровонлиги ҳатто улар бойликка эга бўлганларида ҳам уларнинг пуллари ва меҳнати миқдорига боғлиқ бўлади. Савдогарларнинг кўпчилик қисми шундай аҳволдадир. Шунинг учун биз таъсирга эга бўлган кишилар улар ичида бошқалардан кўра мустақилроқ эканини кўрамиз.»

Бу фикрларни мағзини чақиб Ибн Халдун бир неча асрлар аввал юқори мартабали айрим шахсларнинг имтиёзларини башорат қилганлигини кўрамиз. Масалан, социалистик жамиятда мансабдорлар меҳнаткашлар кўли билан яратилган, аммо ўзлари эриша олмайдиган ижтимоий неъматлардан бепул ёки арзимаган ҳақ тўлаб фойдаланганлар.

Ибн Халдун обрўни унга эга бўлган шахснинг бойиш манбаларидан бири деб ҳисоблаган. «Бу даромадлар ёки пуллар ёрдамида улар мансабга интиладилар ва уларни мансабнинг таъсири билан оладиган нарсаларни эвазига тўлайдилар шундай қилиб бу даромадлар улар оладиган нарсанинг қийматига кўшилади; уларнинг қиймати мулк ва бойликдан иборат бўлади, ва у қисқа вақт ичида юксак фаровонликка эришади»

У пулларни фақат турғун ҳолатини эмас, балки ҳаракатини, яъни пулнинг жамиятини турли қатламлари ҳуқумдор ва аҳоли ўртасидаги айланишини ҳам ўрганган. «Ҳуқумдор аҳолига мулк ва пул улашганда улар пулларни сарфлайдилар ва пуллар ҳуқумдорга қайтади, кейин ундан яна аҳолига қайтади; аҳолидан улар солиқлар ва йиғимлар шаклида кетади. Унга эса маош шаклида қайтади» Баҳоларнинг ўзгаришини кузатиб, Ибн Халдун пулларнинг тўхтовсиз айналиши масалалари билан тўқнашади. Шундай қилиб бу пуллар фуқоролардан сулола хизматчиларга ўтади, кейин улар билан боғлиқ шаҳарларнинг аҳолисига ўтади»

Ибн Халдун бир мамлакат доирасида эмас, балки унинг ташқарисида ҳам пул муомаласини ўрганади.

«Олтин ва кумуш, савдо ва ижтимоий турмиш эҳтиёжига мос алмашув туфайли бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтади. Агар уларнинг миқдори Мағриб ва Ифракияда камайса, словянлар ва франклар мамлакатларида кўпаяди, агар у Миср ва Сурияда камайса, Ҳиндистон ва Хитойда кўпаяди»⁵⁶ Шундай қилиб Ибн Халдун, биринчидан, пулнинг халқаро функциясини, иккинчидан, пул муомаласи ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бирлигини очиб берди.

5.4. Шарқда пул муомаласини ташкил этиш масалалари

Шарқда, хусусан Араб дунёсида пул муомаласини ташкил этиш масалалари билан Ислом пайдо бўлишидан анча аввал шуғулланишган. Ўша замонлардаёқ йирик битимларда чек ва векселлар ишлатилган Контрагент ёки иш юритувчига иш юзасидан мактублар ёзиб шу мактубни кўрсатган шахсга маълум суммада пул бериш топширилган. Бунда муаллифнинг мактуби вексель ўрнига ўтган, ўзининг мол-мулки ва обрўси билан танилган муаллиф эса кафил ҳисобланган.

Араб ҳалифалиги ташкил топиб, Ислом Шарққа ёйилгач мусулмон қонунларини тан олиш мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларини гуркираб

ривожланишига олиб келди. Йирик битимларда нақд пулсиз ҳисоблашиш зарурати эса қонунчиликни янада ривожланишини тақозо қилди. Масалан, 11 асрда Мисрда савдо банк операциялари оммавий тус олганлиги ҳақида маълумотлар бор. «Фустат* синагогидаги ҳужжат хонада 10 аср охири 12 асрга доир кўплаб молиявий ҳужжатлар топилган»

Бошқа шаҳарлар ёки мамлакатларда яшовчи қариндошлар ёки контрагентларга йирик пулларни ўтказиш каби операциялар одатда векселларга тенглаштирилган мактублар орқали амалга оширилган. Векселлар ва чеклар тўловга сўзсиз қабул қилинган. Ўрта аср Шарқининг машҳур шоири ва мутуфаккири Носр Хисров (1004-1084) Басра бозорларини бундай таърифлаган:

«Бу ерда шундай савдо қиладилар: агар бировда бирон нарса бўлса у бу молни саррофга топширади ва ундан тилҳат олади. Кейин у керак нарсаларни сотиб олиб пул ўрнига ўша сарроф номига чек беради. Савдогар шаҳарда бўлган вақт мобайнида ҳамма ерда соррофларнинг тилҳатидан фойдаланади ва жарангдор тангаларни мутлақо ишлатмайди»

Нақд пулсиз ҳисоблар Европа мамлакатларига ҳам тақалган: «Испанияда саёҳат қилган бир олимни кредит хати ва нақд беш минг дирҳами бор эди. Мисрнинг вице қироли ўзининг Бағдоддаги вакилига вазифасидан олинган вазирга тегишли бўлган ўттиз минг динорга кредит хати юборди. Вакил бу ҳужжатларни ҳақиқий деб топди ва истеъфодаги вазирга пулларни берди »

Араб ишбилармон доираларида вексел дастлаб қарздорлик хати деб аталган. Бундай хатларни йирик молиявий ёки мулкӣ бойлик эгалари катта битимларни амалга ошириш учун ўз вакилларига берган. «Ибн Хаукал Аудагуштда, Ғарбий Суданда, Сижилмасада яшовчи бир кишининг Муҳаммад Ибн Абу Садун номига берилган 42 минг динорлик саккини кўрсатган. Ҳужжат натариус томонидан тасдиқланган. Бу қоғоз сахарани катта қисмидан ўтиб келган. Банкир катта ўрин тутган Вавилонда сакк ҳақиқий чек ҳисобланган. 9 асрнинг ўзидаёқ бир бой ўз саккларини ўзининг банкларига ўтказиб берган.»

Чеклар йирик мукофотлар бериш ёки хизматлар хақини тўлаш учун ишлатилган, «шунинг учун хонанда Ал-Жохизга бир хомий концерт вақтида ўз банкири номига битилган 500 динорлик чек ёзиб берган»

Муомалада қарздорлик ва кредит хатлари, векселлар, чеклар каби қимматбаҳо қоғозлардан фойдаланиш уларни тўловга қабул қилувчи шахслар ва муассасаларга зарурат туғдирган. Шундай қилиб 11- асрдаёқ банк молиявий операциялар маркази бўлиб қолди. «Исфaxonда банкирлар бозорида улар ҳам бир жойда ўтиришган, 200 банк бор эди» Йирик олди -сотди битимлари бўйича ҳақ тўлаш ҳисоблар ёрдамида олиб борилган, «чунки ҳар бир савдогарни банкирда ўз ҳисоби бўлган ва бозорда у фақат чеклар билан ҳақ тўлаган ».

Фоизлар олишни таъқиқлаган мусулмон қонунларига қарамай банклар ўз хизматлари учун мижозларнинг пулларида маълум суммани ушлаб қолганлар.

Араб ҳалифалигида қарзга фақат пул эмас, балки рўзғор буюмлари олиш ҳам мумкин бўлган. «Шаҳар аҳолиси фақат пулни эмас, балки жиҳозларни ҳам ижарага олишган. Бир аёлни сув сақлаш учун Қоҳирада кенг тарқалган 5 минг та катта мис идишлари бўлган ва уларни ойига бир дирҳамга ижарага берган. Тўйга машота (сартарош аёл) зеб-зийнатлар олиб келган. Бундай ҳолларда гиламларни ҳам ижарага олишган» Кўриниб турибдики Араб ҳалифалигида турли қимматбаҳо қоғозлар ишлатилган. Уларни тўлаш учун, табиийки барқарор ягона пул керак бўлган. Тўлов ҳар-хил дирҳамларда ҳақ тўланадиган битимлар қонуний ҳисобланмаган.

5.5. Мирзо Улуғбекнинг пул реформалари

Ҳар қандай битимни қонуний бўлиши учун дирҳамларнинг қиймати бир хил бўлиши асосий шарт ҳисобланган. Ўрта асрлардаги Араб ва Марказий Осиё давлатларида пул муомаласини ўрганиш шуни кўрсатаяптики, уларнинг пул белгилари турли сабабларга кўра қадрсизланиб борган, бу эса мамлакатда савдони ривожланишига тўсқинлик қилган.

Пул белгиларининг дастлабки қийматини тиклаш учун ҳукмдорлар бир неча марта пул ислоҳотларини ўтказишган. Бундай ислоҳотлардан бирини 1869 йилда Мароқаш ҳукмдори Сиддий Муҳаммад ўтказган. Бу мамлакатнинг пул муомаласида кумуш мисқол ишлатилиб, у ҳар бирининг оғирлиги 2,9 граммлик 10 та дирхамга тенг бўлган. Мисқол ва дирхамлар оғирлигининг бундай нисбати қонун билан белгиланган. Аммо кейинги юз йил ичида дирхамларнинг оғирлиги камайиб 0,7 граммга тушиб қолган. Наижада муомалада йўқолиб қолган мисқолнинг қадри ҳам тушиб кетган. Сиддий Муҳаммад мисқолнинг аввалги қийматини тикламоқчи бўлди. Ўзининг ниятини у бундай баён қилди: «Биз катта дирхамни тикладик энди у қонуний дирхам оғирлигида зарб қилинади, токи у бобокалонимиз Сиддий Ал-Кабир ҳукмронлик қилган даврдаги ўрнини топсин. У шундай зарб қилинадики, мисқол ун дирхамдан иборат бўлади. Зеро маълумки мисқол бизнинг бобокалонларимиз даврида ўн дирхамга тенг бўлган.»

Мавароуннаҳр тарихидан маълумки мамлакат пул муаммосида олтин ва кумуш тангалар ишлатилган .

Самарқанд ҳукмдори Улуғбек отаси Мирзо Шохрух ҳаётлигида кумуш тангаларни унинг номидан зарб қилган.

1447 йилда отаси вафот этгач у кумуш тангаларни ўз номидан зарб қила бошлади. Бу тангалар соф кумушдан зарб қилинар эди. Кумуш тангаларни зарб қилиш давлат хазинасига маълум даромад келтирар эди, аммо бунинг иқтисодий аҳамиятидан кўра сиёсий аҳамияти муҳимроқ эди. Гап шундаки мис тангаларда сулола бошлиғининг исми кўрсатилмас эди. 15 асрда Марказий Осиёда хунармандчилик ишлаб чиқариши ривожланиб юксак даражага чиқди. Хунармандчилик буюмларини ва умуман истеъмол буюмларини алмашувида мис тангалар ишлатилган. Улар шаҳарларнинг ички савдосидагина эмас, балки шаҳар билан қишлоқ, мамлакат вилоятлари ўртасида алмашув воситаси сифатида ишлатилган.

Савдо муносабатларининг кенгайиши муомалага кўп миқдорда мис тангалар чиқариб, уларни доимо зарб қилиб туришни тақозо этган. Уларнинг номинал ва ҳақиқий қийматлари ўртасидаги фарқ Улуғбек хазинасига тушган. У Самарқанд тахтини эгаллаганда муомалада 1420 йилда зарб қилинган тангалар бўлган.

Турли сабабларга кўра бу тангалар қадирсизланган, уларнинг сотиб олиш қобилияти пасайган, кумуш ва мис тангаларнинг расмий ва бозор нисбатлари ўртасида фарқ келиб чиққан, муомалада инқироз юз берган. Мамлакат иқтисодини ривожлантириш эса савдони барқарор пул билан таъминлашни тақозо этган.

Бу муаммони ҳал этиш учун Улуғбек 1428-1429 йилларда пул ислоҳоти ўтказди ва 1420 йилда зарб этилган мис тангаларни алмаштирди. Янги мис тангаларнинг оғирлиги аввалгисидан 1,5 - 2 марта кўп эди. Бундай ислоҳот давлат хазинасига зиён келтириши мумкин эди. Аммо бу чоранинг давлат хазинасига зиён етказишига йўл қўйилиши эҳтимолдан узоқдир.

Муомалага янги тангалар чиқариш билан бир вақтда кумуш ва мис тангалар ўртасидаги нисбат ўзгартирилган. Мис тангалар оғирлигининг ошиши аҳолига руҳий таъсир кўрсатган, чунки уларнинг оғирлиги ошгани билан номинал қиймати ўзгармаган. Натижада аҳолининг мис тангаларга ишончи тикланган.

Эски тангаларни янги тангаларга алмаштиришнинг ҳукумат белгилаган нисбати хазина учун фойдали бўлиб аҳоли бир оз зиён кўрган. Аммо аҳолига етган зиён сезиларли бўлмаган, чунки ислоҳотдан аввалги тангалар қайта зарб қилинган. Аввал ҳукумат ўзининг металидан оғирроқ мис тангалар чиқарган, кейинчалик тангалар алмаштирилгач янги тангаларнинг оғирлиги камайтирилган, эски тангалар эса қайта зарб қилинган. Аҳолига зиён етмаслиги учун эски тангаларнинг бир қисмига «янги тангаларнинг ярмига тенг»-деган тамға урилган ва муомалага қайтарилган. Эски тангаларни янгиларига аҳоли учун фойдали бўлган тартибда алмаштиришни Улуғбекнинг саҳийлиги деб

баҳолаш нотўғри бўлур эди. Бу кейинроқ олинадиган катта даромад эвазига яқиндаги даромаддан кечишга қаратилган чора эди. Улуғбекнинг ислоҳоти бозорни ҳар-хил ўзгаришлардан ҳоли бўлган, бутун мамлакатда ягона, барқарор мис тангалар билан таъминлашга қаратилган эди. У энг аввало шаҳар ва қишлоқ манфаатларига мос эди. Майда товар ишлаб чиқариш шароитида шаҳар ва қишлоқ аҳолисини товар пул муомаласи доирасига жалб қилишда Улуғбекнинг пул ислоҳоти катта аҳамиятга эга бўлди. Ислоҳот муваффақиятли чикди, у зарб қилган янги мис тангалар ягона ва қатъий валюта сифатида олтмиш йил муомалада бўлди.

Умумий хулоса

Пул ҳақидаги назарий таълимотлар ва Шарқда пул муомаласини ташкил этишнинг кўп асрлик тажрибасидан куйидаги хулосалар келиб чиқади:

1.Товар ёки хизматлар учун тўлов воситаси бўлиб фақат пул эмас, балки жамиятда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган кишининг таъсири ҳам хизмат қилиши мумкин. Мадомики биз ҳуқуқий давлат кураётган эканмиз бу офатга қарши курашишимиз лозим.

2.Товарлар бозорни шакллантириш билан бир вақтда хусусий хиссадорлик мулкига асосланган банклар тизимини ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш лозим.

3.Бозор муносабатлари шароитида уй рўзғор буюмлари, автомашиналар, қишлоқ хўжалик техникаси, бошқа ишлаб чиқариш куруллари, шунингдек ер, уй-жой ва бошқа ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага беришни кенг йўлга қўйиш лозим.

4.Зарур бўлган ҳолларда пул ислоҳотларини шундай ўтказиш лозимки, натижада аҳоли меҳнат даромадларидан айрилиб азият чекмасин.

Назорат саволлари

1. Пул нима?

2. Чек ва вексель ҳақида тушунча беринг?
3. Пулнинг қандай вазифаларини биласиз?
4. Беруний пул ва унинг вазифалари ҳақида нима деган?
5. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилади?
6. Товар ишлаб чиқариш қандай ташкил этилган?
7. Муомалада қарздорлик ва кредит хатлари деганда нимани тушунасиз?
8. Юсуф хос Хожиб хунармандчиликни ривожланишида пулнинг аҳамиятини қандай изоҳлаган?
9. И.Халдуннинг пул назарияси?
10. Олтин ва кумуш қандай вазифаларни бажарган?

Адабиётлар

1. История экономических учений. - Т.: Фан, 1997.
2. Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
3. Ёулдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» (Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида). - Т.: ТДИУ, 2000.
4. Ислом Энциклопедия: А-Х: / З.Хусниддинов тахрири остида. - Т.: Узбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003. - 313 б

6. ИСЛОМ ТИЖОРАТ ВА САВДО ҲАҚИДА

- 6.1. Исломнинг дунёвий таълимоти. Ислом таълимотида бозор.
- 6.2. Капитал ва меҳнатни бирлаштириш шакллари.
- 6.3. Битим бўйича ўртоқлик. Битим турлари.
- 6.4. Олди-сотди битим шакллари.
- 6.5. Муслмон ҳуқуқшунослари олди-сотди ҳақида. Битим акти.

6.1. Исломнинг дунёвий таълимоти. Ислом таълимотида бозор

Ислом таълимоти диннинг ўзи каби объектив зарурат туфайли келиб чиққан. У диндорларга фақат диний эмас, балки дунёвий мажбуриятларни ҳам юклайди. Унинг таълимотича, ҳар бир одам ўзини-ўзи меҳнат эвазига таъминлаши мажбурият, ҳатто жасоратдир. Ханафийлар ҳуқуқий мактабининг машҳур ҳуқуқшуноси Аш - Шайбоний бу қонидани исботлаш учун Умар ибн Ал-Хаттобнинг сўзларини келтиради: «Оллоҳ неъматларини териб келиш сафар вақтида ўз туям устида ўлиш менга жиҳодда шаҳид бўлишдан савоблироқдир.»

Бундан кўриниб турибдики, Муҳаммад пайғамбарнинг сафдошлари ғоявий масалалардан кўра иқтисодий масалаларни ечишга кўпроқ эътибор берганлар. Уларнинг таълимотича, одам энг аввало ўзини-ўзи яшаш воситалари билан таъминлаши лозим. Бусиз диний мажбуриятларни бажариш ҳақида ўйлаш ортикча.

Яшаш воситаларини ҳалол йўл билан топиш жойи бозор ҳисобланади. «Бозорлар Оллоҳнинг очил дастурхонидир, ким у ерга борса ўз насибасини олади». Аммо бозорда меҳнат қилган одамгина ўз насибасини топади. Агар кимдир камбағал бўлиб, бозор орқали ўзини яшаш воситалари билан таъминлай олмаса, унинг ўзи айбдор. Чунки у меҳнат қилишни ҳоҳламайди ёки меҳнат қилишни билмайди.

Маълумки, бозорда товарлар ҳамиша қиймати бўйича сотилмайди, у ерда талаб ва таклиф қонунига биноан шаклланадиган бозор баҳолари амал қилади. Бинобарин, яшаш воситалари топиш учун фақат ишлаб чиқаришни эмас, балки савдо қилишни билиш керак.

Савдо мусулмон қонунларига кўра обрўли касб ҳисобланган. Бунинг боиси шуки, фақат юксак ахлоқ соҳибларигина савдогар бўлиши мумкин эди. «Олди-сотди битими шариатга кўра қўл олишиб тузилган ва сотувчи «мен сотдим» олувчи «мен олдим», деб қўл узишгандагина қонуний ҳисобланган. Салтанат сарҳадларида, Нигер ва Хуросонда «соқов савдо» деб номланувчи

усул қўлланилган. Бунда бир томон иккинчи томоннинг иштирокисиз ўз товарларини қўйиб кетган ва олиб кетган».

9 - асрда яшаган араб мутафаккири Ал Жохиз савдогарларнинг ахлоқий сифатларини таърифлаб, уларнинг ҳуқумдорларига тобе эмасликларини алоҳида таъкидлаган. «Улар тахтда ўтирган шохдек ўз дўконларида ўтирадилар, сотиб олишга муҳтожлар ҳам, сотишга муҳтожлар ҳам уларнинг олдига келади, улар ўзларини ерга урмайдилар, ўз ишларида илтимосга ҳожат сезмайдилар. Султонга яқинлашганлар ёки у билан боғлиқ бўлганларнинг аҳволи бутунлай бошқача: уларнинг кийиниши - таҳқирланиш, уларнинг белгиси - тилёғламалиқдир. Савдогарчилик уят эмас-ҳамма пайғамбарлар бозорга боришган ва саводхонликда улар ҳеч кимдан кам эмас. Фаннинг қайси соҳасида савдогарлар иштирок этмаганлар ва камолотга етмаганлар, мутахассислар ичида сардор ва энг яхшиси бўлмаганлар?»

Маълумки, Ислом таълимотининг асосчиси Муҳаммад савдогарчилик билан шуғулланган. Ислом таълимоти маънавий-ахлоқий масалалар билан бир қаторда жамиятда пишиб етилган иқтисодий масалаларни ҳам хал қилишга қаратилган. 7 асрда Шарқ ижтимоий турмушнинг тараққиёти савдонинг ривожланиши учун шароит яратишни карвон йўлларидаги ғовларни олиб ташлашни тақозо этар эди. Бу мусулмон қонунчилигида савдо тижорат масалаларини ишлаб чиқишнинг устиворлигини белгилаб берди ва улар чуқур ишлаб чиқилди.

Савдо ҳуқуқининг биринчи навбатда ишлаб чиқилишининг яна бир сабаби шуки, араб мамлакатларида ҳалифалар ҳукмдорлар) савдо ва тижорат ишларида фаол иштирок этганлар. Улар кўплаб экинзорларни, дўконларни, бозорларни сотиб олганлар, хусусий шахсларнинг имконияти етмайдиган йирик савдо биноларини қурганлар. Буларнинг ҳаммаси мулкдорлар, тадбиркорлар ва турли битимларнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритишни тақозо этган.

6.2. Капитал ва меҳнатни бирлаштириш шакллари

Мусулмон ҳуқуқи гарчи ҳозирги давр учун соддароқ бўлса ҳам, капиталга таъриф берган. Унинг таърифича капитал - бу тадбиркор кўлидаги айланма маблағдир. Капитал эгаси ундан яхши фойдаланиш учун тадбиркор ёллаши мумкин. У айланма маблағлардан фойдаланишда мулкдорнинг вакили бўлади. Мусулмон ҳуқуқшунослари капитал ва меҳнатни бирлаштиришни турли шакллари кўрсатиб ўтганлар. Улар Музработ (капиталнинг фойдаси ва меҳнатда шерикчилик) Бозаот, қарз, орият (ссуда), ижаралардан иборат.

Музработ - бу шундай шерикчилик шарномасики, унда бир томон капитал, иккинчи томон меҳнат беради. Томонларнинг ҳар бири фойданинг бир қисмига эга бўлиш ҳуқуқини кўлга киритади. Музработнинг асосий шарти фойдага ҳиссадор бўлишдир.

Музработ шартномаси мўлжалланган ишни амалга ошириш учун капитални тадбиркор кўлида тўплаш имконини беради. Тадбиркор капитални ўз билганича эркин ишлатиши: зарур ҳом - ашё, хунармандчилик ишлаб чиқариши учун жиҳозлар сотиб олиши, бозаот шаклида ёки айланма маблағ сифатида капитални ишга солиши, капитални нақд пулга ёки кредитга сотиши мумкин. У капитални ишлатиш учун бошқа тадбиркорга бериши ҳам мумкин.

Бу шартнома тижорат фаолиятининг ҳамма кўринишига тааллуқлидир, муҳими капитални ишлатиш шартини чекламасликдир. Тадбиркор савдогарлар одатидаги барча ишларни қилишга ҳаққи бор. Шартноманинг асосий шарти-фойда олишни таъминлашдир.

Тадбиркор унга берилган капитал учун тўла жавобгардир ва фойдага масъулдир. Иш бўйича ҳаражатлар фойда ҳисобидан қопланади. Иш якунида аввал мулкдор ўз капиталини олади, кейин фойда мулкдор ва тадбиркор ўртасида тақсимланади.

Бозаот -бу шундай шартномаки, бунда фойданинг ҳаммаси мулк эгасига тегишли бўлади. Тадбиркор ўз меҳнати учун аввалдан келишилган ҳақни олади.

Қарз-бу шундай шартномаки, бунда фойданинг ҳаммаси мулкдорга эмас, тадбиркорга тегишлидир.

Орият (ссуда)-бу ҳеч қандай тўловсиз фойдаланиш ҳуқуқини беришдир. Нарсани берган шахс ссуда берувчи, олувчи эса ссуда олувчи деб аталади. Муддатни белгилаш орият учун шарт эмас. Орият нарсани қайтариб беришни талаб қилиш билан барҳам топади. Ижарада эса нарсани белгиланган муддат ўтмасдан қайтариб беришни талаб қилиш мумкин эмас.

Ссуда олувчи ориятга олинган нарсани бошқа бировга қарзга бериш мумкин эмас. Ер иморат кўриш ёки экин экиш учун ссудага олиниши мумкин. Агар ерни ссудага олиш шартномасида муддат белгиланган бўлса, ссуда берувчи ерни илгаридан муддатидан илгари қайтариб беришни талаб қилса, ссуда олувчига етган зарарни тўлаши лозим. Агар муддат кўрсатилмаган бўлса зарарни тўлаши лозим эмас.

Экин экиш учун ссудага берилган ер муддати кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъий назар ҳосил йиғиштириб олинмагунча қайтариб олиш мумкин эмас. Бу шарт деҳқончиликка тегишлидир. Агар ер боғ қилинган бўлса қайтариб олиниши мумкин.

Ижара ёки ёллаш-бу нарсадан маълум ҳақ учун фойдаланиш ҳуқуқини сотишдир. Ҳақ эвазига фойдаланиш шартномасидир. Ёлловчи- ижарачи, нарсани фойдаланишга берганлиги учун ҳақ (рента) олувчи шахс ижарага берувчи деб аталади. Ижара шартномасида мақсад аниқ кўрсатилган бўлиши шарт, акс ҳолда у қонуний ҳисобланмайди.

6.3. Битим бўйича ўртоқлик. Битим турлари

Шариатда умумий мақсадларга эришиш учун икки ёки бир неча капиталларни бирлаштириш ҳам кўзда тутилган. Икки ва ундан кўп мулкларни бир-биридан ажратиб бўлмас усулда бирлаштиришни ширкат деб аталади. Бу қоида битимларга ҳам тегишлидир, чунки улар мулкларни бирлаштиришни тақозо этади. Бундай битимнинг шарти мулкни битимнинг бошқа

иштирокчиларига тенг ҳуқуқлик асосида фойдаланишга бериш имкони бўлишидир. Бундай битимга биноан кўлга киритилган мулк ҳар икки томоннинг ёки ширкат аъзоларининг тенг ҳуқуқлик асосидаги мулки ҳисобланади. Битим бўйича ўртоқлик таклиф қилиш ва келишиш асосида бўлади. У 4 хил кўринишда бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

- ўзаро келишилган ўртоқчилик;
- санъат ва ҳунармандчилик соҳасидаги ўртоқчилик;
- шахсий кредит бўйича ўртоқчилик;
- савдо бўйича ўртоқчилик.

Ўзаро келишилган ўртоқчилик. Мулки, имтиёзлари бир хил бўлган икки киши битим тузса бу ўзаро келишилган ўртоқчилик. У битимлар кўламининг кенглиги, мулкый муносабатларда томонларнинг тенглигини тақозо этади. Ўртоқчиликнинг бир аъзоси сотиб олган нарса кундалик зарур шахсий буюмлардан ташқари, ҳар иккаласига тенг бўлинади. Ўртоқчилик аъзолари ва уларнинг оиласи шахсий истеъмоли учун олинган озиқ-овқат ва кийим-кечаклардан ташқари сотиб олинган ҳамма нарса тенг бўлинади. Ўртоқчилик иштирокчилари ҳар бирларининг қарзлари учун тенг жавобгар бўладилар. Ўзаро келишилган ўртоқчилик олди-сотди ва ижара битимларига нисбатан қўлланилади.

Санъат ва ҳунармандчилик соҳасидаги ўртоқчилик усталар, масалан, тикувчилар, бўёкчилар ўртасида биргаликда ишлаш ва иш ҳақини фойда сифатида бўлиш ҳақида тузилади. Бундай ўртоқчилик тузиш учун иштирокчиларнинг ҳаммаси бир хил ҳунар билан ёки бир жойда шуғулланиши шарт эмас. Санъат ва ҳунармандчилик соҳасидаги ўртоқчилик фойдани тенг бўлмасликка йўл қўяди. Иштирокчилардан бири олган иш бошқалар учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Шахсий кредит бўйича ўртоқчилик ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган икки шахс ўртасида, улардан ҳар бирининг насияга сотиб олиш ва биргаликда сотиш ҳақида тузилади. Насияга сотиб олиш учун жамиятда танилган, ишонч қозонган

шахс бўлиши лозим. Бундай ўртоқчилик иштирокчиси бошқа иштирокчининг ишонган вакили ҳисобланади. Харидларга ва фойдага улар тенг шерик бўлиши мумкин. Шу билан бирга бундай ўртоқчилик шартномаси томонларнинг битимидаги иштирокчига қараб харидлар ва фойдага эгалик қилиш ҳуқуқни табақалаштириш мумкин.

Савдо бўйича ўртоқчилик. Ўртоқчиликнинг бундай тури икки шахс савдонинг қайси шаклида ўртоқчилик қилиб умумий савдо иши олиб бориш учун тузилади. Бунда ҳар бир иштирокчи бошқа иштирокчининг ишончли шахсига айланади. Савдо бўйича ўртоқчилик иштирокчиларнинг асосий капиталларини бирлаштириш мажбурий эмас ҳисобланади.

6.4. Олди-сотди битим шакллари

Мусулмон ҳуқуқшунослигидаги олди-сотдига таъриф берилган. Олди-сотди-бу алмашаётган томонларнинг ўзаро розилиги билан мулкни мулкка алмаштиришдир. Бунда мусулмон ҳуқуқшунослари олди-сотди битимининг турли шакллари кўрсатиб берганлар. Бу шакллар қуйдагилардан иборат:

- Шартларни эркин танлаш;
- Сотишнинг сўзсиз шартномаси;
- Фойда учун сотиш;
- Дўстона сотиш;
- «Салом» шаклида сотиш;
- Сарф шаклида сотиш;

Шартларни эркин танлаш. Бундай битимда томонларнинг бири битимни икки ёки уч кун ичида бузиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Битимни бузиш муддати ҳар-хил бўлиши мумкин. Бироқ, уч кундан ошмаслиги лозим. Бундай битимда агар олувчи товарни кўрмасдан олса, битим қонуний ҳисобланади. Бироқ, товарни қайтариб бериш ҳуқуқи олувчида сақланиб қолади. Агар олувчи товарда нуқсон топса, бундай ҳолда у хариддан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сотишнинг сўзсиз шартномаси. Битимнинг бундай тури нуқсонлардан ҳоли бўлган товарларни олди-сотди қилишда қўлланилади. Товарда нуқсон топилса, олувчи уни олишдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ҳақидаги битимларда олувчи улардан фойдалангандан сўнг маҳсулотнинг нуқсонини тўлашни талаб қилишга ҳаққи йўқ. Тез бузилувчан маҳсулотларнинг истеъмолга яроқсизлиги аниқланган ҳолларда олувчи сотувчидан тўланган ҳақни тўлиқ қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари қисман сақланиб қолган ҳолларда олувчи уни сотувчига қайтаришга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда битим иштирокчилари маҳсулотнинг нуқсони учун тўлов ҳажми ҳақида келишиб олишлари лозим.

Агар олувчи товарнинг нуқсонларини бартараф қилмоқчи бўлган бўлса уни сотувчига қайтариб бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Фойда учун сотиш. Бу шундай сотишки, унда товар сотиб олинган нарх устига маълум фойда суммаси қўйилган нархда сотилади.

«Салом» шаклида сотиш - бу олди сотдининг шундай турики, бунда товарнинг пули ўша заҳоти тўланади. Бироқ, товарни олувчига етказиб бериш учун сотувчига муҳлат берилади. Сотининг бу усули оғирлиги ва ҳажми, узунлиги ва миқдори бўйича аниқланадиган буюмларни сотиш ҳақидаги битимларда қўлланилади.

Сарф шаклида сотиш товар ва пулнинг битим тузилган жойда ўша заҳоти ўзаро алмаштиришни билдиради, яъни товар олувчининг пул сотувчининг қўлига ўтади.

6.5. Мусулмон ҳуқуқшунослари олди-сотди ҳақида. Битим акти

Мусулмон ҳуқуқшунослари олди-сотди битимларини фарқлаш билан чекланиб қолмай бу битимларга доир бошқа ҳуқуқий масалаларни ечиб берганлар. Мусулмон қонунларига кўра, сотилаётган нарса олувчига маълум ва унга фойдали бўлиши лозим. Агар унинг нуқсон ва камчиликлари бўлса,

сотувчи олувчини хабардор қилиши шарт. Агар савдода ўзаро алдов ва кўзбуямачилик тарқалса, у ердан барака кўтарилади. Савдогарнинг ҳалоллиги бир томондан унинг сотувчи сифатидаги тўғрилигини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан, халқнинг унга ишончини мустаҳкамлайди.

Хадисларда айтилишича олди-сотди битимининг иштирокчилари ажралишгунча битимни бузишлари мумкин. Ўғирланган нарсани сотиб олган одам ўғирликнинг номуси ва жазосига шерик бўлади.

Товарнинг оғирлигини ўлчаш ҳаражатларини сотувчи тўлайди. Пулнинг сотиб олиш қобилиятининг аниқлаш ҳаражатлари ҳам сотувчи зиммасига тушади. Пулларни текшириб кўриш товар етказиб берилгандан кейин амалга оширилади. Сотувчи буни кузатиб туриши ва сифатсиз тангаларни аниқлаши лозим. Тангаларни ўлчаш ҳаражатларини олувчи тўлайди. Нақд пулга олди-сотди қилинганда аввал олувчи товарнинг пулини тўлаши лозим.

Олди-сотди битимининг қонуний бўлиши учун сотилаётган товарнинг миқдори, ҳажми ёки оғирлиги, баҳоси аниқ белгиланиши лозим .

Уй сотиш ҳақидаги битимда Бино ва пойдевор яхлит деб ҳисобланади. Ер сотиш ҳақидаги битимда ерда ўсаётган дарахтлар ҳам битимга киради. Аммо ерда экилган ғалла битимга кирмайди. Ер эгаси ерни сотгандан кейин ғалла пишганда уни ўриб олиши мумкин.

Агар сотилаётган товарнинг таърифи аслига мос келмаса, олди-сотди битими ҳақиқий ҳисобланмайди. Масалан: кимдир икки бўлак Ҳирот матосини сотса, кейинчалик улардан бири Марв матоси эканлиги аниқланса битим ғайриқонуний ҳисобланади.

Агар олди-сотди битимида кўрсатилган товар миқдори бўйича тўлиқ етказиб берилмаса, олувчи битимдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Агар етказиб берилган товар миқдори кўрсатилганидан ошиб кетса битим қонуний ҳисобланиши мумкин. Етказиб берилган товар ҳажми ва оғирлигида нуқсон топилса, олувчи битимни бузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Одамларга зарур бўлган ноз-неъматларни сотиб олиб, ифтикор қилиш номақбул иш ҳисобланади, бу қоида шаҳарлардаги молларнинг озуқасига ҳам тегишлидир, чунки бу аҳолига зарар етказди. Ғамлаб қўйиш ва сақлаш учун маҳсулотларни шаҳарга кириш йўлларида сотиб олиш муносиб эмас. Айниқса, кичик шаҳарларда ифтикорликнинг аҳолига зарари камроқ деб ҳисобланган. Ифтикорлик ҳолати товарни муомаладан чиқариб олиш муддатига қараб белгиланади. Маҳсулотларни қисқа муддатга муомаладан чиқариб олиш ифтикорлик саналмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларни 40 кун ва ундан ортиқ муддатга ғамлаб қўйиш ифтикорлик деб ҳисобланади ва қатъиян ман қилинади.

Шаҳарни ғалла билан таъминлайдиган ҳамма ерлар ана шу шаҳарнинг сарҳади ҳисобланган. Ана шу сарҳадлардан келаётган маҳсулотларни ифтикор қилиш ман қилинган, чунки бу шаҳар аҳолиси ҳуқуқларини поймол қилади деб ҳисобланган.

Мусулмон ҳуқуқи берилган қарз эвазига фоиз олишни ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб-сотишни аниқ равшан қилиб қатъиян таъқиқлаган. Бу қоидани айланиб ўтиш имконини берадиган ҳамма қинғир йўллариини беркитишга ҳуқуқшунослар жуда кўп куч ва билим сарфлаганлар. Мусулмон ҳуқуқшунослигида савдогар ва олиб сотарнинг фарқи аниқ белгилаб берилган. Хадисий - Шарифда шундай дейилган: «Мамлакатимизда тақчил нарсаларни олиб келиб сотган савобга қолади, бозорларимиздаги нарсаларни сотиб олиб уйида яшириб қўйиш Қуръонни яшириш билан баробардир».

Шарқда олиб-сотарларга ва ифтикор қилувчиларга жуда қаттиқ жазо белгиланган. Салжуқийлар султонининг вазири Низомул-Мулк (1017-1092) ўзининг «Сиёсатнома» китобида шундай эслайди: «Эшитдимки Ғазнада нонвойлар дўконларни ёпибдилар, оғир аҳволга тушиб қолган мусофирлар ва камбағаллар султон Иброҳимга арз қилибдурлар. У нонвойларни йиғиб: «Нечун нон ёпмаяпсизлар?», деб сўраса нонвойлар унга: «Шаҳарга ғалла ва ун келтирилганда ғар сафар уларни сенинг баковулларинг сотиб олади ва омборга тўқади. Бизга бирор манн ун олишга имкон бермайди». Султон сарой

нонвойини келтириб уни фил оёғи остига ташлашни буюрди, у ўлгач уни филнинг қозик тишларига боғлаб, шаҳар айлантирдилар. Аҳолига: «Дўконини очмаган ҳамма нонвойини шундай қиламиз», деб эълон қилиб баковулнинг омборини очиб юбордилар. Шомгача ҳар бир дўконда 50 манн нон ортиб қолди. Уларни ҳеч ким олмади.»

Умумий хулоса

Исломнинг тижорат ва савдо ҳақидаги таълимотидан, бизнинг назаримизча, қуйидаги қоида ва хулосалар келиб чиқади:

1.Ўзини-ўзи яшаш воситалари билан таъминлаш ҳар бир одамнинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Уларни давлатга юклаш мақсадга мувофиқ эмас ва ғайри мантиқийдир.

2.Ҳар бир одамни ноз-неъматлар билан таъминлаш устивор аҳамиятга эгадир ва улардан ғоявий мақсадлар фойдасига кўз юмиш мумкин эмас. Ҳар бир одам рўзғорини юрғизиш учун фақат ишлаб чиқаришни эмас, балки савдо қилишни ҳам билиши лозим.

3.Тижорат ишларини олиб бориш маҳорати давлат хизматидан кўра юқорироқ баҳоланади.

4.Савдода ифтикорлик қилиш, шунингдек, олиб-сотарлик, айниқса кундалик зарурий озиқ-овқат ва улар билан олиб-сотарчилик қилиш қатъиян ман қилинади.

Назорат саволлари

- 1.Исломнинг дунёвий таълимоти деганда нимани тушунаси?
- 2.Аш-Шайбоний мусулмоннинг вазифасини қандай тушунган?
- 3.Ислом таълимотида бозор қандай эътироф этилади?
- 4.Исломда бозор қонуниятлари қандай амалга оширилади?
- 5.Ислом савдога қандай қарайди?
- 6.Ислом ҳуқуқшунослигида савдо ҳуқуқи қачон ишлаб чиқилган?

7. Ислом ҳукуқида капитал ва меҳнат қандай аҳамиятга эга?
8. Ижара, орийат нима?
9. Музработ, базоат нима?
10. Битим акти қандай амалга оширилади?

Адабиётлар

1. Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
2. Ислом Энциклопедия: А-Х: / З. Хусниддинов таҳрири остида. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003.- 313 б
3. Йўлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва таҷрибаси». -Т.: ТДИУ, 2002. С.90
4. Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи». -Т.: ТМИ, 2001.

7. САВДОГАРЧИЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ АҲЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРИ

- 7.1. Савдогарчиликка болаликдан ўрганиш. Қобуснома.
- 7.2. А. Навоий савдогарчилик ҳақида. Савдогарларнинг вазифалари.
- 7.3. Юсуф Хос Хожиб савдогарчилик ҳақида.
- 7.4. Ибн Халдун савдо ҳақида.
- 7.5. А. Темур салтанатида савдонинг аҳволи ҳақида.
- 7.6. Захириддин Бобур савдо иши ҳақида. “Мубайин” ва унинг мазмуни.

7.1. Савдогарчиликка болаликдан ўрганиш. Қобуснома

VII-аср бошида Самарқандда бўлган Хитой императорининг элчиси Вей Цзей ўз хотираларида Марказий Осиёда савдонинг аҳволи ҳақида бундай деб ёзган эди: «Болаларни беш ёшидан савдога ўргатадилар, ўқишни ўргангач савдо ишини ўрганишга юборадилар.» Ҳақиқатдан ҳам Марказий Осиё

мамлакатларида ёш болаларни савдо карвонлари билан Узоқ мамлакатларга юборишлари ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар бор.

Марказий Осиёда савдо чуқур илдизларга эга. Эрамизда аввал 2-1 асрларда Марказий Осиёда мавжуд бўлган Бақтрия давлати аҳолисининг урф-одатлари таърифланган қадимий Хитой манбаларида: «Аҳоли савдо ишларида моҳир», деб ёзилган. Ўша қадим замонларда Марказий Осиё халқлари кўшни халқлар билан яқин савдо, сиёсий, маданий алоқалар ўрнатганлар. Савдо ишининг ривожланиши савдо илмини яратишни тақозо қилган, шунинг учун Марказий Осиё мутафаккирлари ўз асарларида савдогарчиликнинг тартиб-қоидалари ҳақида айрим фикрларни баён қилганлар.

1082-1083 йилларда ёзилган «Қобуснома»нинг муаллифи Кайковус Ибн Вашмгир шундай деб ёзган:

«Савдогарчилик ва олиб-сотарчилик ҳнар эмас, аммо уларни яхши санъат деб ҳисобласа бўлади».

Савдогар ва олиб-сотар ҳунарманд каби товар ишлаб чиқармайди, бинобарин, Кайковус ҳақ гапни айтган. Бироқ, у савдогар ва олиб-сотарни бир қаторга қўйиб хатога йўл қўйган.

7.2. А.Навоий савдогарчилик ҳақида. Савдогарларнинг вазифалари

Алишер Навоий фикрича, «Савдогар фойда қиламан деб ўзини қаттиқ машаққатга қўймаслиги, мол ва пул кўпайтираман деб жон сарак бўлмаслиги керак. Унинг тортган қийинчиликлари тирикчилиги яхши ўтиши учун хизмат қилса ва топган фойдаси кўнгил фароғати учун сарфланса, яхши бўлади.

Шаҳар олиб-сотари хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлагани ҳолда қаҳатчилик тилайди, унинг мақсади - элга зиён етказиш, орзуси - арзон олиб қиммат сотишдир. Дўконида инсофдан бўлак ҳамма мато мавжуд.»

Кўриниб турибдики, савдогарнинг меҳнатини Навоий олижаноб иш деб ҳисоблаган, уни Ватанни ҳимоя қилувчи жангчига қиёс қилган, олибсотарни эса лаънатлаган. Олибсотарларнинг нопоклигини фош қилиб у шундай деган:

«Шаҳар олиб сотари хиёнатчи, ўзига фойда ва мусулмонларга қаҳат истовчи. Халққа зиён унинг фойдаси, арзон олиб, қиммат сотмоқ унинг орзуси. Олишда шойини бўз дейди, сотишда бўзни мақтаб шойи тўғрисида кўп сўзлайди. Бўйрани кимхоб ўрнида сота оладиган бўлса тўхтатиб туриш йўқ.»

Савдогарларда у жамият учун фойдали унинг моддий эҳтиёжларини қондирувчи кишиларнигина эмас, балки тинчлик элчилари, илғор фикрларни тарқатувчиларни кўрган. Савдогарларни маънавий-ахлоқий қиёфасини у шундай таърифлаган: «Саёҳатчи савдогар ўлкалар ва шаҳарлар ҳолидан хабардор бўлади, ажойиб нарсалар тўғрисида афсона айтади ва қизиқ воқеалар ҳақида суҳбат қилади.

Тоғлар тоши ва дашт куми устида туя юрғазади, дарё тўлқинлари тўполонидан фойда ва зарар кўради. Халол ризқ топиш учун узок йўллар кезади, кўринишда тинчлик тилаб, ички паришонликка дуч келган бўлади.

Бири юз бўлишидан бошида савдо тўла, бўзи шойи бўлишдан кўнглида истак кўп. Бундай кишининг мақсади буткул фойда бўлмаса ва бу фойдани ҳосил қилиши учун уриниши қаттиқ бўлмаса, савдо учун денгизга кема сурмаса, инжу учун наханг оғзига қадам кўймаса, мол ва ахчани улуғлигига сабаб қилмаса, гумашта ва ходимларини дабдабасиги боис билмаса, нафис нарсаларни аяб чопон киймаса, лаззатли овқатни кўзи қиймай қуруқ нон емаса, уриниши турмушни енгиллатиш учун бўлса, фойдаси кўнгил хушлиги учун бўлса, сафардан мақсади азиз кишилар суҳбатига етишмоқ бўлса, яхши қарашларидан қийналганлар ишига енгиллик келса, дини тўлов (закот) бўйнида қолмаса, фуқоро ҳақини ўз бўйнига олмаса; наинки молини азиз асраб, ўзини хор этса, ўз молини ҳукумат солиғи (тамға)дан яшириб, ўзига хорлик етишса, ёки меросхўрининг сочмоғи учун тўпласа, ёки бирор ҳодиса кузгаши учун жамғарса, бундай киши савдогар эмас, мардикордир, ўзининг хасис ва пасткашлигидан ҳамиша қийноқдадир.

Навоийнинг фикрича, савдогар илғор фикрли кишидир. Жамият унга қуйидаги вазифаларни юклайди:

- 1.Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга товарларни келтириш борасида меҳнат қилиш ;
- 2.Товарларнинг тақчиллиги ва ортиқчалигини бартараф қилиш;
- 3.Иқтисодий мувозанатни таъминлаш ;
- 4.Илғор фикрларни тарқатиш.

Савдогарларга Навоий юклаган тўртта вазифадан учтаси иқтисодий масалаларни ечишга қаратилган. Шу билан бирга у савдогарларга қуйидаги талабларни ҳам қўйган: «Савдогар фойдага эришиши лозим, саводхон бўлиши, яхши кийиниши ва ейиши лозим». Талаблар ичида ҳам фойдага эришиш соф иқтисодий ва энг муҳим масаладир.

Савдогар ўз ватани ва қўшни мамлакатларнинг ижтимоий иқтисодий аҳволини билувчи, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англовчи маърифатли бўлмоғи лозим. Жўйбор шайхларининг вакили Шайх Тожиддин Хасан замонасининг илғор кишиларидан эди. Унинг шахсий кутубхонасида тарих, жуғрофия, фалакиёт бўйича юз жилддан ортиқ китоблар, дostonлар, девонлар бўлган. Навоий бошқа мамлакатлар билан яқин иқтисодий алоқалар ўрнатишга катта аҳамият берган. Шунинг учун у узоқ мамлакатларга фаросатли, ишбилармон кишилардан элчилар юборишни тавсия қилган. У бошқа мамлакатлар савдогарларидан бож олмасликни бу кўрсатмани бажармаганларни жазолашни маслаҳат берган.

7.3. Юсуф Хос Хожиб савдогарчилик ҳақида

Кишилиқ жамиятининг тараққиётида савдо фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий сиёсий, маданий, маърифий аҳамият касб этган. Қадим замонларидан бери у турли халқларни бир-бирлари билан боғлаб келган. Халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш тарихида савдо қарвонларининг ўрни катта бўлган. Савдогарлар бошқа мамлакатларга тараққиётнинг турли соҳаларида эришилган ва кишиларни маънавий ахлоқий тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган кадриятларни тарқатганлар, уларнинг

маданий даражасини кўтарганлар. Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли Осиё, Европа халқлари ўртасида иқтисодий, илмий, маданий алоқа воситаси бўлиб келган. Савдогарлар ижодкорларнинг асарларини тарқатганлар, таржимонлик, элчилик қилганлар, китоб савдосини йўлга қўйганлар, мактублар хабарлар етказганлар. Халқнинг эзгу истаклари талабларини Юсуф Хос Хожиб ана шу Буюк Ипак йўлида жойлашган Қашкар ҳукмдори Буғро Қорахонга етказган. Халқнинг учинчи талабини у шундай ифодалаган: «Карвон йўлларини қароқчилар, талон - тарож қилувчилардан сақла, уларни осойишталигини таъминла». Юсуф Хос Хожиб савдогарларга шундай таъриф берган:

1.Савдогарларнинг машғулоти - олиш ва сотиш, яъни мамлакатлар ўртасида товар айирбошлашни йўлга қўйиш;

2.Машриқдан Мағрибгача мамлакатларни кезиб, сенга керак бўлган нарсани олиб келиш, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондириш;

3.Ҳамиша фойдага интилиш.

Шу ўринда бир шартни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кайковус ибн Вашмгир фойда олишнинг қатъий шартини бошқаларга зарар етказмасликда ҳисоблаган.

Савдогарчилик касбига қуйиладиган энг муҳим талаб - бу ҳалоллик ва тўғрилиқдир. Ибн Сино: «Агар ҳамма одамлар ҳалол меҳнат билан шуғулланса, ҳалол савдо қилса, унда ҳеч ким ҳеч нарса учун урушмайди, урушлар йўқолади, давлатлар ўртасидаги сиёсий жанжаллар тинч йўл билан ечилади, деб ҳисоблаган».

7.4.Ибн Халдун савдо ҳақида

Ибн Халдун ўзининг «Муқаддима» асарида савдо ишига кўп эътибор қаратган. У товар жамиятида кишиларнинг ўзаро ёрдами масалаларини чуқур ўрганган. Бундай жамиятда яшаш воситалари алмашувининг асосий воситаси олди - сотдидир. Шунинг учун Ибн Халдун ўз тадқиқотида табиий равишда

товар алмашуви масалалари билан тўқнашган. «Инсоннинг кўли бутун дунёга ва ундаги ҳамма нарсаларга етади, чунки Оллоҳ инсонни ўзининг ердаги ноибни қилиб яратган. Инсонлар ниманидир олиш учун кўлларини чўзади, бу уларга хосдир; бир одамни кўлига кирган нарсани бошқа одам агар унинг эвазига тенг нарса бермаса, олиши ман қилинади.»

Савдонинг моҳиятини у кишининг олиш ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқи ҳисобига фойда олишга интилиш деб билган. У фойда олишнинг икки йўналишини кўрсатган. «Фойдага одам, товарларни ғамлаб ва уларнинг баҳосини кутиб ёки уларни олган мамлакатларга кўра талаб катта бўлган бошқа мамлакатга келтириб эришиши мумкин.»

Маълумки, нархлар ҳамиша ва ҳамма товарларга кўтарилмайди, баҳоларнинг ўзгариши товарга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга боғлиқ. Баҳоларнинг ўзгариши ҳисобига фойдага эришиш учун савдогар бозор конъюктурасини унга таъсир этувчи ижтимоий - иқтисодий ҳодисаларни яхши билиши лозим. Акс ҳолда у зарар кўради ва ҳатто хонавайрон бўлади. Савдогар учун қулай савдо ҳақидаги ўз фикрларини Ибн Халдун бундай баён қилган: «Савдо товарларини сотиб олиш ва уларнинг нархи кўтарилгунча сақлашдан иборат. Бундай савдони фойдали дейдилар ва у туфайли савдо билан доимо шуғулланувчилар даромад ва яшаш воситаларига эришадилар. Агар товарларнинг ёки озиқ-овкатларнинг, кийимларнинг бир турига ёки умуман қимматбаҳо буюмларга баҳоларнинг пасайиши узоқ давом этса ва савдогар бу ўзгаришларни сезмаса, унда товарлар қанча узоқ сақланса, унинг фойдаси шунча кам бўлади. Товарларнинг бу тури савдоси қийин кечади, савдогар зўр-базур учма-уч қилади. Шундай қилиб, савдогарлар бундан буён бу товар билан савдо қилишдан воз кечадилар ва уларнинг бу товарларга сарфлаган пуллари куяди.»

Ибн Халдун товар ишлаб чиқаришга асосланган жамиятда савдо ҳар қандай сиқувлардан, ҳаддан ташқари оғир солиқлардан айрим шахсларнинг олиб сотарчилигидан, ҳукмдорларнинг унинг ифтикор қилишларидан холи

бўлиш керак деган қатъий фикрда бўлган. «Ана у (султон) фойда олиш учун ҳайвонлар, ўсимликлар ва шунга ўхшашларни кўлга ола бошлайди, уларни сотиб даромад ва фойдани кўпайтиради деб ўйлаб, бу билан бозорга таъсир қила бошлайди. Аммо бу катта хатодир. У шунга олиб келадики, фуқороларга турли нуқтаи назардан зарар ва зиён етказилади. Биринчидан, деҳқонлар ва савдогарларнинг савдосини қисқариши туфайли. Бундай савдонинг асоси - бир-бирини қондиришдир. Сотувчи ва олувчи тўлиқ ёки деярли тўлиқ қониқишлари лозим: уларнинг бир-бирини сиқиштириши бу асосни бузади. Султон савдога киришганда, унинг мулки эса фуқароларнинг мулкидан кўп бўлгани учун, уларнинг биронтаси султон билан рақобатлаша олмайди ва бу уларни эзади. Кейин султон куч ёки баландроқ баҳо билан унга қарши турган ҳамма нарсани бартараф қилади, чунки унга қаршилик қиладиган ва унинг товари баҳосини пасайтирадиган ҳеч ким қолмайди.»

Кўриниб турибдики, Ибн Халдун султоннинг савдо ишларига аралашувини аҳоли манфаатларига суиқасд деб ҳисоблаган. Чунки савдо ўзаро эҳтиёжларни қондириши лозим, султон эса уларни чеклаб қўяди. Шу билан бирга у султон имкониятларининг чекланганлигини аҳоли эса хилма-хил эҳтиёжларни қондиришга қодирлигини таъкидлаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ибн Халдуннинг фикрича, султон қашшоқлашиб қолгандагина, ҳунармандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқлар уни қониқтирмаган ҳоллардагина савдо ишларига аралашади. Каттароқ фойданинг кетидан кувиб султон одамларининг хўжалик ишларига аралашади, бироқ бунда у ютқазади. Бунинг оқибатини Ибн Халдун фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий жиҳатдан баҳолаб, бундай ҳол ижтимоий турмушнинг ривожланишига тўсқинлик қилади деб таъкидлайди.

Юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб, Ибн Халдун ҳукмдорларга шундай талаблар қўяди:

1. Аҳолига мўътадил солиқлар солиш, савдони солиқлардан озод қилиш;

2.Савдо ва ишлаб чиқаришда давлат ифтикорлигига барҳам бериш, савдо ва ишлаб чиқаришнинг тўла эркинлигини таъминлаш.

7.5. А.Темур салтанатида савдонинг аҳволи ҳақида

Амур Темур ўзининг салтанатида савдо ва хунармандчиликнинг ривожланишига катта аҳамият берган. Бунга венгер сайёҳи Херман Вамбери шундай шоҳидлик беради: «Темур амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Халабнинг машҳур пахта йигирувчи корхоналари, Анкаранинг мовут корхоналари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас саноатда қанча моҳир ишлар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар. Чунончи, Самарқандда барча дин ва миллат кишилар жам эдилар. Клавиҳо бу ерда яшовчи аҳолини санаб, 130.000 дегани хато бўлмаса керак. Ушбу аҳволга кўра, Самарқанднинг бутун Осиё савдосида мол омбори ўрнини олганини фахмлаш жуда осон деб ўйлайман. Хусусан, бунда ички савдо яхши тараққий этиб, катта аҳамиятга молик эди ва ниҳоятда улуғ миқдорга эришган эди. Бу ерга Ҳиндистондан жуда кўп атторлик ва бўёқ тижорати карвонлари келиб турарди. Хитой бу ерга ипак газламалар, чинни косалар, қадахлар, мушк, қимматбаҳо ақиқ тошлар юборар эди. Мамлакатнинг Шимол томонидан ноёб пўстинлар келар эди. Ушбу турли иқлимларнинг моллари Самарқанд бозорида той-той бойланиб, Осиёнинг энг катта шаҳарларига ва Буюк Ипак йўли орқали Ғарбий Европага жўнатилад эди.

Савдогарлар бир йўл билан Хоразм, Астрабод, Нижний Новгород, Москва йўли билан Генза кўлига борар эди. Иккинчи Ҳирот - Казвин - Табриз - Тарабзун йўли билан генуяликларнинг, венецияликларнинг, пизаликларнинг савдо кемаларига тушиб, Европага етарди. Ниҳоятда кўрқинчли серуруш замонлар бўлишига қарамай Темур ҳокимиятининг сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жуда жонли ва сира хавфсиз эди. Биз қайта-қайта зикр этган Испания элчилари бунга энг ишончли шоҳиддирлар. Бу элчилар хайъати Тарабзундан йўлга тушуб, баъзи душман вилоятлари орқали Самарқандга

борган. Атрофида деярли соқчилар йўқ ҳолда, Фарбнинг ноёб ашёси юкланган кажавали карвонни улар манзилига безарар етказишган. Бу воқеа Анкарадаги қатъий тўқнашувдан кейин ва Фарбий Осиёда бошбошдоқлик ҳукм сурган даврда содир бўлган эди.»

Савдо карвонлари хавфсизлигини таъминлашга Темур жиддий эътибор қаратган. Айниқса, қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берган. Савдогарларни йўл азобларидан қутқариш, сафарни осонлаштириш учун карвон йўлларида карвонсаройлар қуриб, уларда хордиқ чиқариш учун барча қулайликлар яратган. Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда Буюк Ипак йўлининг салтанат ҳудудидан ўтган қисми энг гавжум, фойдали ва хавфсиз бўлган. Чунки бу йўлларда савдогар ва сайёҳларни уларни моли ўғирланса ёки йўқолса, шахсан жавобгар бўлган кўриқчилар кўриқлаб борган. Ўғри ва қароқчиларни бешавқат ошишган.

Темур салтанатида савдонинг аҳволи ҳақида Рюи Гонзалес де Клавихо хотиралари яна ҳам қизиқарлироқ: «Султония (Эрон) аҳолиси кўп, аммо туз каби катта бўлмаган шаҳар, бироқ бу ерда савдо кўп, чунки бу ерга ҳар йили айниқса июнь, июль ва август ойларида катта туялар карвонлари келади, улар жуда кўп товарлар олиб келади, уларнинг карвонлари бизнинг юк ортилган карвонларга ўхшайди. Бу шаҳар катта савдо олиб боради ва ҳукмдорларга катта даромад келтиради. Ҳар йили у ерга кичик Ҳиндистондан кўп савдогарлар келади, улар кўп зираворлар олиб келадилар, чунки бу ерга Сурияга олиб борилмайдиган чиннигул, нускат ёнғоғи, долчин, манна мускат гули ва кўплаб бошқа ноёб зираворлар келтириладик, уларни Искандарияда ҳам топиб бўлмайди. Бундан ташқари бу ерга денгизга, Бакуга яқин бўлган ер ҳар йили кўплаб ипак мато ишлаб чиқариладиган - Гилондан жуда кўп шойи келтирилади. Бу гилон ипаги Дамашққа, Сурия ерига, Туркияга, Зафуга ва бошқа кўп ерларга кетади. Бу ерга яна Шомахо ерида, (у ерда жуда кўп ипак мато тўкилади ва у ерга ипак учун хатто Генуя ва Венеция савдогарлари ҳам келади), тўкилган ипак келтирилади.

Бундан ташқари бу ерга кичик Ҳиндистонга яқин жойлашган Шероз деб аталган ердан, Йесен ва Суриядан кўплаб ипак ва ип газламалар, тафта, сандал ва бошқа газмоллар келтирилади. Хуросондан эса кўплаб йиғирилган ва йиғирилмаган қоғоз, шунингдек, ҳар хил рангларга бўялган улардан кийим тикиладиган ип-матолар келтирилади.

Бундан ташқари - бу Султония шаҳрига Урмуз шаҳридан кўплаб гавҳар ва бошқа қимматбаҳо тошлар келтирадилар.

Катта тантаналар учун шох бутун Самарқанд шаҳри бўйлаб жар солишни буюрадики, шаҳарнинг ҳамма савдогарлари, саррофлари, газмол, гавҳар ва турли хил бошқа буюм сотувчилари; ошпазлар, қассоблар, нонвойлар, тикувчилар, косиблар ва шаҳарда бўлиши мумкин бўлган барча бошқа ҳунармандлар ўрда олдидаги майдонга келиб ўз чодирларини тиксинлар ва товарларини шаҳарда эмас шу ерда сотсинлар, бундан ташқари ҳар бир ҳунармандчиликда ўйинчилик қилиб халқни хурсанд қилиш учун ўрда бўйлаб юрсинлар.

Самарқандда ҳар йили Ҳитой, Ҳиндистон, Татаристондан келтириладаган кўплаб турли товарлар сотилади. Шох шаҳар бўйлаб икки бетида товарларни сотиш учун дўконлар ва чодирлар бўлган кўча ўтказишни буюрди. Бу кўча шаҳарнинг бир четида бошланиб, бутун шаҳарни кесиб ўтиб, бошқа четига чиқиши керак эди.

Жуда кенг кўча ўтказдилар ва унинг икки бетида чодирлар тикдилар, ҳар бир чодир олдида оқ тошлар билан қопланган баланд ўриндиқлар қўйдилар. Кўчанинг айрим ерларида ҳовузлар қурдилар. Бу ерда ишлаган халқ шаҳар ҳисобидан ҳақ оларди ва керагича ишчи тўпланарди. Кундузи ишлаганлар тунда кетарди ва тунда ишлаш учун бошқалари келарди. Бировлар уйларини бузарди, бошқалар ер текисларди, учинчилари кўрарди ва уларнинг ҳаммаси кечаю-кундуз шундай шовқин солардики бу ерга шайтонлар йиғилгандек туюларди. Йиғирма кун ҳам ўтмасдан шунча иш қилиндики, бу ажабтовурдир.»

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида марказлашган давлат барпо этилди, иқтисодийнинг барча соҳаларида (хунармандчилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, айниқса, савдо-да) муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Бунга тўғри тамлаб олинган иқтисодий ғоялар ва иқтисодий сиёсат ёрдам берди.

Амир Темур давлат ва иқтисодийни бошқаришда ўзига хос мактаб яратганди. Соҳибқирон давлати-да девони бузург (бош вазир) дан ташқари ҳар бир вилоятда Девон дейилувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлашни, ижтимоий бинолар - бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қиларди. Халқнинг хулқ-ахлоқи кузатиб туриларди. Унинг ходимлари вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш ва тергов ишларини олиб боришарди. Айниқса, тошу-тарози тўғрилиги, одил баҳо текширилган, қаллоб ва товламачилар қатъий жа-золанган, энг муҳими бу иш тўппа-тўғри бозорда, халқ олдида амалга оширилган. Савдогарларга олиб келинган мол устига 10 фоиз нарх қўйиш мумкип бўлган. Темур салтанатини идора қилиш учун турли вазирлар фаолият кўрсатган. Шундай вазирлардан биринчисига ер солиқлари, бож, ўлпон-солиқ ундириш ҳамда миршаблик юмушларини бошқариш юклатилган. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни ҳал қилган, раият аҳволини кузатган, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонларни тақсимлаган.

Иккинчи вазир сипоҳ вазири ҳисобланиб, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳо (бу ерда — тожу-тахт учун қилган хизматлари эвазига бериладиган инъом маъносида)ларни бошқарган.

Учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётганлар, савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва бождарни, мамлакат чорвасини бошқариб, буларнинг барчасида тўпланган даромадларни омонат тарзида сақлаган. Агар ғойиб бўлганлар ва вафот этганларнинг мол-мулки бўлса, уларни ўз меросхўрларига топширган.

Тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи вазир бўлиб, у салтанатдаги жами идораларнинг қирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган

харажат, ҳатто отхона ва саройдош бошқа жонзотларга қилинган харажатлардан огоҳ бўлиб борган. Вазирлар Девонбегига бўйсунган.

Соҳибқирон Амир Темур, жумладан, шундай деган эдилар: «Амр қилдимки, садрлар садри (садр, вақф ерлар ва вақф этилгал бошқа мулкнинг ҳисоб-китобини олиб боровчи мансабдор) саййидлар ва бошқа арбобларга суюрғол тариқасида бврилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, уларнинг вазифаларини қай даражада адо этаётганликларини текшириб, менга арз қилиб турсин... Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир китоб тайинлансин».

Соҳибқирон даврида ерга эгаликнинг бешта асосий кўриниши бўлган:

1. Суюрғол ерлар. Катта ҳажмдаги бу ерлар давлат томони-Дан ажратиб берилиб, бир авлоддан иккинчисига ўтган. Су-юрғол эгаси марказий хазинага тўланадиган солиқдан озод қилинган. Бундай ер эгалари деҳқонларни ишлатиб, ер солиғи хирож олганлар.

2. Тархон ерлар. Бу ерлар хусусий мулк бўлиб, улар одамлар-га бирон-бир хизмати учун берилган.

3. Ушр ерлар. Саййид ва хўжаларга мансуб ерлардир. Бундан олинган ҳосилнинг ўндан бири давлатга берилган.

4. Вақф ерлар — масжид, мадраса, хонақоҳ, қабристон ва шу сингари жойларга доир ерлардир. Вақфда ер, сув, бозор, қул, пуллар ва бошқалар мол-мулки билан инъом этиларди. Масалан, Амир Темурнинг Аҳмад Яссавий учун қурдирган вақфномаси катта аҳамиятга эга. **Аҳмад Яссавий** ва бошқа авлиёлар, дин пешволарининг мақбаралари учун вақфдан маблағ ажратилган.

5. Аскарларга, аскарларнинг раҳбарларига бериладиган ерлар.

Кимдаким бирон саҳрони обод қилса ёки қориз (ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган иншоот) курса, бирон боғ кўкартирса ёхуд бирорта хароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмаганлар. Иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олган. Учинчи йилдагина солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилган.

Амир Темур катгаю кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқца масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилишни, фақиру мискинларга лангархона (йўловчилар кўниб ўтадиган, камбағал етим-есирларга овқат бериладиган жой), ғарибхона қуришни, касаллар учун шифохона бунёд этишни ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлашни буюрган эди.

Амир Темур Англия ва Фарангистон қиролларига мурожаат қилиб, халқаро савдо алоқаларини ривожлантирди. Марказий Осиё орқали ўтадиган Буюк Ипак йўлида қарвонларнинг хавфсизлигини таъминлади. Машриқдан-Мағрибгача бўлган савдо-сотик ишларини кучайтириб, турли равоатлар, қарвонсаройлар, савдо расталари қурдирди.

Соҳибқирон 1365-1366 йилнинг қишида Қарши шаҳрининг атрофини, 1370 йили Самарқандни девор билан ўраб, қўрғон бунёд эттирган. 1380 йилда Шақрисабзда Оқсаройни қуришга киришиб, шаҳар атрофини девор билан ўраган. Бу мисоллар айғиб турибдики, девор ва қўрғонлар бекорга барпо бўлмаган. Улар чегара вазифасини ўтаб, шаҳар аҳолисини дўст-душмандан, борди-келдидан муҳофаза қилган. Қарши сўзи ичкари ва ташқари деган маъноларга эгадир. Маълумки Амир Темур салтанатининг чегараси ҳарбий юришлар вақтида беқарор эди, шундай бўлишига қарамай, унинг юртидан бирон-бир нарса ташқарига сўроқсиз олиб чиқиб кетилмаган. Жаҳонгир бу ҳақда: «Мамшкатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навқарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар. Ўғри ва қароқчиларни жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кшииларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Атроф-дан қирган-чиққан мол-мулк, четдан қирган ва четга чиқадиган ёд кишилар, ҳар мамлакатдан келган қарвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар кўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимда юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни (хабарнавислар) ростлик, тўррилик билан менга ёзиб турсинлар. Хабарларш кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар», деган эди. Мазкур вазифаларни бажармоқ учун ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қутвол

(қалъа бошлиғи) тайинланиб, улар сипоҳ ҳамда раиятга соқчилик қилганлар ва яна йўл устига кузатувчилар, зобит (идора этувчи, бошқарувчи, қўшин бошлиғи)лар тайинланиб, улар йўлларни қўриқдаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйганлар. Йўл устида биронта одамнинг бирор нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, бунинг учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлган.

Буюк жаҳонгирнинг мана бу сўздари янада қимматлироқдир: «Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчишири мусофирларининг турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар, Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмаси: Хитой, Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Оврупа), у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, турши-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар, ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар».

Амир Темур даврида улуфа (озик-овқат, маош, солиқ тури) бериш қуйидагича эди. Амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва сипоҳийларга ушбу тартибда маош берилган: оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан маоши минган отининг баҳосига тенг бўлган. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайинланган. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларникидан ўн баробар ортик бўлган. Юзбошилар маоши ўнбошиларникига қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда эди. Чорпилчор (уруш вақтида) хатога йўл қўйган сипоҳийларнинг маоши ўндан бирга камайтирилган, Ўнбош юзбоши тасдиғи билан, юзбоши мингбошининг тасдиқи билан, мингбоши бош амир тасдиғи билан улуфа олганлар. Бош амир

амир-ул-умарот маоши кўл остидагилардан ўн баробар, Девонбеги ва вазирларнинг маошлари амирларникидан ўн баробар ортиқ бўлган. Ясовул (хонларнинг кичик хизматчиси, кўриқчи), чоповул (чопқунчи, асосан тунда ўтказиладиган босқин қатнашчиси), калакчи (аҳолидан йиғилган ҳосилдан хирож миқдорини белгиловчи мансабдор)ларнинг маоши хизматиға яраша, мингдан ўн минг тангагача бўлган. Саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихдонларнинг ўз ҳолларига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгиланган. Хизматчилар, фаррош (бу ерда палос тўшовчи маъносида)ларга юздан минг тангагача маош бериларди.

Умуман, давлат томонидан бериладиган маошларнинг тўлиқ маълумотларини Девонбеги ва вазирлар Амир Темурга билди-риб, сўнгра танҳо (бу ерда сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва аскарлар учун махсус хазинадан бериладиган маош, баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳо сифатида ер-сув берилган) берганлар.

Соҳибқирон васиятиға кўра унинг тўнғич ўғли **Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо** валиаҳд ва вилоят ҳокими бўлиб, ўн икки минг отлик аскарға улуфа олиб, бир вилоят олганди. Учинчи ўғли **Мироншоҳ Мирзо** тўққиз минг отлик аскарға тенг улуфа олган ва бир вилоятни тасарруф қилган. Тўртинчи ўғли **Шоҳруҳ Мирзо** етти минг отлик аскарға улуфа олган ва бир вилоят эгаси бўлган. Набиралари ҳам уч мингдан етти минггача отликқа улуфа ва бир вилоят оладилар.

Амир Темур даврида пиёдалар, калакчилар, ясовуллар, чоповулларнинг бир йиллик маошларини ҳисоблаб, белгиланган маблағни девонхонаға келтириб, шу ерда уларға тарқатилган. Сипоҳийлар ва баҳодирларнинг ярим йиллик маошлари ҳам ҳисобланиб, танҳо хазинасидан олиб берилган.

Ўнбоши, юзбошиларға маош шаҳар аҳолисидан олинадиган соликлардан йиқилган хазинадан ва подшолик мулки даромадидан нақд пул ҳисобида олинган. Мингбошиларға вилоят ичидаги ерлардан тиюл (хирож ва солиқ йиғиб

олиш ҳақи билан инъом этиладиган ер-мулк)лардан берилган. Амирлар ва амир-ул-умароларга вилоятлардан бири тиюл этиб белгиланган. Темур вилоятлардан тушган даромадларни тақсимлаш ҳақида шундай деган эди: «Вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жами даромадни тақситаб, маош бериш ерликларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзишар. Сўнг ерлилар девонхонага келтирилсин. Амирлар, мингбошилар шу ерлилардан бирини чиқариб олсин».

Амирлар, мингбошилар раиятдан молу жихот (нақд пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ) йиққанларида, хирождан ортиқча соеарий (подшо ва хонлар ўз вилоягларида ўтаётганларида халқдан талаб қилинадиган тортиқлар), кўналға (чопарлар ва элчиларга кўноқ бериш солиғи) ва шилон (под-шоҳлар ва амирларнинг овқати учун йиғиладиган солиқ) талаб қилинмаган. Тиюл қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинлаган. Уларнинг биринчиси вилоятдан йиғилган молларни ёзиб раият аҳволини текшириб туриб, тиюл эгаси (жогирдор)нинг фуқароларга зулм етказмаслиги учун уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турган, йиғилган бутун мол-мулкларни кирим дафтарига ёзган. Иккинчиси даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган мол-лардан сипоҳийларнинг маошига тақсим қилинган.

Амир Темур бу ишлар ҳақида яна қуйидагиларни ёзган: «Қайси амирга пгиюл берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинмар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоят ҳолиса (давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ер-сув)га ўтказилиб, уч йшгача ўшаларга улуфа беришасин».

Соҳибқирон мамлакатларни фатҳ этиш билан бирга, тўпланган мол-дунёни, олинадиган бож солиқларини хайрли мақсадлар учун сарф қилган: «Тўпланган хазинадаги нақд пул ва қимматбаҳо буюмларни сипоҳларга тақсимлаб бердим. Кўшинга етарли даражада озука бердим», деган эди. Пири Амир Шамсиддин Кулол ҳақида: «Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат

бердилар. Агар ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожиини уларга назр қилишга қарор қилдим», — дейди.

Маълумки, хирож ер солиғи учун ва умуман даромад солиғи учун қўлланилган. Хирож айрим ҳолларда даромаднинг учдан бирини ташкил этган. Шунингдек, хирожни «мол» деб ҳам аташган. «Раиятга ҳақ-ноҳақ жарималар солувчи вазир салтанатни бузади», ~ деган эди соҳибқирон.

Мурувватли жаҳонгир: «Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмат ҳақини адо этдим. Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайнилар, кўни-кўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, молу мулк ва нақд пул билан ҳақларини адо этдим», - дейди. Шунингдек, у амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар, зару-зарварлар билан хушнуд этган, базмларда ўз ёнидан жой берган, хуллас, уларнинг жанг вақтидаги қахрамонликларини ҳеч вақт унутмаган. Соҳибқирон ҳайр-эҳсон ишлари билан одамларнинг кўнглини олган. Сипоҳ ва раиятга бир кўз билан қараб, баҳодирлар, довюрақларга махсус фахрий ўтова (бош кийимига тақиладиган қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги), камар ва таркаш (садоқ - ўқдон) тақдим этиб, мартабаларини янада юқори кўтартирди. Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини қадрлади. Уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаланди. Сипоҳийларни ҳамиша жангда тайёр туришлари учун ойлик ҳақларини сўраттирмай, вақтида берган. Сармояси кўлидан чиқиб кеган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилган.

Ҳеч бир шаҳар ва қишлоққа одамлардан сари шумор (жон бошидан олинадиган солиқ) ва хонашумор (ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ) олинмаган. Раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланилган. Негаки, Амир Темур: «Раиятни хонавайрон қияиш давлат хазинасининг камбараллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига

сабаб бўлади, Сипоҳнинг тарқоқлиги эса, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради. Фатҳ этшган ерлик фуқаро азалдан бериб келинган хирож микдоридан рози бўлса, уларнинг розишиги билан иш кўрсинлар. Хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғишар. Фатҳ этшган ҳар бир мамлакатнинг мол-мулкини, буюмларини талон-тарождан сақласинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни ҳисоб-китоб қилсинлар», — деган эди.

Европадан анча илгари бу давлатда бюджет тушунчаси бўлган. Давлат хазинаси, кирим, чиқим, ҳисоб-китоб қатъий олиб борилган, тафтиш йўлга қўйилган эди. Бунинг учун маълум масъул шахслар ажратилган ва доим ҳисоб бериб борганлар.

А.Темурнинг давлат ва иқтисодиёт соҳасидаги асосий фикрлари «Темур тузуклари» тўла баён этилган. Тузуклар Амир Темурнинг 1342-1405 йиллар оралиғидаги фаолиятини акс эттиради ва икки қисмдан (мақоладан) иборат. Биринчи қисмда асосан ягона давлат барпо этиш, уни мустаҳкамлаш, қушни (27) юрт ва мамла-катларни забт этиш масалалари ёритилган бўлса, иккинчи қисмда соҳибқирон номидан айтилган ўзига хос васият, пайд-насихат, турли соҳалардаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодиётга оид фикр-мулоҳазалар келтирилган.

А.Темур мамлакатда гадоёлар бўлмаслиги керак, деган қоидага амал қилган ва унинг йўлини ҳам белгилаб берган. Гадоёларнинг барчаси тўпланган ва уларга бир йиллик керакли емиш, кийим-кечак берилган, уларни бирор фойдали иш билаи шуғулланишга жалб этилган. Одатда, кўпчилик гадоёликни тарк этиб, бирор фаолият билан кун кўрган. Гадоёликни тарк этмаганлар кул қилиб сотилган ёки мамлакатдан чиқариб юборилган.

7.6. Темурнинг эвараси, давлат арбоби «буюк мўғуллар» салтанатининг асосчиси

Темурнинг эвараси, давлат арбоби «буюк мўғуллар» салтанатининг асосчиси шоир, мутафаккир Захириддин Бобурнинг (1483-1530) «Мубайин»

асрида савдо иши ҳақида қизикарли фикрлар баён қилинган. Бу асар хунармандлар ва савдогарларга солиқ солиш масалаларига бағишланган. «Нақд пуллардан олинадиган солиқ ҳақида ҳикоя» ва «Савдо йиғимлари ҳақида ҳикоя» бобларида Бобур мавжуд аҳвол, мулкдорларга, савдогарларга солиқ солиш ҳажми ҳақида ҳикоя қилиб бу масалалар бўйича ўзининг фикрларини баён қиладики, уларнинг кўпчилиги танқидий фикрлардир. Урф-одатларга кўра мусулмон савдогарлари олтин ва кумуш тангаларнинг йигирмадан бирини солиққа тўлар эдилар. Бунда тангаларнинг сонига қараб солиқ ҳажми табақалаштирилган эди. Савдогарнинг мулки қанча кўп бўлса солиқ ҳажми шунча паст эди. Савдогарларнинг солиққа тортишни бундай тизими уларнинг ўз капиталини кўпайтиришга, савдони кенгайтиришга, аҳолини зарур товарлар билан таъминлашни яхшилашга ундашга қаратилган эди.

Бобур хорижий савдогарларга ҳаддан ташқари кўп солиқ солиш одатини танқид қилади. Гап шундаки нодўстона мамлакатларнинг савдогарлари жуда оғир солиққа тортилар амалда талон-тарож қилинар эди. Буни ўша мамлакатларга борган, савдогарларга шундай муносабатда бўлишлари билан оқлашарди. Солиққа тортишнинг бундай ярамас одатларини танқид қилиб, Бобур ўзининг савдогарларга қулай шароит яратишига, мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларини кенгайтиришга қаратилган тамойилларини илгари сурди.

Умумий хулоса

Шарқ мутафаккирларининг тижорат ва савдо ҳақидаги таълимотларини умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- 1.Тадбиркорлик иқтисодиётнинг асоси, уни ҳаракатлантирувчи кучдир.
- 2.Савдо ишига ёшлиқдан ўрганиш лозим.
- 3.Савдонинг асосий вазифаси товарларни истеъмол жойига келтиришдир. Савдонинг вазифаси ҳақидаги бу таълимот К.Маркснинг товар истеъмол жойига келтирилмагунча истеъмолга тайёр эмас, деган қондаси билан оҳангдошдир. Бу вазифани аҳолини зарур товарлар билан таъминловчи

савдогарлар бажаради. Олиб-сотар халқнинг мухтожлигидан фойдаланиб бойлик орттирувчи зараркунандадир.

4.Савдогарнинг касб вазифаси товарларни мулчилик жойдан истеъмол жойга етказиб беришдир. Ана шу хусусияти билан савдогар товарларни олиб ўша ернинг ўзида юқори нархларда сотувчи олиб-сотарлардан ажралиб туради.

Ҳалоллик, тўғрилиқ, ўз сўзига содиқлик савдогарнинг асосий сифатлари бўлиши лозим.

5.Савдо давлат томонидан ҳар қандай тўсиқлардан озод бўлиши лозим. Давлат савдони ифтикор қилмаслиги лозим, чунки у аҳолини эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмас.

6.Давлатнинг асосий вазифаларидан бири ташқи савдони ривожлантиришга ҳаракат қилишдир.

Назорат саволлари

1. Тадбиркорлик ҳақида тушунча беринг?
2. Ташқи савдо қандай ташкил этилган?
3. Товар айирбошлаш қандай амалга оширилган?
4. Аҳолининг харид қобилияти қандай бўлган?
5. «Кобуснома» асари ҳақида нимани биласиз?
6. А.Навоий савдогарчиликни қандай таърифлаган?
7. Бозорнинг ривожланишида савдо қандай аҳамиятга эга?
8. Савдо қарвонларининг аҳамияти нималардан иборат?
9. А.Темурнинг савдо фаолияти тўғрисида нимани биласиз?
10. Юсуф Хос Хожиб савдо ҳақида қандай фикрларни берган?

Адабиётлар

- 1.Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
- 2.Йулдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар

тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.

3.Ислом Энциклопедия: А-Х: / 3.Хусниддинов тахрири остида.-Т.:
Узбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003.- 313 б

4.Йўлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.:
ТДИУ, 2002. С.90

8. XX-АСР БОШИДА ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ.

8.1.Ўлкада янги иқтисодий сиёсат.

8.2.Ўрта Осиёда хунармандчилик саноати.

8.3.Истеъмол буюмлари таклифининг шаклланишида Россиянинг
улуши.

8.4.Туркистон аҳолисининг истеъмол товарлари билан таъминланиш
даражаси.

8.1.Ўлкада янги иқтисодий сиёсат

19-асрнинг 2-ярмида Россия империясининг Туркистонни босиб олиши ўлка иқтисодиётини анча ўсишига олиб келди. Туркистон Россиянинг саноат районларига қишлоқ хўжалик хом ашёлари, айниқса, пахта етказиб берувчига ва ўрислар ишлаб чиқарган буюмларни сотиш бозорига айланди.

1917 йилда пахта майдонлари 1908 йилдаги 244,7 минг десятинадан 425,8 минг десятинага кўпайди.

Бошқа маълумотларга кўра, улар 1914 йилда 597 минг десятина бўлиб, суғориладиган ерларнинг бешдан бирини ташкил қилган. (1-жахон уруши йиларида озик-овқат маҳсулотларининг танқислиги туфайли ғалла майдонларининг кенгайиши ҳисобига пахта майдонлари қисқарган). 1900 йилда Россия тўқимачилик саноати 16 млн. пуд, 1913-1914 йилда 27,7 млн. пуд пахта истеъмол қилган.

Биринчи жахон урушидан аввал Россия минтақалари ўртасида Туркистон ўзининг юксак товарлиги билан ажралиб турган. «Урушдан

аввалги Марказий Осиё майда хунармандчилигининг қиймати (Собик Туркистон Қозоғистонга кирган қисми қўшиб ҳисобланганда) 1941 йилда 62,7 млн рубль бўлиб маҳаллий фабрика- завод саноатнинг 28,7 фоизига тенг бўлган». Бунда Марказий Осиё фабрика- завод саноатининг маҳсулоти 218,5 млн рубль бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Ўлкага ўрис хусусий капитали кириб келиб, маҳаллий капитал билан қўшилиб кетиши пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кетиш ва саноат товарларини олиш бўйича савдо механизмини яратди. Товар алмашуви асосан асрлар давомида шаклланган, кенг ривожланган савдо шаҳобчаларига эга бўлган маҳаллий хусусий капитал қўлида жамланди.

Марказий Осиё товар асосан, истеъмол буюмлари келтириш йилдан- йилга ўсиб борди ва 1914 йилда 50,8 млн пудга, суммада эса 243,6 млн рублга етди. Бундан 235 млн рубли саноат товарларига тўғри келади. Ўлкага бошқа қўшни мамлакатлардан ҳам товарлар келтирилган, ўша йили бу мамлакатлардан 5,7 млн пуд истеъмол буюмлари келтирилган. Ўлкага келтирилган товарларнинг умумий суммаси 271,3 млн рублга баҳоланган.

Биринчи жаҳон уруши, Октябр тўнтариши, унинг оқибатида келиб чиққан фуқаролар уруши ўлканинг Россия билан ташқи савдо муносабатлари асосини барбод қилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўтказилган ишлаб чиқариш воситаларини социалистик умумлаштириш сиёсати мамлакат иқтисодий ҳаётига фожияна таъсир кўрсатди. У хўжалик эгаларини капиталидан тадбиркорлик фаолияти эркинлигидан маҳрум қилди ва товар пул муносабатларини кескин чеклаб қўйди. Аммо уларни бутунлай, айниқса Марказий Осиёда йўқ қилишга пролетариат диктатурасининг кучи етмас эди.

Социалистик режали хўжаликни шакллантириш учун фақат ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш эмас, балки уларни янги, ижтимоий мулкчилик асосида қайта тузиш лозим. Бу маълум вақт талаб қиладики, бу вақт тарихимизда ўтиш даври деб аталади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўтказилган ҳарбий коммунизм сиёсати ўзини оқламади ва тез орада В.И. Ленин ташаббуси билан янги иқтисодий сиёсат билан алмаштирилди. Совет ҳокимияти шаҳар билан қишлоқ ўртасида иқтисодий алоқаларни тиклаш, товар-пул муносабатлари асосида ишлаб чиқариш кучларини кўтаришни таъминлаш вазифасини қўйди. Бу даврда мамлакатда қатъийлик ва тезкорлик билан майда ва ўрта корхоналарни эгаларига қайтариб бериш, уларни ижарага бериш, давлат корхоналарини хўжалик ҳисобига ўтказиш, майда деҳқон хўжалиklarини кўтариш чоралари амалга оширилди. В.И.Ленин савдо қилиш ва хўжаликни юргизишга ўрганиш вазифасини қўйди. Ўзининг сиёсий васиятида у янги иқтисодий сиёсат натижаларини умумлаштириш асосида товар-пул муносабатларига асосланган бозор орқали социализм куриш мумкинлигини таъкидлади. Бу иттифокдош республикалар, мамлакат иқтисодий районлари, шу жумладан Марказий Осиё ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларини тиклаш имконини берди.

Марказий Осиё халқ хўжалигини тиклаш 1922-1923 йилда бошланди. Ўлка қишлоқ хўжалигида энг биринчи вазифа деб пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш ҳисобланди. Бунинг учун аҳолини ғалла ва ун билан таъминлаш зарур эди. Бу масала қишлоқ хўжалигининг йўналишини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Мамлакатнинг ғалла районлари озиқ-овқат солиғини тўлаш учун кузда бозорга катта ҳажмда ғалла олиб чиққанлар ғалланинг бир қисми эса баҳоргача аҳолини таъминлаган. Баҳордан ёз ойларигача-ғалла пишиб ўриб олиниш мавсумигача аҳоли унга эҳтиёж сезган. Худди мана шу даврда аҳолини ғалла билан таъминлаш деҳқонларнинг нима экишини белгилаб берган: агар ғалла тақчил бўлиб нархи кўтарилиб кетса, деҳқон ғалла эккан, агар давлат ва кооператив ташкилотлар ғалла савдосини узлуксиз таъминлаб турсалар - пахта эккан. Шундай қилиб, ўлкада пахтачиликнинг ривожланиши февралдан июнь ойигача ғалла бозорининг аҳволига боғлиқ бўлган.

Урушдан кейинги йиллардаги аҳвол қишлоқ аҳолисининг пахтачиликка қизиқишини сўндириб ғаллачиликни ривожлантиришга мажбур қиларди.

Умумий суғориладиган ерларда пахта майдонларининг салмоғи қисқариб борди ва 1924 йилда 15,8 %ни ташкил этди. Кўпчилик хўжаликлар пахта экишдан бош тортиб ғаллачиликка ўтиб кетдилар, бу эса товар-пул муносабатларини торайишига олиб келди.

Ўлкага ғалла ва ун келтириш йўлга қўйилиши натижасида аста-секин пахтачилик тикланиб, қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлиги ошди. 1924-1925 йилда Марказий Осиё қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 359,1 млн рубль, шу жумладан Ўзбекистонники 281,7 млн рублни ташкил этди. Республика қишлоқ хўжалигининг товарлик даражаси 37,1 %ни ташкил қилган. «Ўзбекистоннинг товарлик фоизини бошқа Ўрта Осиё республикаларига ёйсақ, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотининг қиймати 1925-25 йилда 137,8 млн рубль бўлади.»

8.2. Ўрта Осиёда ҳунармандчилик саноати

Марказий Осиё маҳаллий саноати 1924-25 йилда 106,8 млн рубль ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариб, шундан 88,1 млн рубллик товарлар Россияга чиқарилган, қолгани ўлка ички бозорига чиқарилган.

Ўша йилларда Марказий Осиёда истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда майда ҳунармандчилик саноати катта салмоққа эга бўлган. У ўлка шаҳарларнинг қадимдан ўзига хос ҳунармандчилик корхонаси сифатида шаклланган, бир ёки бир неча ҳунар бўйича ихтисослашган маҳаллаларда жойлашган. Ишлаб чиқарилган буюмлар устахоналар-дўконларнинг ўзида ёки бозорларда сотилган. Тошкентнинг Чорсу майдонида ҳунармандлар қўлда ясалган 143 турдаги буюмларни сотганлар.

Майда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ҳақида расмий ҳисобот юргизилмаган. 1925 йилда Ўзбекистон шаҳарларида майда ҳунармандчилик саноатининг энг муҳим тармоқлари бўйича ўтказилган кузатув

маълумотлари бор. Уларга кўра Республика майда хунармандчилик саноати 14,57 млн рубллик маҳсулот ишлаб чиқарган. Агар бу кўрсаткич шаҳарларда жон бошига 17,85 рублни ташкил қилишини ҳисобга олсак ва бу кўрсаткични Марказий Осиёга ёйсак, унда ўлкада 17,84 млн. рубллик хунармандчилик товарлари ишлаб чиқарилганлиги маълум бўлади.

Фабрика завод ва майда хунармандчилик саноатлари ўртасидаги нисбат ўзгармаган деб фараз қилсак, унда Ўрта Осиёда 1924-24 йилда 30,6 млн. рубллик майда хунармандчилик маҳсулоти ишлаб чиқарилган дейиш мумкин.⁸⁷ Шундай қилиб, Марказий Осиёнинг товар маҳсулоти 275,2 млн. рубль, жон бошига 42 рублни ташкил қилган. Бунинг маъноси шуки, «Ўрта Осиё бозорининг товарлиги умуман иттифоқ бўйича товарликдан 4 мартадан кўпроқ юқори бўлган.»

8.3.Истеъмол буюмлари таклифининг шаклланишида Россиянинг улуши

Истеъмол буюмлари таклифини шакллантиришда аввалги даврлардагидек, Россиядан товар келтириш салмоқли ўрин тутган.

1-Жадвал.

1922 - 1926 йилларда Россиядан Марказий Осиёга товар келтириш.

(млн.руб.)

Йиллар	Давлат ва кооператив савдонинг маҳсулот келтириши	Хусусий шахсларни кўшиб ҳисоблаганда маҳсулот келтиришниг умумий хажми.
1922-1923	20,9	23,0 - 27,2
1923-1924	73,4	80,7 - 95,4

1924-1925	156,5	172,2 - 203,5
1925-1926	249,8	274,9 - 324,7

Манба: Ўрта Осиё халқ хўжалиги ойномасининг 1924-1927 йиллардаги сонларида келтирилган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилган.

Жадвалга хулоса чиқаришдан аввал шунини таъкидлаш лозимки, товар келтириш ҳажми давлат ва кооператив савдо бўйича маълумотлар асосида ҳисобланган хусусий шахсларнинг товар келтириш ҳақида статистик маълумотлар йўқ, шунинг учун унинг ҳажми мутахассисларнинг баҳолаши асосида аниқланган. Н. Березовнинг фикрича ҳуқуқий шахсларнинг товар келтириши товар келтиришнинг жами ҳажмида 10-15%ни ташкил қилган.

И.Ходоровнинг баҳолашича товар келтиришнинг умумий суммасида хусусий шахсларнинг салмоғи 30%га етади.⁹⁰ Товар келтиришда хусусий шахсларнинг ҳиссасини статистик маълумотлар мавжуд бўлган айрим товарлар бўйича аниқ келтириш мумкин.

2-Жадвал.

1922-23 ва 1923-24 йилларда давлат, кооператив савдо ташкилотлари ва хусусий шахсларнинг Россиядан Марказий Осиёга тўқимачилик маҳсулотлари олиб келиши.

Йиллар	Жами	Давлат ва кооператив савдо ташкилотлари	Хусусий шахслар	Давлат ва кооператив савдо ташкилотлари. салмоғи, %да.	Хусусий шахслар салмоғи, %да
1922-23	18,4	8,7	9,7	47,3	52,7
1923-24	47,4	32,0	15,4	67,5	3,5

--	--	--	--	--	--

2-жадвалдан кўришиб турибдики, тўқимачилик маҳсулотлари келтиришда хусусий шахсларнинг ҳиссаси камаяди, аммо у 10-30 эмас, балки 32,5-52,7 %ни ташкил қилган. Бу маълумотларни ҳисобга олсак, Марказий Осиё Россиядан товар келтириш ҳажми 1-жадвалда келтирилганидан анча кўп бўлади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Марказий Осиёга кўшни мамлакатлардан товар келтириш урушдан кейинги йилларда ҳам давом этган. 1923-24 йилда (фақат 11 ой ичида) кўшни мамлакатлардан 10 млн. рубллик товар келтирилган. Товар келтиришнинг умумий суммасида 34,7% ни пахта, 27,3% ни жун, 15,7% ни қуритилган мевалар, 9,3%ни қора мол, 13% ни бошқа товарлар ташкил қилган.

Шундай қилиб, кўшни мамлакатлардан 1923-1924 йилда товар келтириш ҳақидаги маълумотларни 1924-1925 йилга ҳам мос келади деб ҳисобласак, унда 1924-25 йилда Марказий Осиёга 182,2-213,5 млн. рубл ҳажмида товар келтирилган.

8.4. Туркистон аҳолисининг истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси

Товар келтиришнинг урушгача ва урушдан кейинги даврлардаги ҳажмини таққослаганда баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиш лозим. Юқорида маълумотлари келтирилган муаллифларнинг баҳолашича бу йилларда газмолнинг баҳоси уч марта ошган. Баҳоларнинг ўсиши ҳамма товарлар бўйича юз берганки, бу рублнинг сотиб олиш қобилиятини пасайишидан далолат беради. Табиийки, бу товар келтиришнинг натурал кўрсаткичларига таъсир кўрсатган. 1923-24 йилда қанд, тўқимачилик маҳсулотлари келтириш 5 марта, идишлар ва бошқа селикат буюмлар келтириш 4 марта қисқарган

Рубл курсининг пасайиши кейинги йилларда ҳам кузатилган. 1926 йилда баҳоларнинг кўтарилиши натижасида червон рублининг сотиб олиш қобилияти 1- октябрда Тошкент шаҳри бўйича 53 тийинга, 1- декабрда эса 37 тийинга тушган.

Урушгача ва урушдан кейинги йиллардаги товар келтириш ҳажмларни таққослашни қийинлаштурувчи яна бир омил 1922-1924 йилларда ўтказилган пул ислохотидир. Шунинг учун урушдан кейинги йилларда товар келтириш ҳажмини 1914 йил билан таққослашда натурал бирликларда маълумотлар мавжуд бўлган асосий истеъмол буюмлари билан чекланиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйидаги 3-жадвалда урушгача ва урушдан кейинги йилларда асосий истеъмол буюмлари келтириш ҳажмлари яққол кўрсатилган. Товар келтириш ҳажмидан уни қўшни мамлакатларга чиқариш ҳажми айриб ташланган.

3-жадвал

1914 - 1925 йилларда Марказий Осиёга Россиядан асосий истеъмол буюмлари келтириш.

Товарларнинг номи	1914 йил	1924 - 1925 йил	1924-25 йил 1914 йилга нисбатан. %
Ғалла , минг пуд.	13200	1320	10,0
Чой, минг пуд.	280	115,6	41,3
Қанд, минг пуд	2000	1413	70,2
Газмоллар, млн. метр.	280	122	43,6
Металл буюмлари, минг пуд.	3400	1031	30,3

Аҳолини хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун Россиядан Марказий Осиёга кенг ассортиментдаги товарлар келтирилган. Улар асосан ғалла маҳсулотлари, тўқимачилик, метал, кимёвий, резина, чарм буюмлари, минерал ўғитлар, ёғоч ва қоғоздан иборат бўлган.

Урушдан кейинги йилларда товар келтириш таркиби 1914 йилга нисбатан деярли ўзгармаган. Товар келтиришнинг умумий ҳажмида тўқимачилик буюмлари 47,7, озиқ-овқат маҳсулотлари 15,1, ёқилги 12,3, ғалла 7,0, метал буюмлари 6,2, резина буюмлар 4,3, кимёвий буюмлар 3,3, бошқа товарлар 8,1 ни ташкил қилган.

Россиянинг марказий саноат райони асосий товар етказиб берувчи бўлган. Унинг ҳиссасига товар етказиб беришнинг 55%, Кавказ ортига- 13,3%, қолганлари Украинага, Россиянинг шимолий ва жануби-шарқий районларига тўғри келган.

Марказий Осиё хусусий савдогарларнинг имкониятлари ва тадбиркорлигидан кенг фойдаланиш аҳолини саноат товарлари билан таъминлашда мамлакатнинг марказий районларига нисбатан анча юқори даражага эришиш имконини берган. Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон аҳолининг сотиб олиш фондини товар билан таъминлаш даражаси умуман СССР бўйича эришилган кўрсаткичдан анча юқори бўлган. Айниқса, қишлоқ аҳолиси бўйича бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ сезиларли бўлган. Республика қишлоқ аҳолисининг сотиб олиш фондини қоплаш 63,3 %ни, СССР бўйича эса 52,5 %ни ташкил қилган.

Ўзбекистон аҳолисининг таъминлашнинг юқорилигини аҳолининг жон бошига тўғри келган товарооборот ҳажми ҳам тасдиқлаб турибди. 1924-1925 йилда Ўзбекистонда ҳар бир қишлоқ аҳолисига 5 рубль 5 тийин, СССР бўйича эса 3 рубль 72 тийинлик саноат товарларни сотилган. Бу Марказий Осиё ва Россия ўртасида товар алмашувчининг юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Мисол учун кенг истеъмол буюмларининг асосийлари бозорини кейинги параграфда чуқурроқ кўриб чиқамиз.

Умумий хулоса

Хусоса қилиб айтганда 19-асрнинг 2-ярмида Россия империясининг Туркистонни босиб олиши ўлка иқтисодиётини анча ўсишига олиб келди. Туркистон Россиянинг саноат районларига қишлоқ хўжалик хом ашёлари, айниқса, пахта етказиб берувчига ва ўрислар ишлаб чиқарган буюмларни сотиш бозорига айланди.

Марказий Осиё маҳаллий саноати 1924-25 йилда 106,8 млн рубль ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариб, шундан 88,1 млн рубллик товарлар Россияга чиқарилган, қолгани ўлка ички бозорига чиқарилган.

Қўшни мамлакатлардан 1923-1924 йилда товар келтириш ҳақидаги маълумотларни 1924-1925 йилга ҳам мос келади деб ҳисобласак, унда 1924-25 йилда Марказий Осиёга 182,2-213,5 млн. рубл ҳажмида товар келтирилган.

Назорат саволлари:

1. Ўрта осие хўжалигининг тузилиши ҳақида гапириб беринг?
2. Пахтани сотиш бўйича савдо механизми қандай бўлган?
3. Янги иқтисодиёт сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?
4. Туркистонда хунармандчилик қандай ривожланган?
5. Ўрта Осиёга тўқимачилик маҳсулотлари қаердан келтирилган?
6. XX-аср бошлариджа Ўзбекистонда аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш даражаси қандай бўлган?
7. Товар пул муносабатлари қандай амалга оширилган?
8. Истеъмол товлари таклифи деганда нимани тушунасиз?
9. Пахта савдоси ва ғалла бозори қандай ташкил этилган?
10. Маҳаллий капиталга деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар

1. Ҳулдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар

- тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.
2. Ислон Энциклопедия: А-Х: / З.Хусниддинов тахрири остида.-Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003.- 313 б
3. Йўлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.: ТДИУ, 2002. С.90
4. Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи».-Т.: ТМИ, 2001.

9. ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИ

- 9.1. Нон савдосида давлат ва кооператив савдонинг ўрни.
- 9.2. Ўлкада чой ташиш бўйича савдо йўли.
- 9.3. Тўқимачилик бозорида маҳаллий савдогарларнинг ўрни.

9.1. Нон савдосида давлат ва кооператив савдонинг ўрни.

Октябр тўнтарилишидан илгари Марказий Осиё савдо оборотида ғалла салмоқли ўрин тутган. У фақат шаҳар аҳолиси эмас, балки қишлоқ аҳолисига ҳам зарур бўлган. Ўша даврларда пахта майдонлари кенгайиб, қишлоқ аҳолиси ўзининг натурал тусини йўқота борган ва четдан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига унинг эҳтиёжи ошиб борган.

1914 йилда ўлкага Россиядан 13,2 млн. пуд, қўшни мамлакатлардан 0,7 млн. пуд ғалла келтирилган. Маҳаллий ғаллакорлар бозорга 10,7 млн. пуд ғалла чиқарган⁹⁶. Шундай қилиб, Марказий Осиё ички бозорига 24,6 млн. пуд ғалла келтирилган.

Туркистонда ғалла бозорининг ривожланиши кўпчилик фирмаларни қизиқтириб ўлкада уларнинг фаолиятини кенгайтирган. Бироқ, октябр тўнтарилишидан кейин Россия билан анъанавий савдо алоқаларининг узилиши ғалла савдосига жиддий путур етказган. Унинг устига озиқ-овқат разверсткаси хусусий шахслардан ташаббусни тортиб олиб, уларни савдодан чиқариб ташлаб, ғалла савдосини бўғиб қўйган. Бу эса аҳолини таъминотига зарар

етказган. Озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғига алмаштириш мамлакатда ғалла савдосининг тикланишига имкон яратди. 1922-1923 йилда Марказий Осиёга 1,9 млн. пуд ғалла келтирилди. Озиқ-овқат солиғи ҳисобига давлат ва кооператив савдо ташкилотлари 3,6 млн. пуд ғалла тайёрладилар, хусусий шахслар қишлоқдан 2,5 млн. пуд ғалла олиб келдилар. Шундай қилиб ички оборот ҳисобига бозорга 6,1 млн. пуд ғалла чиқарилди.

1923 йилда озиқ-овқат солиғи урнига пул солиғи жорий қилинди. Бу қишлоқ хўжалиги товарлигини ошириб, товар пул муносабатлари доирасини кенгайтди, тайёрлов ташкилотлари сонини кўпайтирди ва уларнинг фаолиятини жонлантирди. Натижада Марказий Осиёга ғалла келтириш кейинги йилларда бир неча марта ошди. 1925-26 йилда 15,5, 1926-27 йилда 26,1 млн. пуд ғалла келтирилди .

Ғалла савдосида давлат ва кооператив ташкилотлар тобора фаоллик кўрсата бошладилар. Улар аҳолини, айниқса баҳор ойларида ғалла ва ун билан таъминлашга қаратган эдилар, бироқ улар заифликлари, тижорат тадбиркорлигининг етишмаслиги туфайли ғалла бозорини тўлиқ эгаллай олмадилар. Давлат ва кооператив ташкилотлар ўз фаолиятларини ўлкага ғалла келтириш билан чеклаб қўйиб, аҳолини ғалла билан таъминлашнинг бошқа муҳим манбаи бўлган маҳаллий ғаллани тайёрлашни қўлдан чиқариб юбордилар. Шунинг учун ғалла савдосида хусусий капиталнинг иштирок этишига зарурат ва имконият туғилди. Хусусий капитал эгалари баҳор ойларида аҳолини ғалла билан таъминлашни бажонидил ўз зиммаларига олдилар, чунки бу иш уларга катта фойда келтирар ва аҳоли манфаатларига мос тушарди.

1923-24 йилда бозорга давлат ва кооператив савдоларининг таъсири кам, хусусий капиталнинг таъсири эса анча салмоқли бўлган. 1923 йилнинг баҳори ва ёзида Марказий Осиёда ғаллага талаб катта бўлиб унинг баҳоси мамлакатнинг ғалла районларига нисбатан 2-2,5 марта юқори бўлган. Ғалла

бозори бошқа районлардан ғалла келтираётган хусусий тадбиркорлар кўлида бўлган.

Июль ойининг охирида бозорга Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Қўмитасининг маҳсулотларини сотиш бўйича Бошқармаси - Уполтурксиб кириб келди, натижада ғалланинг нархи анча пасайди. Бироқ вазият ҳамон хусусий тадбиркорларнинг фойдасига хизмат қилар эди. Улар келтирилган ва маҳаллий ғалла баҳолари ўртасидаги фарқдан моҳирона фойдаландилар. Сифати юқори бўлишига қарамаздан маҳаллий ғалланинг баҳоси келтирилган ғалланинг баҳосидан паст эди, бу хусусий тадбиркорларга бозордаги рақобат курашида ўз мавқеини сақлаб туриш имконини берди.

Хусусий шахслар ёз-куз ойларида арзон ғаллани сотиб олиб, қиш- баҳор ойларида уни янчиб ун қилар эди. 1924 йилнинг октябридан 1925 йилнинг мартагача улар давлат тегирмонларида 0,9 миллион пуд ғалла янчдилар, бу янчилган ғалланинг умумий ҳажмида 29% ни ташкил қилди. Агар ғалла кўпдан кўп ҳолда хусусий тегирмонларда янчилганини ҳисобга олсак, аҳолини ун билан таъминлашда хусусий шахсларнинг салмоғи 50% га етади. Бозорда хусусий савдогарлар давлат савдосининг жиддий рақобатчилари эди. Улар маҳсус агентларга эга бўлиб, агентлар бозор конъюктурасини, ғаллани йиғиб олишнинг боришини кузатар ва тижорат тадбиркорлигини кўрсатар эдилар.

Вазиятга қараб улар тадбиркорлик фаолиятининг турли усулларида фойдаланар: ғаллакорлар билан тайёрловчилар ўртасида воситачилик қилар, ғалла, ун тайёрлар ва сотар эдилар.

9.2. Ўлкада чой ташиш бўйича савдо йўли

Марказий Осиёда энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларидан яна бири чойдир. Қадимдан Туркистонда чой савдоси билан хиндлар шуғулланишган. Ўтган асрнинг охирида уларнинг ўлка бозоридаги мавқелари анча мустаҳкамланди. Бунга Каспий орти темир йўлининг қурилиши сабаб бўлди. Аввал Ҳиндистондан Марказий Осиёга чой Афғонистон орқали келтирилган

бўлса, энди уни Эрон орқали олиб келиш имкони туғилди. Бу эса анча арзон тушар эди.

1895 йилда Чор ҳукумати Бомбейдан Батумигача товар келтиришга рухсат берди. Батумидан эса товарлар темир йўл орқали Бокуга етказиб берилар эди. Бокудан товарлар Каспий денгизи орқали Красноводскка (Туркманбоши), кейин Каспий орти темир йўли орқали Марказий Осиёнинг савдо марказларига етказиб берилар эди. Бож тўловларининг бир оз кўтарилганлигига қарамай денгиз транзитининг арзонлиги яхши фойда олиш имконини берар эди. Бу Марказий Осиё савдосида ҳинд савдогарлари фаолиятини кучайтирди. Бу вақтда Туркистонда, айниқса Бухоро хонлигида, уларнинг рақобатчилари йўқ эди. Божхона маълумотларига кўра 19-аср охири 20-аср бошларида рус савдогарлари Бухорога олиб келган чой таъми олиб келинган чойнинг умумий ҳажмида бор йўғи 5% ни ташкил қилган. Уни ҳам ўзлари аҳолига чакана сотмай, Пешаворлик савдогарларга кўтара сотиб кетганлар.

Бу даврда Туркистонда чой савдоси билан шуғулланувчи ҳинд савдогарларининг сони анча кўпайди. Улар йилдан йилга чой келтиришни кўпайтириб, маҳаллий савдогарларга узоқ муддатли кредитлар бериб Туркистон бозорини эгаллай бошладилар. Туркистонда чой савдоси шу ерда яшовчи ҳиндларнинг асосий касбига айланди. 1903 - 1926 йилларда Самарқанд ва Фарғона вилоятларига доимий яшаш учун чой сотувчи 120 ҳинд кўчиб келди. 20-аср бошида Самарқанд Марказий Осиёнинг чой сотиш марказига айланди. Ҳинд фирмалари бу ерда чой қадоқлаш фабрикалари ташкил қилиб, уларнинг маҳсулотлари билан бутун Туркистон ўлкасини таъминлай бошладилар. Марказий Осиёга чой келтиришнинг энг катта ҳажми 1913 йилда кузатилди, шу йили 720000 пуд чой келтирилди. 1912-1914 йилларда Марказий Осиёга йилига ўртача 430000 пуд чой келтириб, 240000 пуди (55,7 %) Туркистон ўлкасида 150000 пуди (35 %) Бухоро хонлигида, 40000 пуди (9,3 %) Хива хонлигида сотилди.

Биринчи жахон уруши бошланиши билан Марказий Осиёга чой келтиришда қийинчиликлар туғилди ва унинг ҳажми 280 минг пудгача қисқарди. Юзага келган шароит чойни Батуми орқали олиб келишга имкон бермас эди. Энди уни темирйўл орқали Владивостокдан Оренбургга олиб кела бошладилар. Бироқ, бунда чой келтириш муддати ва қиймати ошиб кетар эди. Натижада келтирилаётган чойнинг таннархи ва баҳоси кўтарилиб кетди. Келтирилган бир пуд қора чойга Европа таърифи бўйича 25,5 рубль, кўк чойга эса Осиё таърифи бўйича 12 рубль бож белгиланди. Марказий Осиёга келтирилаётган чойнинг 75 % кўк чой эди. Бу кўк чой савдоси учун қулай шароит яратди, унинг сотиш баҳоси озгина кўтарилди.

Биринчи жахон уруши йилларида Россияда юз берган умумий иқтисодий инқироз Марказий Осиёда чой савдоси асосларини барбод қилди. Фуқаролар уруши йилларида Марказий Осиё мамлакатнинг бошқа минтақаларидан узилиб қолди, товарлар келтириш кескин чекланди ва контрабанда йўли билан инглиз - ҳинд чойи келтирила бошланди. Чой тақчиллиги қўшни Шарқ мамлакатларида ошқора чой келтириш билан маълум даражада қопланди. 1923-1924 йилда Эрондан 242 минг рубллик чой келтирилди.¹⁰¹ Урушдан кейинги йилларда давлат ва кооператив савдо ташкилотлари Марказий Осиёга чой келтира бошладилар.

Кўриниб турибдики, урушдан кейинги йилларда Марказий Осиёга чой келтириш ниҳоятда секин тикланган. Шунга қарамай чойнинг бир қисми қўшни мамлакатларга олиб чиқилган. Масалан, 1924-25 йилда 4,4 минг пуд чой олиб чиқилган. Аҳволни яхшилаш учун 1925 йилнинг апрелида Чой Бошқармасининг Ўрта Осиё Бошқармаси ташкил қилиниб, Қўқон, Самарқанд ва Бухорода идораларнинг бўлимлари очилган.

Урушдан кейинги йилларда Марказий Осиёга чой елтириш.*

Йил	Ҳажми минг, пуд	Урушдан аввалги ўртача йиллик ҳажмига нисбатан, % да.
1922-23	3,3	0,8
1923-24	38,6	9,0
1924-25	120	27,9
1925-26	285	66,3

*манба: Бюллетень 1925, №11 ЦСУ УзССР, 33-бет

У ўлкада чой бозорини эгаллашга қаратилган эди.

1925-1926 йилда 285 минг пуд чой келтирилди, бу ҳатто аҳолининг сотиб олиш қобилияти пасайганлигини ҳисобга олганда ҳам талабни қондира олмас эди. Келтирилган чойнинг асосий қисми (80 %гача) собиқ Туркистон ўлкасининг вилоятларига тақсимланган. Бунда пинхона чой келтиришга қарши кураш чоралари кўрилаётганига қарамай, собиқ Бухоро ва Хива хонликлари худудига пинхона чой келтириш давом этаётганлиги ҳисобга олинган. Аммо у ҳам талабни қондира олмас эди. 1924 йилда Ташқи савдо 30 минг пуд чой келтиришга лицензия берди, бу иш ниҳоятда қийин кечиб, лицензиялардан тўлиқ фойдаланилмади. Шунга қарамай хусусий шахслар томонидан чой келтириш аҳолини таъминлашнинг асосий манбаи бўлиб қолди.

1924-1925 йилда Чой Бошқармасининг Ўрта Осиё идораси 84 минг пуд чой келтириб, шундан 42 минг пудини сотди. Бунинг сабаби шуки, келтирилган чой асосан қора чой бўлиб, аҳолининг айниқса жанубий вилоятлар аҳолисининг талабига мос эмас эди. Кейинчалик бу хато тузатилиб кўк чойнинг салмоғи 65 - 80% етди.

Чой бозорида хусусий савдогарларнинг ҳукмронлиги сабабларидан яна бири шундан иборат эдики, давлат ва кооператив ташкилотлар ўлкада кўтара

чой келтириш билан шуғулланиб, уни истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланмас эди. Уларнинг бу эътиборсизлигидан фойдаланиб, хусусий шахслар чойни кўтара сотиб олиб аҳолига майдалаб етказиб берар эди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш ҳажмида қанд салмоқли ўрин тутган. Биринчи жаҳон урушигача Марказий Осиёга ҳар йили 2,8 млн. пуд қанд келтириб, унинг 2 млн. пуди ички бозорда сотилган, аҳоли жон бошига 5 кг. дан қанд тўғри келган. Қанднинг қолган қисми қўшни мамлакатларга олиб чиқилган. Уруш ва тўнтариш оқибатида қанд келтириш кескин камайган. 1924-25 йилда 1,2, 1925-1926 йилда 1,7 млн. пуд қанд келтирилган.

9.3. Тўқимачилик бозорида маҳаллий савдогарларнинг ўрни

Ноозиқ-овқат товарларидан тўқимачилик буюмларида тўхталамиз, чунки у четдан келтириб, истеъмол қилинаётган буюмлар ичида энг катта самоққа эга. Дастлаб, Марказий Осиё аҳолисининг газмолга талаби пахта, жун, ипакдан кўлда тўкилган матолар ҳисобига қондирилган. Бундан ташқари тўқимачилик буюмлари озгина миқдорда Ҳиндистондан келтирилган.

Марказий Осиёга русларнинг кириб келиши билан Россиядан келтириладиган тўқимачилик буюмлари кенг тарқала бошлади. 19-аср охирида темир йўл қурилганидан кейин улар майда тўқувчилар ва инглиз буюмлари рақобатини осонлик билан енгди.

Биринчи жаҳон урушигача Марказий Осиёда тўқимачилик буюмлари савдоси яхши ривожланди. Бироқ ўлкада тўқимачилик корхоналарининг йўқлиги туфайли у бутунлай Россиядан келтиришга асосланган эди. Ўлкада тўқимачилик буюмлари келтирадиган 30 га яқин йирик фирмалар бўлган. Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарларда бу фирмаларнинг идоралари ва юк юборувчи омборлари бўлган. Улар фақат Марказий Осиёни таъминлаш билан чекланмай, газмолнинг бир қисмини Эрон, Афғонистон ва Хитойга чиқарган. Бу фирмалардан ташқари Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида йирик маҳаллий савдогарларнинг кенг тарқалган шахобчалари

бўлган. Улар тўқимачилик буюмларини бевосита Москвада сотиб олиб, кўтарасига маҳаллий савдогарларга сотган. «Бундай савдо фирмалари Тошкентда-40 гача, Қўқонда-45, Самарқандда-25, Ашхабодда-11, Бухорода-16, Олма-Отада-10та бўлиб, вилоятлар шаҳарлари бўйича жами 125та шундай фирмалар бўлган.»¹⁰² Тўқимачилик буюмлари билан майда сотувчи-келтириб берувчилар ҳам шуғулланиб, улар товарларни намуналари бўйича сотишган. Улар катта савдогарларга буюртмалар бериб, товарларни ўз дўконларида қабул қилиб олганлар. Тўқимачилик буюмлари келтириш, улар билан савдо қилишда кучли рақобат ва монархия мавжуд бўлган. Масалан, 1910-1911 йилда Фарғонада 15 млн. рубллик товар, шу жумладан 9 млн. рубллик газмол ортиқча бўлган. Рақобат ва кўплаб ортиқча товар захираларининг тўпланиб қолиши савдогарларни товарларни 12 ойгача кредитга сотишга мажбур қилган. Бунда йилига 8-12 % дисконт белгиланган.

Урушдан аввалги йилларда йилига 280 млн. метр газмол келтирилиб унинг бир қисми қўшни мамлакатларга сотилган. Урушдан кейин ўлкага газмол келтириш 1922 йилда бошланган.

5- Жадвал.

Урушдан кейинги йилларда Россиядан Марказий Осиёга тўқимачилик буюмлари келтириш.

Йил	Келтириш, млн. метр	Урушдан аввалги йилларда ўртача келтиришга нисбатан, %да.
1922-23	8,7	3,1
1923-24	32,0	11,4
1924-25	122	43,6
1925-26	182	65,0
1926-27	207	73,9

Жадвалдаги маълумотлардан урушдан кейинги йилларда Марказий Осиёга тўқимачилик буюмлари келтириш йилдан-йилга кескин кўпайиб борганлиги кўриниб турибди. Гарчи 1922-1923 йилда 8,7 млн. метр газмол (1914 йилга нисбатан 3,1 %) келтирилган бўлса ҳам кейинги йилларда газмол келтириш ҳажми бир неча марта кўпайди ва 207 млн. метрга етди. (Урушдан аввалги даражага нисбатан 73,9).

1922-1924 йилларда Марказий Осиё хўжалигини тезкор ривожлантириш даврига кирди. Бозор ишлаб чиқариш воситаларига эҳтиёж сеза бошлади. Улар ичида метал буюмларга талаб ниҳоятда катта эди. Биринчи жаҳон урушигача бундай буюмларнинг савдо марказлари Тошкент, Қўқон, Андижон, Скобелев, Марв, Чоржўй, Ашхабод ва Бухорода бўлган. Бу шаҳарларда метал буюмлар тайёрловчи ва сотувчи фирмаларнинг ваколатхоналари ва омборлари бўлган.

Марказий Осиёни бундай буюмлар билан рус ва хорижий фирмалар таъминлаган. Масалан, пахта тозалаш саноати учун жихозлар ва асбобларга эҳтиёжининг 75 фоизини “Блок” фирмаси, 25 фоизини “Шимуиск” фирмаси қондирган. Ёғ-мой саноатининг бундай буюмларга эҳтиёжини Шимуиск, Сталл ва Крупп каби хорижий фирмалар ҳамда Лесман фирмаси қондирган. Сталл фирмаси Марказий Осиёга қишлоқ хўжалик асбоблари, Продамет синдикати эса темир ва пўлат буюмлари, Слуцкий, Лесман, Бенинсон, Моржитский, Календарев фирмалари ва бутун мамлакатни электрлаштириш компанияси техник ва электр асбоблари келтирган.

Бу фирмалар ва уларнинг ваколатхоналари асосан улгуржи савдо олиб борган, заводлар базалардан товарларни доимий мижозларга, жойлардаги йирик улгуржи омборларга сотган. Савдонинг улгуржи ва ўрта бўғинлари ўлканинг метал буюмларга эҳтиёжини тўла қондирган. Бу буюмлар бозоридаги рақобат ва фирмаларнинг ихтисослашуви ўлканинг энг чекка туманлари аҳолисининг ҳам эҳтиёжини қондиришни таъминлаган. Марказий Осиёнинг шаҳарларида металл буюмлари билан улгуржи ва чакана савдо қилувчи 220 та идора бўлган. Ярим улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи савдогарлар

уларни истеъмолчиларга етказиб берган. Харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун фирма ва заводлар қишлоқма-қишлоқ юрувчи кўчма дўкондор-савдогарлардан фойдаланган. Улар бутун Марказий Осиё бўйича металл буюмлар бозорини доимо кузатиб, ўрганиб борганлар.

Биринчи жаҳон урушигача Марказий Осиёга келтирилган ишлаб чиқариш воситаларида металл буюмлар 12,8 % салмоққа эга бўлган. Уларни асосан Россиядан ва қисман қўшни мамлакатлардан олиб келишган. 1914 йилда ўлкага 3,4 млн.пуд, жами 34,8 млн. рубллик металл буюмлар келтирилган. Уларнинг 94% ни ички бозорда сотилган, қолганлари қўшни мамлакатларга олиб чиқилган.

Урушгача бозорда маҳаллий темирчилар ясовчи кетмон ўроқ, чалғи, тешагача талаб катта бўлган. Темирчиликнинг миқдосини шундан ҳам билса бўладики, йирик улгуржи савдогарлар йилига 175 минг пуд пўлат келтирган, ундан 500 минг та кетмон тайёрланган. Октябрь тўнтаришидан кейин уларга талаб 1923-24 йилдагина тиклана бошлади. Ўша йили 4,9 млн. рубллик металл буюмлар келтирилган.

6-жадвал.

1914 ва урушдан кейинги йилларда Марказий Осиёга металл ва металл буюмлар келтириш.

Йил	Келтириш, минг пуд.	1914 йилга нисбатан % да.
1914	3400	100,0
1922-1923	7,4	0,2
1923-1924	294	8,6
1924-1925	1031	30,3
1925-1926	1045	30,7

Металл буюмлар келтириш анча ошганлигига қарамай унинг даражаси 1914 йилга нисбатан бир неча марта паст эди. Бу бозорда бундай товарларнинг тақчиллигини келтириб чиқарди. Бозорда металл буюмлар тақчиллиги уларни хусусий шахслар томонидан келтирилишини тақозо этди. Бу товарлар улгуржи савдоси давлат ташкилотлари кўлда бўлса ҳам, уларнинг узоқ туманларда майда савдо шахобчалари йўқлиги туфайли металл буюмларини истеъмолчиларга етказиб бериш хусусий шахслар кўлида эди. Масалан, Уралмет товарларнинг 89,3 фоизини хусусий шахсларга сотган.

7- Жадвал.

1914 ва урушдан кейинги йилларда Марказий Осиё ички бозорида металл буюмлар сотиш.

Республикалар ва вилоятлар	Сотиш, минг рубль. 1914 йил.	Сотиш, минг рубль. 1923-24йил	1923-24 йилда 1914 йилга нисбатан %да
Сирдарё	11740	2613	22,3
Фарғона	8211	414	5,0
Туркменистон	2168	177	8,2
Самарканд	1654	354	21,2
Бухоро	2965	159	5,4
жами	26738	3711	13,9

Металл буюмлар савдосида фақат хусусий савдогарлар эмас, балки артелларнинг усталари ва майда хунармандлар ҳам иштирок этган.

Майда хунармандчилик Марказий Осиёда ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Артелларнинг усталари фақат хунармандчилик билан эмас, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш билан ҳам шуғулланишган. Қишлоқ

хўжалик маҳсулотларини тайёрловчилар чорвачилик учун зарур бўлган металл буюмлар сўраб, давлат ташкилотларига мурожаат қилишган.

Темирчи усталар, туникачилар металл буюмларни давлат ташкилотларидан ёки бозордан сотиб олиб, улар билан қишлоқ аҳолисини таъминлаганлар ёки улардан қишлоқ хўжалик асбоблари ва уй-рўзғор буюмларини таъмирлашда фойдаланганлар. Улар металл буюмларини ҳар бир истеъмолчига етказиб берувчи воситачи бўлганлар.

Марказий Осиёда истеъмол буюмлари бозори аҳолини таърифловчи маълумотларни умумлаштириш шуни кўрсатадики, уларни истеъмол даражаси гарчи Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида кекскин пасайган бўлса ҳам, янги иқтисодий сиёсат даврида анча кўтарилган ва урушдан аввалги даражага етиб қолган.

8-Жадвал.

1914-1928 йилларда Марказий Осиё аҳолисининг жон бошига асосий буюмларнинг истеъмоли.*

Истеъмол буюмлари	1914 йил	1925-1926 йил	1926-1927 йил	1927-1928 йил
Чой , кг	0,96	0,36	0,44	0,60
Шакар, кг	5,48	4,68	5,120	5,48
Газмоллар, м	33,4	23,3	26,8	27,6

1925-1928 йилларда Марказий Осиё аҳолисининг жон бошига асосий буюмлар истеъмоли даражаси муттасил кўтарилиб борган ва 1927-1928 йилда қанд бўйича ССЖИ ички савдо Халқ Комиссарлиги белгилаган меъёрга етган, газмоллар бўйича эса меъёрдан 1,8 марта ошиб кетган. Янги иқтисодий сиёсат даврининг охирларида Марказий Осиёда истеъмол буюмлари бозори

барқарорлашган. Бунда хусусий савдо катта ўрин тутган, аҳолининг истеъмол буюмлари билан таъминлашда унинг салмоғи сезиларли бўлган.

Умумий хулоса

Марказий Осиёда истеъмол буюмлари бозорини таърифлаб, қуйидаги хулосаларни таъкидлаш лозим:

1.20-асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё юксак ишлаб чиқариш қудратига эга бўлиб, 20-йилларда товарлиқ даражаси бўйича ССЖИнинг ўртача кўрсаткичларидан 4 мартадан кўпроқ юқори бўлган.

2.Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга майда хунармандчилик саноати салмоқли ҳисса қўшган, ўлкада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг чораги уни ҳиссасига тўғри келган.

3.Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда истеъмол буюмлари бозорини шакллантиришда хусусий капитал муҳим ўрин тутган. Мамлакатнинг марказий минтақаларига нисбатан Марказий Осиёда ундан кенгроқ фойдаланиш аҳолини истеъмол буюмлари билан таъминлашнинг юқорироқ даражасига эришиш имконини берган.

Назорат саволлари

1. Туркистонда ғалла бозори қандай ривожланган?
2. Ғалла савдосида хусусий капиталнинг ўрни қандай бўлган?
3. Туркистонда чой бозори қандай ташкил этилган?
4. Туркистонга чой келтириш манбааларини айтиб беринг.
- 5.Чой бозорида хусусий савдогарлар ҳукмронлигининг қандай сабаблари бор?
6. Чой ташиш қандай амалга оширилган?
7. Марказий Осиёда металл буюмлари савдоси қандай олиб борилган?
8. Тўқимачилик корхоналари қандай ташкил этилган?
9. Кўчма савдогарларни ўрни қандай бўлган?
10. Маҳаллий савдогарларни ўрни қандай бўлган?

Адабиётлар

1. История экономических учений. - Т.: Фан, 1997.
2. Ёўлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси». - Т.: ТДИУ, 2002. С.90
6. Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи». - Т.: ТМИ, 2001.

10. БОЗОРНИНГ ИЖТИМОЙИЙ ТУЗИЛИШИ.

- 10.1. Ўрта Осиёда ички савдо алоқаларининг афзалликлари.
- 10.2. Хусусий капитални бозорда сақланиши.
- 10.3. Ўрта Осиёда воситачилик оборотининг тузилиши.
- 10.4. Турғун ва кўчма савдо.

10.1. Ўрта Осиёда ички савдо алоқаларининг афзалликлари

Марказий Осиёда ички савдо алоқалари чуқур тарихий илдизларга эга бўлган. Биринчи жаҳон урушигача бу алоқалар шарқда хўжалик ва ижтимоий турмуш марказлари бўлган бозорларнинг кенг тармоғига асосланган савдо механизмини яратган.

Мамлакатнинг Марказий минтақаларида ҳарбий коммунизм йилларида совет ҳокимияти хусусий савдони чеклашга қаратилган кескин чораларни амалга оширган, натижада бозорда давлат ва кооператив савдонинг ҳукмдорлиги ўрнатилган. Яъни иқтисодий сиёсат йилларида бозорга аста-секин эҳтиёткорлик билан хусусий шахслар чиқа бошлади. Марказий Осиёда эса хусусий шахслар бозордан амалда четлаштирилмаган. Бу ерда хусусий савдо тадбиркорлик фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб, аҳоли истеъмолини қондиришнинг асосий манбаи бўлган.

Октябрь тўнтариши Марказий Осиёнинг ички савдо алоқаларига сезиларли таъсир ўтказмаган. Иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос

шаклларига эга бўлган. Марказий Осиёда хусусий капитал ўз ўрнини сақлаб қолган ва алоҳида мавқега эга бўлган.

Бу ерда у ССЖИнинг марказий минтақалардан фарқли ўлароқ ўзига хос илдишларга алоқаларга, анъаналарга, шаклларга эга бўлган. У фақат хўжалик юритишнинг янги шаклларига мослашиб олмасдан, балки ишни ташкил қилишнинг йирик битимларда тадбиркорлик кўрсатиш имконини берадиган янги шаклларига ўтди. Кўчма дўконлар ёрдамида у кўчма савдони ривожлантирди, бу эса оборотни кучайтириб, савдо миқёсини кенгайтди.

Марказий Осиё бозорида хусусий капитал ўрнини сақланиб қолишига давлат ва кооператив савдосининг сусти ривожланиши имкон берди. Умумлашган савдо бу ерда узоқ йилларгача мамлакатнинг марказий минтақаларида эришган ҳукмдорлик мавқеини эгаллай олмади.

10.2. Хусусий капитални бозорда сақланиши.

Хусусий капитал улгуржи савдони ташкил қилишда катта ўрин тутди. «Хўжалик йилининг бошида ва биринчи ярмида келтирилган товарларни кўтара тарқатишда хусусий улгуржи воситасининг ўрни катта бўлди ва унинг салмоғи 50 % дан 70 % гача ташкил қилди. Йилнинг иккинчи ярмида йирик хусусий улгуржиларга қарши эълон қилинган кураш Ўрта Осиё бозори шароитида 4-чоракдагина дастлабки натижаларни бера бошлади».

Айниқса, чакана савдода умумлашган савдо ўз ўрнини жуда секинлик билан эгаллай бошлади. Молия халқ комиссарлигининг патент статистикаси маълумотларига кўра 1923-1924 йилда жами савдо корхоналарининг 93 фоизи хусусий савдогарлар ҳиссасига тўғри келган.

1925-1926 йилда Ўрта Осиёдаги 44485 савдо корхонасидан 989 таси давлатга, 927 таси кооперативларга, қолганлари хусусий капиталга тегишли бўлган. Агар ССЖИ бўйича жами савдо корхоналарининг 18,1% давлат ва кооператив корхоналар ҳиссасига тўғри келса, Ўрта Осиёда бундай корхоналар 4,3 фоизни ташкил қилган.

Давлат энг сўнгги вақтгача бу бозор билан қизиқмаган, унда кооперациянинг ўрни эса йўқ даражада бўлган ва шундай бўлиб қолган. Бу бозорнинг ҳамма бўғинлари йирик улгуржидан тортиб, майда чаканагача хусусий, асосан маҳаллий капитал қўлида бўлган. Ўзининг тарихий анъаналари ва қатор маиший хусусиятлари билан кучли бўлган маҳаллий савдо капитали Ўрта Осиёда революция даврида иттифоқнинг бошқа худудларига нисбатан кўпроқ сақланиб қолди.

Чакана савдо, айниқса Ўрта Осиё бозорида товарларнинг асосий массаси хусусий, аниқроғи, маҳаллий савдо капитали қўлида бўлган бозор савдоси воситасида тақсимлаганлигини эсласак, сўзсиз хусусий капиталнинг ҳукмронлик соҳаси эди».

Хусусий савдо, айниқса, қишлоғида мустаҳкам мавқеига эга эди. 1924-1925 хўжалик йилида қишлоқ савдосининг ижтимоий тузилиши қуйидагича бўлган.

9-Жадвал.

1924-25 йилда ССЖИ ва Ўзбекистон бўйича қишлоқ савдоси корхоналарининг мулк шакли бўйича тузилиши, жамига нисбатан %да.

	Давлат	Кооператив	Хусусий	Жами
ССЖИ	2,1	16,0	81,9	100
Ўзбекистон	1,1	2,8	96,1	100

Жадвалда кўриниб турибдики, савдо корхонанинг умумий сониди хусусий корхоналар ССЖИ бўйича 81,9 фоизни, Ўзбекистон бўйича 96,1 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистонда давлат савдосини 1924 йил охирида тузилган «Ўзбекторг» олиб борган. 1924-1925 йил охирида унинг чакана савдо шохобчалари 350 та корхонадан иборат бўлиб, уларнинг 130 таси шаҳарларда, 220 таси

қишлоқларда жойлашган аввал хусусий капитал ҳукумрон бўлган узоқ қишлоқларда «Ўзбекторг»нинг магазин ва дўконлари пайдо бўлган. Марказий Осиёда, Ўзбекистондан ташқари, умумлашган савдони бутун иттифоқ трестлар ва синдикатларнинг 21 маҳаллий бўлимлари олиб борган. Уларни ҳисобга олганда республикада асосан йирик шаҳарларда жойлашган 1026 савдо корхонаси бўлиб уларнинг 244 таси Тошкентда, 196 таси Самарқандда, 78 таси Бухорода, 464 таси Фарғона вилоятида, 44 таси Хоразмда жойлашган. Ўзбекистон матлубот кооперациясининг 1924-1925 йилда 81 та корхонаси бўлган, 1926 йил 1 январдаги ҳолати бўйича республикада 32 та шаҳар, 88 та қишлоқ жамиятлари бўлиб, уларнинг 252 та дўкони бўлган.

Марказий Осиё аҳолига савдо хизмати кўрсатиши хусусий капиталнинг тўсиқларсиз жалб қилиниши туфайли мамлакатнинг бошқа, ҳатто марказий минтақаларга нисбатан аҳолини савдо шаҳобчалари билан таъминлашнинг юксак даражаси билан ажралиб турган. Агар иттифоқ бўйича 10 минг аҳолига қишлоқ жойларида ўртача 13,1, шаҳарларда 100-125 савдо бирлиги тўғри келса, Ўрта Осиёда 100 минг аҳолига қишлоқ жойларида 33,3, шаҳарларда 300-500 савдо бирлиги тўғри келади.

Аҳолини савдо шоҳобчалари билан таъминлашнинг юксак даражаси Ўзбекистонда ҳам кузатилган. Агар ССЖИ бўйича 250 та одамга битта савдо корхонаси тўғри келса, Ўзбекистонда 112 та одамга битта савдо корхонаси тўғри келган.

Бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ қишлоқ савдосида яна ҳам катта бўлган. Агар Ўзбекистонда битта савдо корхонаси 287 та қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатган бўлса, ССЖИ бўйича битта савдо корхонаси 801 та кишига хизмат кўрсатган.

Савдо корхоналарнинг сони асосий мақсад эмас, балки мақсадга эришиш воситасидир. Асосий мақсад товарларни сотишдир. Савдо фаолиятнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи сотиш ҳажмидир.

Марказий Осиёда давлат савдоси ташкилотлари фаолиятида товарларни режали асосида улгуржи келтириши бўйича тартибга солинган оборотнинг 92,8 фоизига тўғри келган. Давлат савдоси ўзининг халқ хўжалик вазифаларини бажаришда бозорда якка ҳоким бўлишга интилмаган, балки унга максимал таъсир ўтказиш ва стихиялик бозор жараёнлари тартибга солишга интилган. У ўзининг диққат эътиборини товар муаммосининг асосий йўналишларига туманлараро товар алмашувини йўлга қўйишига қаратган. Чунки бу вазифаларни хусусий капитал уддалай олмас эди. Давлат савдоси фаолиятининг яна бир йўналиши иттифоқдош республикалар ва хорижий, энг аввало қўшни мамлакатлар билан товар алмашувини ташкил қилиш бўлган.

10.3. Ўрта Осиёда воситачилик оборотининг тузилиши.

Марказий Осиёда деҳқон хўжаликларини тиклаш, ишлаб чиқариш кучларнинг ривожланиши ўлкада воситалик оборотнинг ривожланишига олиб келди. «Ўзбекторг» товарлар алмашуви ишларида фаол қатнашган.

Унинг фаолиятида Марказий Осиё республикаларидаги бошқа давлат савдо идоралари каби воситачилик обороти устунлик қилди.

10-жадвалдан кўриниб турибдики давлат савдо идораларининг воситачилик обороти товарларни чакана сотишга нисбатан 17,7-33,1 марта кўп бўлган.

10-Жадвал.

1924-1927 йилларда Марказий Осиё республикалари, давлат савдо идоралари чакана ва воситачилик оборотларининг нисбати.

Йил	Чакана айланмалар млн.	Воситачилик айланмалар млн.	Чакана ва воситачилик айланмаларнинг нисбати.
1924-1925	34,5	1142	33,1

1925-1926	64,6	1246	19,3
1926-1927	84,0	1486	17,7

Давлат савдо идоралари амалга оширган воситачилик оборотига қараб воситачилик савдоси асосан давлат савдоси қўлида жамланган экан, деб ўйлаш мумкин. Аммо хусусий капитал савдо фаолиятининг бу соҳасида ҳам ўз ўрнини топа билган.

11 - Жадвал.

1924-1927 йилларда Марказий Осиё воситачилик оборотларида давлат, кооператив ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг салмоғи.

Йил	Давлат ташкилотлар и	Матлубот жамиятлар	Хусусий Шахслар	Жами
1924-1925	39,9	8,4	51,7	100
1925-1926	46,0	10,1	43,9	100
1926-1927	46,4	15,0	38,6	100

1924-1925 йилда «Ўзбекторг»нинг сотиш бўйича обороти 43,6 млн. руб, матлубот жамиятларининг сотиш бўйича обороти эса 28,7 млн. рублни ташкил қилди. Республикага келтирилган 129 млн.рубллик товарларни сотишда «Ўзбекторг»нинг салмоғи 33,6 фоиз, матлубот жамиятларининг салмоғи 22,2 фоиз бўлди. «Ўзбекторг» сотиб олган товарларнинг ярмидан кўпроғини хусусий шахслар истеъмолчиларга етказиб берган.

1925-1926 йилда республика 168 млн. рубллик товар келтирди. Бироқ, уларни республика аҳолисига етказиб беришда жиддий қийинчиликлар келиб чиққан. Уларнинг сабаблари қуйидагилардан иборат эди:

1.Жойларда кенг тарқалган савдо шоҳобчаларининг йўқлиги;

2.Савдо оборотларини амалга ошириш учун айланма маблағларнинг етишмаслиги.

«Ўзбекторг»нинг айланма маблағлари 3 млн рубль эди. «Ўзбекторг»нинг ўз айланма маблағлари ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, улар трестлар, синдикатлар, банкларнинг жалб қилинган маблағларига нисбатан 17 %ни ташкил қилар эди.

Ўша йили «Ўзбекторг»га 70 млн. рубль, кооператив ташкилотларга 28 млн. рубль ҳажмда оборот режалаштирилган бўлиб, давлат ва кооператив савдоси орқали жами 98 млн. рубллик товар сотиш мўлжалланган эди. Товарларнинг катта қисмини савдо ташкилотлари нақд пулсиз сотиб олар эди, шунга қарамай қолган 52 млн. рубллик товарларни сотиб олишга маблағ йўқ эди. Бу республикага келтириладиган товарларнинг 31 фоизини ташкил қилар эди. Бу масалани ҳал қилиш учун хусусий капиталнинг кенгроқ қатнашуви зарур бўлди. Агар у бир йилда ўртача 6 марта оборот қилишини ҳисобга олсак, 52 млн рубллик товарларни сотиб олиш учун 9 млн. рублга яқин хусусий капиталга эҳтиёж туғилди.

Хусусий капиталга қўйилаётган вазифанинг муҳимлигини ҳисобга олиб, давлат уларга кредитлар ажратишга руҳсат берди, уларни ажратиш ва расмийлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф қилди. Натижада давлат ва кооператив савдо чакана оборотининг 1/3ини хусусий капитал амалга оширди.

Хусусий савдогарлар марказий трестлар ва синдикатларнинг бўлимларидан яна ҳам кўпроқ товар сотиб олдилар. Бу ташкилотлар ўлкага sanoat товарлари келтириш бўйича улгуржи оборотни ташкил қилишга қаратилган эди.

Уларнинг умумий оборотида чакана оборот бор йўғи 1,3 фоизни ташкил қилиб, чакана сотиш бўйича оборотнинг 32,2 фоизи хусусий савдогарлар, 30,4 фоизи давлат ташкилотлари, 31,4 фоизи матлубот кооперацияларига тўғри келар эди.

Давлат савдосидан сотиб олинган товарларни хусусий савдогарлар улгуржи ва чакана сотишган. Товарларни истеъмолчиларга етказиб беришда уларнинг ўрни беқиёс бўлган. Хусусий капитал шунингдек, қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи ташкилотлар ўртасида воситачи сифатида товарларни четга чиқариш бўйича улгуржи оборотларда ҳам иштирок этган. Товарларни келтириш ва четга чиқариш бўйича улгуржи оборотларда хусусий капиталнинг ўрни катта бўлган, бироқ ички чакана оборотни ташкил қилишда Марказий Осиёда у ҳукмрон мавқеига эга бўлган.

ЎзССР Молия Халқ Комиссарлиги солиқ статистикасининг маълумотларига кўра 1925-1926 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари чакана товар оборотида хусусий савдогарнинг ўрни гўшт бўйича 98,1 фоиз, сабзаотлар, мевалар ва кўкатлар бўйича 94,4 фоизни ташкил қилган. Агар мевалар оборотига ҳўл мевалар ва қуруқ мевалар киритилганлигини, давлат ва кооператив савдо ташкилотлари фақат қуруқ мевалар билан савдо қилганлигини ҳисобга олсак, шубҳасиз, шаҳар аҳолисининг сабзаотлар, кўкатлар ва ҳўл мевалар билан таъминоти 100 фоиз шаҳар атрофидаги хусусий, якка хўжаликларга қарам бўлган.

Умумий оборотда хусусий савдонинг ўрнини аниқлаш учун бутун Марказий Осиё бўйича маълумотлар йўқлиги учун айрим республикалар билан чекланишга тўғри келади. Ўзбекистонда хусусий савдо ҳақида мавжуд бўлган маълумотлар 1924-1925 йилга тегишли бўлиб, улар фақат 3та вилоятни қамраб олади. Агар бу маълумотларни шартли равишда бутун республикага хо с деб ҳисобласак, унда Ўзбекистонда хусусий капиталнинг салмоғи 64 фоизни, давлат савдосининг салмоғи 24,5 фоизни, кооператив ташкилотларнинг салмоғи 11,5 фоизни ташкил қилади. Савдо оборотини ташкил қилишда хусусий капиталнинг ҳиссаси республикада ССЖИга нисбатан 2,5 марта юқори бўлган.

Республикада хусусий капиталга янада тўлиқроқ таърифни айрим товарлар, масалан, тўқимачилик буюмлари мисолида бериш мумкин. Баъзи баҳоларга кўра, Бутуниттифоқ тўқимачилик синдикати Ўзбекистонда сотган

газмолларнинг чорагини хусусий шахслар сотиб олган. Бундан ташқари улар, давлат ва кооператив ташкилотлари газмолларнинг 40 фоизини сотиб олган. Шундай қилиб, газмоллар чакана савдосида 60-65 фоиз хусусий капитал ҳиссасига тўғри келган.

12-Жадвал.

Тошкент атрофидаги қишлоқларда тўқимачилик буюмлари сотишда хусусий савдогарларнинг салмоғи.

Савдо тури.	Дўкон сонини	Дўконларнинг умумий сонидан уларнинг салмоғи. %	Дўконлардаги газмоллар миқдори. минг. м.	Газмоллар умумий миқдоридан савдо турларининг салмоғи. %	Бир кунда сотилган газмолнинг салмоғи. минг. м.	Сотувчиларнинг умумий хажмида савдо турларининг салмоғи. %
Давлат ташкилотлари.	3	1,2	60,0	12,0	3,8	4,5
Кооператив ташкилотлари.	8	3,2	17,6	3,5	2,6	3,1
Хусусий дўконлар: турғун ва кўчма.	241	95,6	424,0	84,5	78,3	92,4
Жами:	252	100	501,6	100	84,7	100

*Манба: Ўрта Осиё халқ хўжалиги, 1925, №10-11, 40-бет.

Бутун иттифоқ савдо синдикати Ўзбекистонда ўтказилган кузатув бу ерда хусусий савдонинг салмоғи анча баланд эканлигини кўрсатди. Бу кузатув Тошкент атрофидаги қишлоқларда ўтказилган.

12-жадвалдаги маълумотлар газмоллар қишлоқ савдосида хусусий шахсларнинг юксак фаоллигини кўрсатди. Сотувларнинг умумий суммасида уларнинг ҳиссаси 92,4 фоизни ташкил қилган. Бу хулосалар фақат Тошкент атрофидаги қишлоқларга эмас, балки бутун Ўзбекистонга хосдир.

ССЖИ Ички савдо Халқ Комиссариятининг маълумотларига кўра Марказий Осиёда қишлоқ аҳолисининг саноат товарлари сотиб олиш фонди мамлакат кўрсаткичидан 35 фоизга юқори бўлган. Ўзбекистон аҳолисининг жон бошига саноат товарлари хариди ҳақидаги маълумотлар бу ҳисобларни фақат тасдиқлаб қолмасдан, балки қишлоқ аҳолисининг сотиб олиш қобилияти анча юқори бўлганлигини кўрсатади.

Қуйидаги 13-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси жон бошига ўртача 6 рубль 43 тийинлик саноат товарлари сотиб олган. Сотувларнинг амалдаги ҳажми аҳолининг сотиб олиш фондларидан 1 рубль 38 тийинга ортиқлиги сотувларни қайта (2 марталаб) ҳисоблаш оқибатида келиб чиққан.

13-жадвал.

ССЖИ ва Ўзбекистон бўйича 1925 йилда қишлоқ аҳолиси жон бошига саноат товарлари хариди, рублда.

	ССЖИ	Ўзбекистон
Давлат ташкилотларидан.	0,06	1,24
Кооперативлардан.	1,84	1,41
Хусусий шахслардан.	1,81	3,78
Жами:	3,71	6,43

Шундай қилиб, қишлоқ аҳолиси Ўзбекистонда жон бошига хусусий шахслардан 5 рубль 16 тийинлик давлат ва кооператив ташкилотлардан 1 рубль

27 тийинлик товар сотиб олган. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида товарларни чакана сотишда хусусий шахсларнинг салмоғи 80,2 фоизни, бутун мамлакат бўйича эса 48,8 фоизни ташкил қилган.

10.4. Турғун ва кўчма савдо

Хусусий капитални, хусусий савдогарларнинг тижорат тадбиркорлигини бозор савдоси мисолида янада мукамалроқ баҳолаш мумкин. Бозорларда савдо қилувчи хусусий савдогарлар доимо (турғун) савдо қилувчиларга ва кўчма савдо қилувчиларга бўлинган. Доимо савдо қилиш майда дўкондорларга хос бўлиб, кўчма савдо қилувчилар уларда ёки каттароқ хусусий компанияларда агент бўлиб хизмат қилган. Кўчма савдогарлар фақат бозор кунли савдо қилишган. Буларга ўз от аравасига эга бўлган майда сотиб олувчилар мансуб бўлган. Кўчма савдогарларнинг савдо оборотини уларнинг хўжайинлари-компания ёки майда дўкондор молиялаштирган. Агентлар савдо кунлари аҳоли яшайдиган пунктлар ва бозорларни айланиб савдо қилган, фойда хўжайин билан бўлинган. Айрим «майда дўконлар» деб аталувчи савдогарлар 6080 та агентга эга бўлган. Бу савдо ишларида ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг яширин шакли бўлиб, унда хусусий савдогарларнинг давлат ва кооператив савдоси билан рақобатда бозорда ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун тадбиркорлиги намоён бўлган.

Савдонинг бундай ташкил қилиш энг узоқ қишлоқ аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиш имконини берган. Давлат корхоналарига нисбатан хусусий савдогарнинг савдо ишларига ҳаражатлари паст бўлган. Дўконларда хўжайиннинг ўзи ёки унинг болалари, қариндошлари савдо қилишган, уларга расмий равишда ҳақ тўланмаган. Товарларни ташиш учун у ўзининг хўжалигидаги отдан фойдаланган. Агар турғун дўконлардан иборат давлат ва кооператив савдо корхоналари фақат бозор кунлари савдо қилса, хусусий савдогар ҳар кунли бозор марказида бўлган.

Кўчма савдонинг аҳамияти тўғрисида Фарғона водийсининг Асака бозори маълумотлари янада ёрқин далолат беради. Бу ерда бозор оборотидаги газмолнинг 30 фоизи, баққоллик товарларининг 60 фоизи, атторлик буюмларининг 30 фоизи, пойафзалнинг 30 фоизи кўчма савдо ҳиссасига тўғри келган.

Табиийки, хусусий савдогарларнинг товарларга қўйган нархи давлат корхоналаридан юқорироқ бўлган. Бу ўринли эди, чунки аҳоли товарларни яшаш жойида ҳарид қилар эди. Шундай қилиб, хусусий савдогарлар бозорда ўз мавқелари учун курашар, топқирлик, тадбиркорлик намоён қилганларки бу уларга аҳоли ўртасида оммабоплик келтирган.

Умумий хулоса

Марказий Осиёда бозорнинг ижтимоий тузилишини таърифловчи статистик маълумотларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларни яна бир бор таъкидлаш мумкин:

1.Ўзининг тарихий хусусиятлари, фаолиятининг ўзига хос шакллари туфайли хусусий капитал Марказий Осиёда октябрь тўнтаришидан кейин ҳам бозорда ўз мавқеини сақлаб қола олди, янги иқтисодий сиёсат даврида эса кенг тижорат фаолиятини кўрсатди.

2.Янги иқтисодий сиёсат тажрибаси хусусий секторни иқтисодий қудратидан фойдаланиш унга хўжалик ва тижорат фаолияти эркинлигини бериш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

3.Умумлашган савдо функцияларини мамлакат минтақалари ўртасида товар алмашувини ташкил қилиш билан чеклаш хусусий секторга чакана савдода ўз фаолиятини кучайтириш имконини берди ва бозорга тартибга солувчи таъсир ўтказди.

4.Чакана савдо хусусий савдогарлар ўз фаолликларини намоён қила оладиган кенг майдон бўлдики, улар умумлашган савдо ва ўз-ўзлари билан

рақобатлашиб аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг хилма-хил шаклларини ўйлаб топдилар.

Назорат саволлари

1. Ўрта Осиёда ички савдо алоқалари қандай ташкил топган?
2. Хусусий капиталнинг бозорда сақланиб қолишининг сабаблари нималардан иборат?
3. Улгуржи оборотни ташкил қилишда хусусий савдонинг ўрни қандай бўлган?
4. Чакана савдонинг ривожланишида хусусий савдонинг ўрни қандай бўлган?
5. Қишлоқ савдоси қандай тузилган?
6. Ўрта Осиёда воситачилик обороти қандай тузилган?
7. Кооператив савдо тушунчасини тушунтириб беринг?
8. Давлат савдоси қандай ташкил этилган?
9. Хусусий ва чакана савдони фарқи нимада?
10. Ўрта Осиёда корхоналар қандай ташкил этилган?

Адабиётлар

1. Ёулдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.
2. Ёулдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.: ТДИУ, 2002. С.90
3. Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи».-Т.: ТМИ, 2001.

11. ЎРТА ОСИЁДА ТОВАР БИРЖАЛАРИ.

- 11.1. Ўрта Осиёда товар биржаларининг пайдо бўлиши.
- 11.2. Товар биржаларининг вазифалари.
- 11.3. Товар биржаларининг йилдаги абортлари.

11.1. Ўрта Осиёда товар биржаларининг пайдо бўлиши.

ССЖИда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йилларида марказлашган режалаштириш хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олмаган ёки қисман қамраб олган. Бу тартибга солинган сектор билан бир қаторда ҳаракатланувчи кучи хусусий капитал бўлган тартибга солинмаган секторнинг ҳам фаолият кўрсатишига имкон яратган. Ўша даврда савдо бўйича топшириқлар иккита кўрсаткичдан иборат бўлган:

1. Минтақалар бўйича товар келтиришнинг умумий ҳажми;
2. Товарлар келтиришнинг бажарилиши мажбурий бўлган ҳажми.

Иккинчи кўрсаткич ССЖИ Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши томонидан тасдиқланган. Товар келтиришнинг режа кўрсаткичлари умумий топшириқка (1-кўрсаткичга) нисбатан 60-70 % даражада белгиланган. Масалан, 1925-1926 йилда 210 млн. рубль ҳажмда товар келтириш вазифаси қўйилган, шундан 139 млн. рубллик товар келтириш мажбурий деб белгиланган¹¹⁶. 1926-1927 йилда товарлар келтириш топшириғи 278,2 млн. рублни, шундан мажбурий режа 167 млн. рублни ташкил қилган.

Режа ва умумий топшириқ ўртасидаги бундай нисбат фақат саноат товарлари келтириш ва улгуржи савдога хос бўлган, чакана савдода эса режалаштириш миқёси яна ҳам паст бўлган. Давлат ва кооператив савдо ташкилотлари эътиборларини бажарилиши мажбурий бўлган режаларни амалга оширишга қаратганлар, товар келтириш умумий топшириғининг қолган қисми хусусий шахслар зиммасига тушган.

Марказий Осиёдан саноат товарларини истеъмолчига етказиб бериш борасидаги режалаштирилмайдиган оборот салмоғи 40 % атрофида, ССЖИ бўйича эса бу кўрсаткич 22 % бўлган. Режалаштирилмаган сектор оборотларини ташкил қилиш товар биржаларига юклатилган. ССЖИда товар биржаларининг вазифалари капиталистик мамлакатларга нисбатан бироз қисқартирилган, шунга қарамай бозорнинг тартибга солинмаган сектори мавжуд бўлган шароитда биржа воситачилигининг зарурлиги сақланиб қолган.

Биринчи жаҳон урушигача Россия империясида 77 та, янги иқтисодий сиёсат йилларида 109 та товар биржаси бўлган. Марказий Осиёда миллий чегараланишдан сўнг товар биржаларининг сони 6 тага етди. Ҳар бир республика, гарчи бунга эҳтиёж бўлмаса ҳам, ўзининг худудий биржасини ташкил этишга интилди.

11.2. Товар биржаларининг вазифалари

Товар биржаларига қуйидаги вазифалар юклатилган эди:

1. Давлат, кооператив ташкилотлари ва хусусий шахслар ўртасида йирик партиядоги товарларнинг режадан ташқари олди-сотди битимларини ташкил қилиш.

2. Аҳолини зарур товарлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида савдо операцияларига хусусий капитални максимал жалб қилиш.

3. Минтақа ва мамлакат миқёсида биржалараро оборотларни ташкил қилиш.

4. Товар ресурсларини оқилона тақсимлаш, уларни тезкорлик билан зарур жойга етказиб бериш ҳисобига баҳоларни пасайтириш, талаб ва таклиф муносиблигига эришиш.

5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, майда хунармандчилик товарлари бозорини, шунингдек савдонинг хусусий секторини эгаллаш.

6. Бозорни ўрганиш ва уни тартибга солиш.

Биржаларда баҳолар ва юк обороти ҳисоботи олиб борилган, бозор конъюктураси ўрганилган, Ўрта Осиё бозорига шарҳлар чиқарилган, доимий равишда «Биржа хабарлари» бюллетени нашр қилинган. Хўжалик йилларининг яқунлари бўйича йиллик шарҳлар тузилиб, улар йилномаларда эълон қилинган.

11.3. Товар биржаларининг йилдаги абортлари.

Товар биржалари товарларнинг ресурсларини ўрганиш ва бозор сиғимини аниқлаш бўйича доимий иш олиб борганлар. Биржаларда

товарларнинг айрим гуруҳлари: мева, хом ашё, ғалла маҳсулотлари, ўрмон маҳсулотлари бозорини ўрганиш бўйича товар секциялари ташкил қилинган. Тошкент товар биржаси меваларнинг навлари бўйича стандартлар, тери хом ашёсини қабул қилиш ва навларга ажратишнинг техникавий шартлари, ўрмон маҳсулотлари савдоси қоидаларини ишлаб чиққан, жун ва ҳўл меваларнинг навларини таърифлаб берган. Савдо биржаларида тузилган битимларнинг миқёси олиш ва сотиш бўйича оборотларда ўз аксини топган.

14-жадвал.

Марказий Осиё товар биржаларининг 1924-1925 йилдаги оборотлари.

Биржаларнинг номи	Оборот суммаси млн. рубль	Биржалар умумий оборотига нисбатан % ҳисобида
Тошкент	86,8	54,6
Бухоро	25,5	16,0
Самарқанд	18,2	11,4
Туркменистон	16,5	10,4
Фрунзе	6,2	3,9
Қўқон	5,9	3,7
Жами	159,1	100,0

Марказий Осиё товар биржалари фаолиятида биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш кўпроқ ўрин тутган. Биржадан ташқари оборот ҳажми бўйича биржа оборотларидан икки марта кўп бўлган (15 - жадвал). Бу биржаларда товарлар алмашуви бўйича воситачилик ишларининг суст бўлганлигидан далолат беради. Тошкент товар биржаси бундан мустасноки, унда биржа обороти 1924-1925 йилда 65 фоизни 1925-1926 йилда 57 фоизни ташкил қилган.

Марказий Осиё бўйича 1924 -1926 йилларда биржа ва биржадан
оборотларнинг нисбати.

Йил	Оборотлар млн. рубль Биржа	Оборотлар млн. рубль. Биржадан ташқари	Оборотлар улуши %. Биржа.	Оборотлар улуши %. Биржадан ташқари.
1924-1925	60,7	99,4	38,0	62,0
1925-1926	73,4	148,5	33,3	66,7

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, Марказий Осиё биржалари ичида энг йириги Тошкент товар биржаси бўлган. У 1925-йил 5 февралда очилган. 8 феврал Қўқон, 4 февралда Самарқанд товар биржалари очилган.

Тошкент товар биржаси фаолиятининг биринчи йилида битимлар бўйича ҳисобот олиб борилмаган, ҳисобот юрғизиш 1923 йилдан бошланган. 1923-1925 йилларда Тошкент товар биржаси оборотларининг умумий суммаси 170,8 млн. рублни ташкил қилган. Биржанинг оборотлари ойдан-ойга, йилдан-йилга ўсиб борган.

Тошкент товар биржаси оборотларининг 1922-1926 йилларда ўсиши.

Йил	Ўртача ойлик оборот млн. рубль.	1922-1923 йилга нисбатан % да.
1922-1923	860	100
1923-1924	2943	342
1924-1925	7233	842
1925-1926	10239	1190

Тошкент товар биржасида биржалараро битимлар сифатида ўлкага ғалла ва ун келтириш ва ўлкадан куруқ мевалар, хом-ашёлар олиб чиқиб кетиш битимлари қайд қилинган. Бироқ, биржалараро битимлар етарли даражада бўлмаган.

1924-1925 йилда бундай оборот биржа умумий оборотининг 0,31 фоизи ни, 1925-1926 йилда эса 2,5 фоизини ташкил қилган.

Тошкент товар биржаси бозорни барқарорлаштирувчи қатор йирик битимлар тузган. 1925 йилда Марказий Осиёда 1 пуд сўлининг баҳоси 3 сўм бўлганда, биржа сўлини Сибирдан 70 тийиндан олиб келган. 1926 йил кишида у Сибирдан ёғ олиб келган, натижада Марказий Осиёда унинг баҳоси 1/3 га пасайган.

Тошкент товар биржаси Марказий Осиёга Россиядан мажбурий режалардан ташқари олиб келинадиган саноат товарларини тарқатувчи асосий механизм бўлган. Бу товарлар ҳиссасига биржа оборотининг 75 фоизи тўғри келган. Иккинчи томондан биржа хусусий шахслар жойларда тайёрлаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўплаб, уларни сотиш бўйича улгуржи битимлар тузишга имкон яратган.

17- Жадвал.

Тошкент товар биржаси оборотининг 1924-25 йилдаги таркиби.

Товарнинг номи	Сумма млн.рубль.	Жамига нисбатан % да.
Саноат товарлари	75,7	87,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шу жумладан:	11,1	12,8
Нон маҳсулотлари	4,9	5,6
Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари	1,5	1,7
Хом-ашёлар	4,7	5,5

Жами	86,8	100,0
------	------	-------

1923-1924 йилда оборот ҳажми бўйича Тошкент товар биржаси Иттифоқда 9 ўринни эгаллаган ва кейинги йилларда ҳам бу ўринни сақлаб қолган. У маҳаллий кооперация-Турксоюз томонидан ташкил қилинган эди. Дастлаб кооператив ташкилотлар биржа фаолиятида фаол иштирок этиши мўлжалланган эди, бироқ кооператорлар унда ҳукмрон мавқеини эгаллай олмайдилар. Тез орада у халқ хўжалиги Марказий Кенгаши ихтиёрига ўтказилди ва унда хусусий шахслар ўртасида битимлар тузишга руҳсат берилди. Шундай қилиб у идоравий ташкилотдан жамоат ташкилотга айлантирилди. Натижада биржа аъзоларининг сони анча кўпайди. Агар 1922 йилнинг февраль, март ойларида 23 та аъзо бўлган бўлса, 1925 йилнинг октябрига келиб аъзолар сони 57 тага етди. Биржа қатнашчиларининг таркиби асосан хусусий шахслар ҳисобига кенгайиб улар мавқеларини аста-секин мустаҳкамлаб олдилар.

18-жадвалдаги маълумотлардан Тошкент товар биржаси оборотларида хусусий шахсларнинг мавқелари мустаҳкамланганлиги кўриниб турибди. Агар 1924-1925 йилда улар оборотнинг 17,6 %ни амалга оширган бўлса, 1925-1926 йилда уларнинг салмоғи 20,5% га етган.

18-Жадвал.

1924-26 йилларда Тошкент товар биржаси оборотларида
контрагентлар улуши.

Йил	Давлат ташкилот лари	Кооперация	Акционерлик жамиятлари	Хусу- сий шахслар	Жами
1924-1925	62,9	3,1	16,4	17,6	100
1925-1926	63,0	2,5	14,0	20,5	100

1925 йилда Москва ва Ўзбекистон товар биржаларининг сотиш буйича
оборотларида хусусий шахсларнинг улуши, % да.

Товар биржалари- нинг номи.	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август
Тошкент	27	14	36	26	25
Самарканд	47	67	64	46	37
Кукон	48	62	52	54	43
Бухоро	-	52	75	63	-
Москва	7,3	10,7	7,5	-	-

Биржа битимларида хусусий шахсларнинг фаоллиги ойлар бўйича бир хил бўлмаган. Товар биржаларининг оборотлари бўйича абсолют кўрсаткичларнинг йўқлиги туфайли биржаларнинг оборотларида хусусий шахсларнинг улушини ойлар бўйича аниқлашнинг иложи йўқ. Бироқ, айрим ойлар бўйича маълумотлар уларнинг салмоғи 50-75 %гача етганини кўрсатади. Таққослаш учун 19-жадвалда Москва биржасининг маълумотлари келтирилган. У ерда хусусий шахсларнинг сотиш бўйича оборотларидаги салмоғи 7,3-10,7 фоизни ташкил қилган. Шуниси диққатга сазоворки, кўрсатилган ойларда сотиш бўйича битимлар тузишда фаоллик кўрсатишган. Давлат ва кооператив савдолари бозор эҳтиёжини тўлиқ қондира олмаслиги шароитида чиқса, алоҳида аҳамият касб этади. Мавжуд бўлган маълумотларга кўра хусусий савдо сотувчи эмас, кўпроқ олувчи сифатида бозорга чиққан. Масалан, Тошкент биржасида хусусий шахсларнинг ғалла умумий оборотида сотиш бўйича улуши 14,5 фоизни, олиш бўйича эса улуши 98,4 фоизни ташкил қилган. Бунинг боиси шуки, улар давлат ташкилотларидан ғалла сотиб олиб, тегирмонларда янчиб, унни нонвойларга сотишган.

Қўқон биржасида эса хусусий шахсларнинг ғаллани сотиш ва олиш оборотларидаги салмоқлари деярли бир хил бўлган. Бунинг сабаби шуки, Қўқонда бир неча ой давомида ғалланинг баҳоси Марказий Осиёнинг бошқа районларига нисбатан баланд бўлган. Шунинг учун хусусий шахслар учун маҳаллий ғаллани сотиб олиш эмас, балки Марказий Осиёнинг бошқа районларидан ғаллани арзон баҳода сотиб олиб Қўқонда юқори баҳода сотиш фойдали бўлган.

20-Жадвал.

Қўқон товар биржасининг 1924 йил 1-чи чорагида ғалла бўйича оборотларининг ижтимоий тузилиши.

Контрагентлар	Сотиш буйича оборотлар млн. руб.	Сотиш буйича оборотлар салмоғи	Олиш буйича оборотлар млн. руб.	Олиш буйича оборотлар салмоғи.	Умумий оборот. млн. руб	Умумий оборот салмоғи.
Давлат ташкилотлари.	26,7	48,7	10,2	18,3	36,9	33,5
Кооперация	4,2	7,3	20,1	36,7	24,3	22,2
Хусусий шахслар.	24,0	44,0	24,7	45,0	48,7	44,3
Жами.	54,9	100,0	55,0	100,0	109,9	100,0

20-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики хусусий шахсларнинг ғаллани сотиш ва олиш оборотларидаги улуши деярли баробар бўлган. Чунки Қўқон биржасида ғаллани олиш ҳам сотиш ҳам уларга фойда келтирган. Шундай қилиб, Марказий Осиё товар биржаларининг оборотларида

хусусий шахслар мамлакатнинг марказий районлари биржаларига нисбатан салмоқли ўрин тутган.

Умумий хулоса

Марказий Осиё товар биржалари тажрибаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1.Товар биржалари товар алмашувининг ўзаро фойдага қурилган, товар ресурсларини маъмурий йўл билан тақсимланишини истисно қилувчи асосий воситадир.

2.Биржа савдоси бозорни тартибга солиш ва тақчиллигини бартараф этиш механизми сифатида фаолият кўрсатган.

3.Минтақалар ўртасидаги биржалараро оборотлар нархларни пасайтиришга ва харидорлар талабини бир текисда қониқтиришга хизмат қилган.

4.Товар биржаларида давлат ва кооператив ташкилотлари билан бирга хусусий шахслар ҳам қатнашган. Ўрта Осиё товар биржаларида уларнинг салмоғи Марказий биржаларга нисбатан анча юқори бўлган.

Назорат саволлари

1. Улгуржи оборотнинг қандай турларини биласиз?
2. Ўрта Осиёда товар биржалари қачон пайдо бўлган?
3. Товар биржаларининг вазифалари нималардан иборат?
4. Товар биржасининг қандай турлари бор?
5. Биржа оборотида хусусий савдо қандай роль ўйнаган?

Адабиётлар

- 1.Агафоноф С. Мудрый чиновник в рыночной экономике, Известия, 1997.
- 3.Йулдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.

4. Йўлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.: ТДИУ, 2002. С.90

12. ЎРТА ОСИЁДА ТОВАР ЯРМАРКАЛАРИ.

12.1. Ўрта Осиёда ярмарка савдосининг тарихий илдизлари.

12.2. Ўлканинг ташқи савдосида ярмаркаларнинг ўрни.

12.3. Ярмарка турлари.

12.1. Ўрта Осиёда ярмарка савдосининг тарихий илдизлари

Марказий Осиёда савдонинг анъанавий шаклларида бири ярмаркалар бўлган. Марказий Осиёнинг ўтроқ-деҳқонлар яшайдиган аҳоли зич жойларида савдонинг асосий шакли бозор бўлган, кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган чорвадорлар яшайдиган жойларда эса савдонинг анъанавий шакли ярмарка бўлган. Савдонинг бундай шакли Қозоғистон ва Қирғизистонга хос бўлган. Туркистон, Семиполатинск, Оқмола вилоятлари худудида революцияга қадар 450 та ярмарка бўлган.

Ярмаркалар кўшни мамлакатлар билан товар алмашувини ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлган. Улар давлат чегараларини билмаган, уларга кўшни мамлакатлардан савдогарлар тўпланишган. Марказий Осиё хўжалик ҳаётида 1914-1922 йилларда юз берган ўзгаришлар ярмаркаларга, айниқса давлатлараро аҳамиятга эга бўлган ярмаркаларга салбий таъсир кўрсатган. 1916 йилдан ярмаркалар амалда ишламай қўйган.

Молларни оммавий равишда Хитойга ҳайдаб кетиш, кўчиб ўтишнинг анъанавий цикллари бузилиши, мамлакатдаги товар тақчиллиги бунга сабаб бўлган. Натижада ярмаркаларнинг фаолиятига эҳтиёж қолмаган.

Янги иқтисодий сиёсат йилларида ярмаркалар стихияли равишда тиклана бошлади. Бу йилларда аҳолининг ўз хўжалигини тиклаб олиши ортиқча товар товар пайдо бўлиши, уларнинг алмаштиришга зарурат туғилиши бунга сабаб бўлган. Кўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларининг тикланишига расмий қоидалар тўсқинлик қилар эди, ярмаркалар эса бу масалани стихияли

равишда ҳал қилиб берарди. Шунинг учун янги иқтисодий сиёсат йилларида ярмаркаларнинг тикланиши ўлка иқтисодиётини кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

12.2. Ўлканинг ташқи савдосида ярмаркаларнинг ўрни

Марказий Осиё ҳудудида ва унга ёндош районларда иш олиб борган ярмаркаларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Чуқур тарихий илдизларга эга бўлган ярмаркалар. Буларга Марказий Осиё ва Россия ўртасида натурал алмашув маркази сифатида 1643 йилда вужудга келган Ирбит ярмаркаси киради. У давлатлараро савдо муносабатларини ташкил қилишнинг 3 асрлик тажрибасига эга бўлган. 20 аср бошларига келиб у Ғарбий Сибирга товарлар келтириш бўйича улгуржитаксимот пунктига айланган. Ярмарканинг тақсимий обороти 30 млн. рублга етиб, унинг 3/4 қисми Марказий Осиёга Россиядан, 1/4 қисми эса Сибирдан келтириляётган товарларга тўғри келган.

Марказий Осиёдаги тарихий ярмаркалар қаторига Бухоро ярмаркаси ҳам киради. У Наврўз муносабати билан ўтказиладиган халқ сайллари даврида фаолият кўрсатган. Ярмаркада асосан қорақўл терилари савдо қилинган.

2. 19-аср охири 20-аср бошларида пайдо бўлган ярмаркалар. Булар янги иқтисодий сиёсат йилларида Марказий Осиёнинг кўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларининг тикланиши ва кенгайиши натижасида ташкил топган.

Бу ярмаркаларнинг ичида энг йириги Каркара ярмаркаси бўлган. Минглаб чорва моллари боқиладиган тоғ ўтлоқлари ўртасида жойлашган. Приживальск атрофида ўтказиладиган бу ярмарка Марказий Осиёнинг Ғарбий Хитой билан ташқи савдосида беқиёс аҳамият касб этган.

Каркара ярмаркаси ҳар йили 15 июндан 15 августгача ўтказилган. Ярмарканинг обороти 1893 йилда 350 минг рубль бўлган бўлса, 1908 йилда 2 млн. рублга ётган. 1916 йилдан 1923 йилгача ярмарка ишламаган. 1923 йилда ярмарканинг обороти бор йўғи 40 минг рублни ташкил қилган.

1924 йилда Каркара ярмарка мавсуми муваффақиятли ўтиб, унинг обороти 417 минг рублга етган. Бироқ, савдо битимлари фақат хусусий шахслар ўртасида тузилган, чунки унда давлат ва кооператив ташкилотлари қатнашмаган.

Каркарадаги ярмарка мавсумининг 1924 йилдаги тажрибаси оборотларни кўпайтиришнинг ҳамма имкониятларидан фойдаланилмаганлигини кўрсатди. Ярмарка оборотларга Хитой чегарасининг ёпиқлиги, қатнашчиларни солиққа тортишда имтиёзлар йўқлиги салбий таъсир кўрсатди. Ана шуларни ҳисобга олиб РСФСР иқтисодий кенгаши Хитой чегарасида товарларни бож ва лицензия тўловларисиз олиб келишга ва олиб кетишга руҳсат берди, Каркарадаги ярмарка савдосининг солиқларнинг барча турларидан озод қилди, ярмаркага юкларни олиб келиш учун белгиланган темир йўл таърифларига ва уларни давлат суғуртасига 20 фоиз чегирма белгиланди.

Натижада 1925 йилда ярмарканинг обороти ўтган йилга нисбатан 2,2 марта ошди. Давлат ва кооператив ташкилотлари контрагентлар сифатида сезиларли фаоллик кўрсатдилар. Бироқ ярмаркадаги талаб таклифдан кам эди. Таклиф қилинган 443 минг рубллик саноат товарларидан 380 минг рубллиги, ҳайдаб келинган 915 минг рубллик чорванинг 500 минг рубллиги сотилди. Ярмарканинг умумий обороти 916 минг рублни ташкил қилди.

1926 йилда Каркара ярмаркасининг обороти 3328 минг рублга етди. Ярмарка оборотининг таркиби 21- жадвалда берилган.

Каркара ярмаркаси Хитой билан чегара олди савдосининг асосий пункти бўлган. Унда Марказий Осиёда давлат ташкилотлари олиб келган саноат товарлари Хитой савдогарлари ҳайдаб келган чорвага алмаштирилган.

Каркара ярмаркасининг 1926 йилдаги обороти таркиби.

Товарларнинг номи	Оборотлар млн. рубл.	Жамига нисбатан % да.
Саноат товарлари	1494	44,9
Чорва	1161	35,0
Мўйна, чорва хом ашёси	670	20,1
Жами.	3328	100,0

Ярмаркага олиб келинган саноат товарларининг 91 фоизи давлат ташкилотларига 9 фоизи хусусий шахсларга тегишли бўлган. Ярмаркада чорва моллари сотиб олиш оборотнинг 73,2 фоизи хусусий савдогарлар, 26,8 фоизи давлат ва кооператив тайёрлов ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган. Ярмаркада чорва моллари сотиш оборотининг асосий қисми Хитой савдогарларига тегишли бўлган. Улар 632,6 минг рубллик чорва сотган, бу чорва бўйича жами оборотнинг 54,2 фоизни ташкил қилган.

Ярмарка оборотида чорва хом ашёси ва мўйна салмоқли ўрин тутган. Уларнинг обороти 670 минг рубль бўлган. Бироқ ўша йили ҳам оборотларни кўпайтиришнинг барча имкониятлари ишга солинмаган: чегара очилишини узоқ кутган Хитой савдогарлари ярмаркада иштирок этишдан бош тортганлар;

15 июлдагина Хитой савдогарлари 1 млн. рубллик чорва ҳайдаб келиб, қулай савдо қилиш учун Фарғонага келишга руҳсат сўраганлар. Руҳсат ололмагач улар чорванинг бир қисмини хусусий савдогарларига, бир қисмини Казмясопродуктга сотган, у эса Фарғонага сотган. Шундай қилиб, Хитой савдогарлари чорвани воситачиларга сотишга мажбур бўлган, натижада бевосита истеъмолчи-Фарғона деҳқонларига чорва юқори нархларда етказиб берилган.

12.3. Ярмарка турлари

Янги иқтисодий сиёсат йилларида тикланган ярмаркаларга У йил ярмаркаси киради. У Оқтепа губерниясида йилига 2 марта - баҳор ва кузда ўтказилган. Бу ярмаркада собиқ Сирдарё ва Фарғона вилоятларининг савдогарлари қатнашган. Саноат товарлари, чорва, қишлоқ хўжалик хом ашёлари ва ғалла ярмарканинг асосий алмашув буюмлари бўлган. Энг катта оборот 1898 йилда кузатилган ва 4924 минг рублни ташкил қилган.

Оқтепа вилояти Темир шахрида ўтказилган Темир ярмаркаси ҳам шу гуруҳга киради. Унда ҳам саноат товарлари, чорва, қишлоқ хўжалик хом ашёлари ва ғалла билан савдо қилинган. Ярмарканинг урушдан кейинги йилларидаги сотиш бўйича оборотида давлат ташкилотлари 56 фоиз, кооператив ташкилотлар 20 фоиз, хусусий шахслар 24 фоиз, сотиб олиш оборотларида эса мос равишда 11, 17, 72 фоиз салмоққа эга бўлган. 1924-1925 йил оборотини асосан ғалла ташкил қилган.

Авлиё Ота ярмаркаси ҳам 1924 йилда тикланган. Унда Фарғона водийсининг савдогарлари савдо қилган. 1914 йилда бу ярмакада Хитой савдогарлари 1,5 минг бош йилқи, 8,5 минг бош қорамол, 225 минг бош қўй сотишган. 1923-1926 йилларда ярмарканинг обороти 10 марта ошган.

Тошкент улгуржи ташкилотларининг энг оммабоп ярмаркаси Фрунзеда (ҳозирги Бишкек) бўлган. Бу ярмарка аҳоли зич яшайдиган жойда 1907 йилда ташкил топган. Бу ярмарка орқали Тошкент улгуржи савдо ташкилотлари давлат ва кооператив ташкилотлари томонидан ўта қоникарсиз таъминладиган Фрунзе ва Олма-ота районларини саноат товарлари билан таъминлаган.

Қашқар чегарасида жойлашган Норин ярмаркаси ҳам халқ ичида машҳур бўлган. Ғарбий Хитой билан чегара олди савдосини кенгайтириш мақсадида у 1926 йилда қайта тикланган.

Юқорида санаб ўтилган ярмакалар аҳоли, қўшни мамлакат савдогарлари орасида машҳур бўлиб, оборотлари йилдан-йилга ошиб борган.

Марказий Осиё ярмаркаларининг 1911 йилдаги ва урушдан кейинги йиллардаги оборотлари. (минг рублда).

Ярмарканинг номи	1911 йил	1924 йил	1925 йил	1925 йилда 1924 йилга нисбатан % да.
Авлиё ота	6813,5	191	438	229,3
Уйил	2895	681	1264	185,6
Темир	3325	875	2373	271,2

22-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики уларнинг обороти 1926 йилда аввалги йилга нисбатан 2-3 марта кўпайган. Ўсишнинг бундай суръатлари урушдан аввалги йиллар даражасига етиб олиши учун етарли бўлган.

Марказий Осиёда хўжалик юксалиши йилларида ташкил топган ярмаркалар. Булар ичида 1925 йилда ташкил топган Қизил ўрда ярмаркаси энг йирик бўлган. У Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида товар алмашув пункти сифатида пайдо бўлган. Ярмарканинг Ўзбекистонга яқинлиги чорва билан шуғулланувчи савдогарларни ўзига тортган. 1926 йилда унда Тошкентдан давлат ва кооператив ташкилотлар, хусусий шахслар катнашган. Давлат ташкилотлари ярмаркада саноат товарлари сотган, кооператив ташкилотлар ва хусусий шахслар эса чорва ва чорвачилик хом ашёларини сотиб олган.

Норин дарёсининг ирмоғи Сувсамир дарёсининг қирғоғида 1924 йилда ташкил топган. Сувсамир савдоси ҳам ярмаркаларнинг шу гуруҳига киради. У Александр ва Фарғона тоғ тизмалари орасидаги аҳоли зич яшайдиган водийда жойлашган. Ярмарканинг пайдо бўлишини объектив зарурат тақозо этган. Ярмарканинг фаолият районида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилмаган, бозорлар ҳам бўлмаган. Аввал стихияли равишда пайдо бўлган Сувсамир савдоси кейинчалик Фарғона водийсининг савдогарлари ўртасида

машхур бўлиб кетган. Улар маҳаллий аҳолини саноат товарлари билан таъминлаганлар ва чорва, мўйна бошқа хом ашёлар сотиб олганлар.

Умумий хулоса

Марказий Осиё товар биржалари ва ярмаркалари тажрибаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ярмаркалар шаҳар билан қишлоқ, шунингдек қўшни мамлакатлар билан товар алмашувининг анъанавий шакли бўлган. Улар халқаро савдони ривожлантиришга ва мамлакатлар ўртасида хўжалик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

2. Кўп шакллик турмуш анъаналарига эга бўлган Марказий Осиё шароитида ярмаркалар аҳоли ўртасида беқиёс даражада машхур бўлган.

3. Ярмаркаларнинг оборотида хусусий савдогарлар, қўшни мамлакат савдогарлари фаол иштирок этганки, бу аҳолининг тижоратчилик малакаси шаклланишига имкон яратган.

Назорат саволлари:

1. Ўрта Осиёда ярмаркалар қачон тузилган?
2. Ярмаркалар қандай ташкил этилган?
3. Ички савдода ярмаркаларнинг қандай аҳамияти бор?
4. Ташқи савдода ярмаркаларнинг қандай аҳамияти бор?
5. Қандай ярмака турларини биласиз?
6. Савдо алоқалари қандай ташкил этилган?
7. Бухоро ва қарқара ярмаркаси қандай ташкил этилган?
8. Темир ва норин ярмаркаси қандай ташкил этилган?
9. Ярмаркаларнинг тарихини гапириб беринг?
10. XX-аср бошида пайдо бўлган ярмаркаларнинг асосий белгилари нималардан иборат?

Адабиётлар

1. История экономических учений. - Т.: Фан, 1997.
- 2.Йулдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.
- 3.Йулдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.: ТДИУ, 2002. С.90
- 4.Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи».-Т.: ТМИ, 2001.

13. ЎРТА ОСИЁДА ТАШҚИ САВДО.

- 13.1.Ўрта Осиёдаги ташқи савдонинг умумий ҳолати.
- 13.2.Ташқи савдо оборотларинг турлари.
- 13.3.Ўрта Осиёнинг Эрон билан савдо айланмалари.
- 13.4.Ўрта Осиёнинг Хитой билан савдо айланмалари.
- 13.5.Ўрта Осиёнинг Афғонистон билан савдо айланмалари.

13.1. Ўрта Осиёдаги ташқи савдонинг умумий ҳолати

Марказий Осиёда Чор Россиясининг саноат районлари мухтож бўлган пахта ва бошқа хом ашёлар етиштиришга ихтисослашган қишлоқ хўжалигининг юксак товарлиги, шунингдек, турли хил уй-рўзгор буюмларини хунармандчилик ишлаб чиқариши ўлканинг фаол ташқи савдо муносабатлари олиб боришига имкон яратган. Биринчи жаҳон урушининг дастлабки йилида Марказий Осиёдан 301,6 млн рубллик товар олиб кетилиб, 271,3 млн рублли товар келтирилган. Ташқи савдонинг умумий обороти 572,9 млн рублни Марказий Осиё аҳолисининг жон бошига 71,5рублни ташкил қилган. Бутун Россия бўйича эса аҳолининг жон бошига ташқи савдо обороти 15,2 рубль бўлган. Шундай қилиб профессор Г.Н. Чердансевнинг ҳисобларига кўра аҳолининг жон бошига ташқи савдо обороти бўйича Марказий Осий бутун Россиядан 5 марта устун бўлган.

Марказий Осиё Россия ва қўшни Шарқ мамлакатлари билан савдо муносабатлари олиб борган. Ўлка ташқи савдо оборотининг 84,0% Россияга тўғри келган. 1914 йилда Россияга 269,0 млн рубллик 32,9 млн пуд товар олиб чиқиб кетилган. Булар рус бозорида талаб катта бўлган пахта, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик маҳсулотларидан иборат бўлган. Олиб кетилган товарлар суммасида пахта салмоқли ўрин тутган. Унинг салмоғи 79,0% бўлган. Ўша йили 213,3 млн рубллик 16,6 млн пуд пахта олиб чиқиб кетилган.

13.2. Ташқи савдо оборотларинг турлари

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Россияга АҚШдан пахта олиб келиш имкониятлари қисқарди. Бу Марказий Осиёдан пахта олиб келишни кўпайтиришни тақозо этди. Марказий Осиёнинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи савдоси 3 хил оборотдан иборат бўлган:

- 1.Ўз ресурсларини сотиш бўйича оборот;
- 2.Бу мамлакатлардан товарлар келтириш обороти;
- 3.Россия ва қўшни мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдо операцияларида воситачилик обороти.

Транзит савдода воситачилик обороти қуйидаги йўналишларда олиб борилган:

- 1.Шимолий Шарқий Эрон билан;
- 2.Афғонистон билан;
- 3.Қашқар билан;
- 4.Гунжа билан.

Бу йўналишлар бўйича Марказий Осиёнинг ташқи савдо обороти 1914 йилда 90,3 млн рубль жумладан, олиб чиқиш бўйича 32,6 келтириш бўйича 57,7 млн. рублни ташкил қилди. Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан транзит савдосида Марказий Осиёнинг воситачилик обороти урушдан олдинги йилларда юксак даражага етди. Уруш йилларида Россия саноатининг хом

ашёларга эҳтиёжи ошиши натижасида бу мамлакатлардан товар келтириш янада кучайди, бироқ бу мамлакатларга товар чиқариш қисқарди.

Ички бозорни таъминлаш мақсадида Чор ҳукумати 1915 йилда четга ун, қанд, газмол, металл буюмлар, идишлар ва гугурт чиқаришни таъқиқлаб қўйди. Кейинроқ Марказий Осиёга Россиядан саноат товарлари келтириш ҳам тўхтатилди. Бу ўлкада товар тақчиллигига олиб келди. Марказий Осиёнинг Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларининг тўхтатилиши бу мамлакатлар хўжалик ҳаётида жиддий қийинчиликларга олиб келди, чунки улар товарларни бошқа мамлакатларга олиб чиқиш имконияти йўқлиги туфайли Марказий Осиё бозорига йўналтирилган эди.

Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлар билан савдо муносабатларидаги ўзгаришлар чегарада контрабанда савдоси ва олиб сотарчиликка олиб келди. Агар октябрь тўнтаришигача Марказий Осиёдан товарлар контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилиши кузатилган бўлса, энди унинг тескариси бўлди-қўшни мамлакатлардан Марказий Осиёга товарлар контрабанда йўли билан олиб келина бошланди.

Халқаро савдо шартномаларининг йўқлиги, чегарадаги савдо монархияси Марказий Осиёнинг қўшни Шарқ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини бузилишига олиб келди. 1918-1922 йилларда товарлар келтириш ҳажми 1913 йил даражасига нисбатан бор-йўғи 1,4-11,3 %ни, товар келтириш ҳажми эса 1,3-8,4 % ни ташкил қилди.

23-жадвал.

1918-1922 йилларда Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлар билан савдо оборотлари.

Йил	Олиб кетиш минг. пуд	Олиб келиш минг. пуд	1913 йилга нисбатан % да олиб кетиш	1913 йилга нисбатан % да олиб келиш
1918	44,4	299,0	1,4	3,8

119	353,1	156,8	11,3	8,4
1920	97,5	103,1	3,1	1,3
1921	136,4	457,8	4,4	5,9
1922	146,3	315,9	4,7	4,0

Уруш ва октябрь тўнтаришидан кейин 1922 йилдан Марказий Осиёнинг Шарқдаги қўшни мамлакатлар билан ташқи савдо муносабатлари аста-секин тиклана бошланди.

24-жадвал.

1922-1927 йилларда Марказий Осиёнинг
ташқи савдо обороти.

Йил	Россия билан.	Қўшни мамлакатлар билан.	Жами
1922-1923	45,1	4,01	49,1
1923-1924	146,0	10,2	156,2
1924-1925	268,7	21,6	290,3
1925-1926	444,9	36,6	481,5
1926-1927	491,1	32,8	523,9

24-жадвалда Марказий Осиё ташқи савдо оборотларининг хўжаликни тиклаш йилларидаги ўсиши кўрсатилган. Бу йилларда улар ўн мартадан кўпроқ ўсган. Марказий Осиё аҳолисининг жон бошига ташқи савдо обороти 1924-1925 йилда 35,7, 1926-1927 йилда 80 рублни ташкил қилган.

Ўлканинг иқтисодий ривожланиши учун Россия билан савдо алоқаларининг тикланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этган. У ҳар иккала томон манфаатларига мос келар эди, чунки Россия саноати пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёж сезаётган эди. Агар 1922-1923 йилда Марказий

Осиёнинг Россия билан ташқи савдо обороти 1914 йилга нисбатан бор-йўғи 9,3 % ни ташкил қилган бўлса, 1926-1927 йилда ундан 1,8 %га ошиб кетди.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати унинг четга товар чиқариш имкониятларида намоён бўлади. Марказий Осиёда четга чиқарилган товарларнинг умумий суммаси 1922-1926 йилда 26.6 млн. рублни ташкил қилди бу урушдан аввалги даражага нисбатан 8.8 % га тенг эди.

1922-1927 йилларда у 8,4 марта ўсди, бироқ бу жами ташқи савдо оборотининг ўсиш суръатларидан пастроқ эди. Аммо бу товарлар олиб чиқиб кетишнинг жами оборотини акс эттирмайди. Маълумки, хусусий шахслар фақат товар олиб келишда эмас, балки товар олиб чиқиб кетишда ҳам иштирок этганлар. Бу операцияларда уларнинг салмоғи ҳисобга олинган оборотнинг 10-30 фоизини ташкил қилган. Хусусий шахслар томонидан Россияга товар олиб чиқиб кетишнинг ўсиши 25-жадвалда келтирилган.

25-жадвал.

1922-1927 йилларда Россияга товар олиб чиқиш. Млн. рублда.

Йил	Давлат ва кооператив ташкилотлар.	Хусусий шахслар.	Жами
1922-1923	24,2	2,4-7,2	26,6-31,4
1923-1924	72,6	7,3-21,9	79,9-94,5
1924-1925	112,2	11,2-33,6	123,4-145,8
1925-1926	195,1	19,6-58,5	214,6-253,6
1926-1927	206,1	20,6 -61,8	226,7-267,9

1922-1923 йилда давлат ва кооператив ташкилотлари Россияга 24,2 млн. рубллик товар олиб чиққан, бу урушдан аввалги даражага нисбатан 9,0 %ни ташкил қилган. 1922-1927 йилларда товар олиб кетиш 8,5 марта ўсган, хусусий шахслар ҳиссаси кўшиб ҳисобланса 1926/1927 йилда 1914 йил даражасига етган.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, урушдан аввалги ташқи савдо оборотлари олтин, урушдан кейинги оборотлари эса червон рублларда берилган. Урушдан аввалги ва урушдан кейинги оборотларни таққослаш натижаларига бу омил таъсир кўрсатмаслиги учун Россияга товар чиқариш оборотларини натурал кўрсаткичларда кўриб чиқамиз.

Қуйидаги (26-жадвалда) Марказий Осиёдан Россияга асосий товарларни олиб чиқиш ҳажми бир неча марта қисқарганлиги яққол кўрсатилган. Товар олиб чиқиш 1922-1926 йилларда аста-секин ўсганига қарамай унинг ҳажми урушдан аввалги даражага етмади. 1925-1926 йилда 1914 йилга нисбатан пахта олиб чиқиш 54,2; хўл мева олиб чиқиш 55,2; пилла ва ипак хом-ашё олиб чиқиш 49,4; қорақўл олиб чиқиш 56,3 %ни ташкил қилди. Фақат куруқ мева олиб чиқиш бундан мустасно бўлиб, унинг ҳажми урушдан аввалги даражадан 12,9 %га ошиб кетган.

26-жадвал

1914-1926 йилларда Россияга товар олиб чиқиш.

Товарлар.	1914 йил.	1922/23 й.	1923/24 й.	1924/25 й.	1925/26 й.
Пахта, минг пуд.	16600	1606	2929	4715	9000
Куруқ мевалар, минг пуд.	1709	132	427	1051	1930
Хўл мевалар, минг пуд.	905	-	19,4	17,0	500
Пилла ва ипак хом-ашёси, минг пуд.	80	4,8	9,3	14,0	39,5
Коракул, минг дона	1800	-	415	704,4	1013

27-Жадвал.

Йил	Пахта олиб чиқиш. млн. рубль	Олиб чиқиш оборотларидаги салмоғи. % да .
1922-1923	16,9	69,4
1923-1924	50,7	69,8
1924-1925	84,4	75,4
1925-1926	115,9	79,9
1926-1927	161,2	78,2

Россияга, урушдан аввалги йиллардаги каби, асосан, пахта олиб чиқилган.

Олиб чиқиш оборотларида пахтанинг энг кам салмоғи 69,4 % бўлиб, у 1922-1923 йилда кузатилган. Урушдан кейинги йилларда пахтанинг салмоғи ошиб, 1926-1927 йилда урушдан аввалги даражага етган. 20 йилларда Маразий Осиёга ғалла келтириш кескин камайиб бор-йўғи бир неча млн. пудни ташкил қилганлигини ҳисобга олсак, бундай ҳол табиийдир.

Бу йилларда қорақўл чиқариш анча ўсган. Агар урушгача Марказий Осиё ҳар йили ўртача 1,5 млн. дона қорақўл чиқарган бўлса, 1921 йилда бор йўғи 60 минг дона чиқарган. 1923-1924 йилда давлат ва кооператив ташкилотлари 425 минг дона, хусусий шахслар эса 175 минг дона қорақўл, уларнинг умумий суммаси 5,6 млн. рубль бўлган, шунингдек 750 минг рубллик қорақўлга чиқарган. 1924/1925 йилда Россияга чиқарилган товарлар таркиби 28-жадвалда келтирилган.

1924-1925 йилда Россияга товар чиқариш таркиби.

Товарларнинг номи.	Минг.рубль	Жамига нисбатан % да.
Пахта	84400,0	75,4
Пахтачилик маҳсулотлари	3735,5	3,3
Мевалар	6420,0	5,7
Жун	4744,2	4,2
Қорақўл	4462,4	4,0
Пилла	440,0	0,4
Пиллачилик маҳсулотлари	2299,5	1,2
Вино	1036,6	0,9
Тери	1026,6	0,9
Мўйна	559,1	0,5
Бошқа товарлар	3057,0	3,5
Жами:	112180,9	100,0

Урушдан кейинги йилларда Марказий Осиёдан Россияга олиб кетилган товарлар таркибида айтарлик ўзгариш бўлмади, фақат пахтанинг салмоғи 3,6 фоизга , қорақўлнинг салмоғи эса деярли 2 марта қисқарди.

Марказий Осиё ССЖИнинг кўп районлари билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйган. Товарларни кўпчилик қисми тўқимачилик саноати жойлашган марказий иқтисодий районга юборилди.

1924-1925 йилда Марказий Осиёдан ССЖИ районларига товар олиб
чиқиш.

Районлар номи.	Сумма минг. рубль.	Жамига нисбатан, % да.
Марказий саноат.	94848,9	84,55
Шу жумладан		
Москва.	91730,3	81,77
Юқори Волга.	3399,1	3,03
Шимолий ва Приозёрск	1772,5	1,58
Марказий Қоратупрок	998,4	0,89
Жанубий-Шарқий	583,3	0,52
Қирғизистон	560,9	0,50
Ташки портлар	493,6	0,44
Татаристон жумҳурияти	302,9	0,27
Украина	190,8	0,17
Камск- Вятск-Уралбўйи	101,0	0,09
Ғарбий Сибирь	89,7	0,08
Бошқирдистон жумҳурияти	33,7	0,03
Закавказ СФСЖ	22,4	0,02
Қуйи Волга	22,4	0,02
Ғарбий	22,4	0,02
Бошқа районлар	8738,9	7,79
Жами:	112180,9	100,0

Марказий Осиё Россияга етказиб берилган қишлоқ хўжалик хом-ашёси эвазига у ердан асосан саноат товарлари олиб келган, уларнинг 5-6 % қўшни мамлакатларга чиқарилган.

Марказий Осиё қадимдан Эрон, Афғонистон ва Қашқар (Ғарбий Хитой) билан яқин савдо муносабатлари олиб борган. 1913 йилда ўлкадан бу мамлакатларга товар чиқариш обороти 25,1 млн рубль, улардан товар олиб келиш обороти эса 25,8 млн рубль бўлган. Ўлканинг ташқи савдо алоқаларида Эрон катта ўрин тутган. Улар ўлкага товар олиб келиш оборотида Эрон 40,5 %, Афғонистон 24,1% ва Қашқар 35,4 % салмоққа эга бўлган.

ССЖИда иқтисодий блокаданинг бекор қилиниши халқаро бозорга чиқиш имконини берди. Унинг қорақўлга талаби катта эди. Ўз навбатида ССЖИ Марказий Осиёга қўшни бўлган мамлакатлардан пахта, қуруқ мевалар сотиб олишдан манфаатдор эди. Улар билан ташқи савдо алоқаларини тиклаш учун 1921 йилда Марказий Осиёда Ташқи Савдо Халқ Комиссарлигининг ваколатхонаси очилди. Унинг Машхад, Хирот, Мозори-Шариф, Қобул, Гулжада бўлимлари ташкил қилинди.

ССЖИнинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини ташкил қилишда Эрон, Афғон, Хитой савдогарлари муҳим ўрин тутди. 1923 йилда совет ҳукумати уларга ўз муносабатларини қайта кўриб чиқди. Аввал ташқи савдо давлат монополияси деб эълон қилинган бўлса, энди бу савдогарларга ССЖИда савдо ишларини олиб боришга, ССЖИдаги савдо ярмаркаларига келишга руҳсат этилди. Аста-секин улар Каркара, Боку, Нижегородск ярмаркаларида иштирок эта бошладилар.

1923 йилда ССЖИ Ташқи Савдо Халқ Комиссарлиги Марказий Осиёга қўшни бўлган мамлакатлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва майда ҳунармандчилик буюмларини лицензиясиз олиб келишга руҳсат берди.

Бу мамлакатларга саноат товарларини, умуман экспорт қилиш таъқиқланган тоаварлардан ташқари, лицензиясиз олиб чиқиб кетишга ҳам руҳсат берди.

30-жадвал.

1923-1927 йилларда Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлар билан савдоси. Млн.рублда.

Йиллар.	Олиб чиқиш.	Олиб келиш.	Умумий оборот.
1923-1924	1,4	8,8	10,2
1924-1925	5,7	15,9	21,6
1925-1926	13,2	23,4	36,6
1926-1927	17,1	15,7	32,8

30-жадвалда тартибга солинган сектор бўйича савдо оборотлари келтирилган, хусусий шахслар амалга оширган битимлар ҳисобга олинмаган. Табиийки, бу урушдан аввалги ва кейинги оборотларни таққослашни қийинлаштиради. Юқорида айтилганидек, червон рублининг сотиб олиш қобилияти пасайиб кетганлигини ҳам унутмаслик керак. Шунинг учун савдо битимлари ҳақидаги натурал ҳажмларга мурожат қиламиз.

31-жадвал.

1924-25 йилда Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлар билан савдо оборотлари.

Товарлар номи	Олиб чиқиш минг.пуд.	Олиб келиш, минг.пуд.	1913 йилга нисбатан % да
Шакар	212,7	-	24,4
Тўқимачилик буюмлари	17,7	-	4,8
Нефть маҳсулотлари	137,3	-	75,1

Силикатлар	15,5	-	32,0
Гугурт	10,2	-	26,3
Пахта	-	307,9	40,6
Чорва	-	96,4	13,6
Куруқ мевалар	-	454,7	69,0
Жун	-	256,0	58,0
Чой	-	4,4	1,0

Қўшни мамлакатлар билан лицензиясиз савдо қилиш таркибига қарамай Марказий Осиёнинг улар билан савдо оборотлари ниҳоятда секин тикланди. 1924-1925 йил ССЖИнинг Шарқий чегараларида эркин савдонинг охирги йили бўлди. Шу йили Марказий Осиёнинг ташқи савдо оборотлари совет хокимиятининг биринчи ўн йиллигидаги максимал кўрсаткич бўлиб қолди.

13.3.Ўрта Осиёнинг Эрон билан савдо айланмалари

Марказий Осиё ташқи савдо оборотларининг ярмидан кўпроғи Эронга тўғри келган. 1924-1925 йилда у қўшни мамлакатларга товар олиб чиқиш оборотларида 63,7 % салмоққа эга бўлган.

Марказий Осиё Эронга қанд, керосин, пўстин, ипак, чорва, кумуш ва олтин тангалар, темир, пўлат, ип-газламалар, шиша буюмлар, қоғоз, гиламлар, мўйна, ун, бензин, ёғоч олиб чиққан. Эрондан гуруч, куруқ мевалар, чой, ип-газламалар, пахта хом-ашёси, дон, тери, икра, нил бўёғи, тикувчилик ипаклари, тамаки, балиқ, бўёқлар, жун олиб келган.

32-жадвал

1923-1927 йилларда Марказий Осиёнинг Эрон билан савдо оборотлари.

Йиллар.	Олиб чиқиш	Олиб	1913	йилга	1913	йилга
---------	------------	------	------	-------	------	-------

	млн. рубль.	келиш млн. рубль	нисбатан олиб чиқиш %да	нисбатан олиб келиш. %да
1923-1924	1,2	5,6	11,1	57,7
1924-1925	4,5	11,8	41,7	121,6
1925-1926	6,5	13,0	60,2	134,0
1926-1927	8,3	7,6	76,8	78,3

Жадвалдан кўриниб турибдики, Марказий Осиёнинг Эрон билан савдо оборотлари текис ривожланмаган. Агар Эронга товар олиб чиқиш урушдан кейинги йилларда йилдан-йилга ўсган бўлса, Эрондан товар олиб келиш 1925/1926 йилда максимал даражага етган, 1926/1927 йилда эса деярли 2 баробар қисқарган. Бунинг сабаби шуки, кўшни мамлакатлар билан лицензиясиз савдо шароитида Эрондан товар олиб келиш олиб чиқишга нисбатан ошиб кетган. Савдо оборотлари бўйича манфий сальдога йўл қўймаслик учун 1926 йил охирида ССЖИ Ташқи Савдо Халқ Комиссарлиги Эрон билан савдо муносабатларига сезиларли чеклашлар жорий қилди. Пахтадан ташқари бошқа ҳамма товарларни олиб келишга лицензиялар жорий қилинди. Натижада ўша хўжалик йилидаёқ Эрондан товар олиб келиш кескин қисқарди.

1927 йил октябрияда Эрон билан янги савдо битими тузилди. Унга кўра Эронга ҳар йили ССЖИга 50 млн рублгача ҳажмда товар олиб келишга рухсат этилди. ССЖИдан Эронга товар олиб чиқишга эса, нефть ва нефть маҳсулотлари, дон ва ун, мўйна, гиламлар ва бошқа экспорт қилинмайдиган товарлардан ташқари, эркинлик берилди.

13.4.Ўрта Осиёнинг Афғонистон билан савдо айланмалари

Афғонистон билан қадимдан савдони Бухоро савдогарлари олиб борган. Фуқоролар урушидан кейин у Марказий Осиёда 1923 йилда тикланди.

Марказий Осиё Афғонистонга транзит обороти бўйича металл ва жун буюмлари, қанд, калава, калиш каби саноат товарлари ва бошқа товарларни олиб чиққан. Афғонистондан Марказий Осиёга асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё олиб келинган. Уларнинг кўпчилиги жун, қоракўл, пахтадан иборат бўлган.

33-жадвалдаги маълумотларга кўра, Афғонистонга Марказий Осиёдан 1923-1927 йилларда товар олиб чиқиш урушдан аввалги даражага нисбатан бор йўғи 1,4-3,7 %ни ташкил қилган. Бунга ўлканинг ўша йиллардаги ўта оғир иқтисодий аҳволи сабаб бўлган. Афғонистондан товар олиб келиш ҳам урушдан аввалги даражага етмаган.

33-жадвал.

1923-27 йилларда Марказий Осиёнинг Афғонистон билан савдо оборотлари.

Йиллар	Олиб чиқиш млн.рубль.	Олиб келиш млн. рубль	Жамига нисбатан %да олиб чиқиш.	Жамига нисбатан %да олиб келиш
1923/24	0,1	1,4	1,7	22,2
1924/25	0,5	1,8	8,5	28,6
1925/26	2,7	3,4	45,8	54,0
1926/27	3,6	3,7	61,0	58,7

Эронга нисбатан Афғонистон анча қоққ бўлиб, четга товар олиб чиқиш оборотларини кўпайтира олмас эди. Бунинг устига таҳлил қилинаётган даврнинг охириги йилида Афғонистондан пахта, қоракўл олиб келиш таъқиқлаб йилди.

13.5.Ўрта Осиёнинг Хитой билан савдо айланмалари

Октябрь тўнтаришига қадар Марказий Осиё Қашқар билан фаол савдо олиб борган, 1916-1922 йилларда у тўхтаб қолди ва ўзаро товар алмашиш контрабанда йўли билан олиб борилди. Урушдан кейин ССЖИ Осиё қисми саноат марказларининг Ғарбий Хитой бозорлари билан савдо алоқалари тикланди. Марказий Осиёдан Қашқарга темир, металл, шиша буюмлари, атир-упа, қишлоқ хўжалик асбоблари, ип-газламалар, пойафзал, қанд, сиртли ичимликлар ва бошқалар олиб чиқилган. Ғарбий Хитойдан Марказий Осиёга товар олиб келишда чорва, пахта, жун, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик хом-ашёлари салмоқли урин тутган.

34-жадвал.

1923-1927 йилларда Марказий Осиёнинг Ғарбий Хитой билан савдо оборотлари.

Йил	Олиб чикиш млн.рубль.	Олиб келиш млн. рубль.	1913 йилга нисбатан % да олиб чикиш.	1913 йилга нисбатан % да олиб келиш
1923-1924	0,1	1,8	1,2	18,4
1924-1925	0,7	2,3	8,3	23,5
1925-1926	4,0	7,0	47,6	71,4
1926-1927	5,2	4,4	61,9	44,9

Марказий Осиёнинг Ғарбий Хитой билан савдо оборотлари Эрон ва Афғонистонга нисбатан юксак суръатлар билан тикланган. Бунга 1922 йилда Хитой ва Мўғулистон билан шартномалар тузиб товар олиб келиш ва олиб кетишга энгиллик берилганлиги имкон берган. Бу йилларда Хитой савдогарлари Марказий Осиёнинг савдо ярмаркаларида ўз фаолиятларини

кучайтириб кўплаб чорва молларини олиб келиб сотганлар. Хитойдан пахта, жун, чорва ва мўйнадан ташқари товарлар олиб келиш таъқиқлаб қўйилгач, 1926 йилдан бошлаб савдо оборотлари яна қисқариб кетди.

Умумий хулоса

XX асрнинг 1-чорагида Марказий Осиё ташқи савдоси аҳволини умумлаштириш қўйидаги хулосалардан гувоҳлик беради:

1. Марказий Осиё қадимдан Россия билан ҳам, Шарқдаги қўшни мамлакатлар билан ҳам ташқи савдо олиб борган.

2. Октябрь тўнтаришидан аввал Марказий Осиё аҳолининг жон бошига ташқи савдо обороти даражаси бўйича Россиядан 5 марта устун бўлган.

3. Тўнтариш ва фуқоролар уруши йилларида Россия билан иқтисодий алоқалар узилиб қолганда Марказий Осиёга товарлар олиб келишнинг ягона манбаи қўшни Шарқ мамлакатлари бўлган.

4. Марказий Осиёнинг Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини йўлга қўйишда хусусий шахслар-Эрон, Афғон, Хитой, Бухоро савдогарлари асосий ўрин тутган.

1. Ташқи савдони чеклаш Марказий Осиёнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ва секинлаштирган.

Назорат саволлари

1. Ўрта Осиёдаги ташқи савдога характеристика беринг?
2. Ташқи савдо оборотининг қандай турларини биласиз?
3. Ўрта Осиёда ташқи савдо муносабатлари қачон пайдо бўлган?
4. Собиқ СССР районларига Ўрта Осиёдан қандай товарлар сотилган?
5. Ўрта Осиёнинг Хитой билан савдо алоқалари қандай бўлган?
6. Ўрта Осиёнинг Эрон ва Афғонистон билан ташқи савдоси қандай бўлган?
7. Шарқ мамлакатлари билан ташқи савдоси қандай бўлган?
8. Хитой алоқалари қандай ташкил этилган?

9. Товарлар келтириш қандай амалга оширилган?
10. Савдо алоқаларини қандай ривожлантириш мумкин?

Адабиётлар

1. История экономических учений. - Т.: Фан, 1997.
2. Йўлдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи»(Шарқ иқтисодий тафаккури тимсолида).-Т.: ТДИУ, 2000.
3. Йўлдошев Н.Қ. «Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси».-Т.: ТДИУ, 2002. С.90
4. Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи».-Т.: ТМИ, 2001.

Изоҳли луғатлар:

Бозор – сотувчи билан харидор ўртасида товарни пулга айирбошлаш муносабати, товарлар билан олди-сотди муносабатлари, товар айирбошлаш ва пул муомаласи қонунларига биноан амалга оширади.

Эҳтиёж – кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол этилиши зарур маҳсулотлар ва хизматлар мажмуидир.

Меҳнат – кишилар эҳтиёжларини қондириш мақсадида бирон - бир фаолият билан шуғулланишларига айтилади.

Товар – энг аввало ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа маҳсулотларга бозорда пул воситасида айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулига айтилади.

Таклиф - бозорда мавжуд ёки келтириши мумкин бўлган товарлар мажмуасига айтилади.

Талаб – истеъмолчиларнинг товарга бўлган пуллик эҳтиёжи талаб дейилади.

Қиймат – товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда ифодаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати.

Солиқ – мажбурий тўлов. Давлат буюджети даромадларининг асосий манбаи солиқлардир.

Мулк – бирорта нарсага мулкка эга бўлиш. Мулк, мол – мулк, кўчмас мулк.

Пул – ўзига хос товар барча товарлар қийматининг умумий эквиваленти. Товар қийматини ифодалайди.

Пулнинг вазифалари – қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғарма воситаси.

Тижорат – эгасига фойда келтирадиган фаолият тури. Тадбиркорлик фаолияти. Мустақил хўжалик юритиш.

Фойда – хўжалик юритувчи субъектнинг соф даромад шакли, хўжалик фаолиятининг умумлашган кўрсаткичи.

Ижара – бирон-бир турар жой, асбоб ускуналарни маълум вақтга берилишига айтилади.

Ишлаб чиқариш жараёни – бу кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Бозорнинг таърифи - Шарқ балки бутун дунё олимлари ичида биринчи бўлиб Ибн Халдун бозор тушунчасини таърифлаб берди. Унинг таърифича, «бозор- хунармандчилик ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг рағбатлантириш омилидир. Хунарни у, бозорда сотиладиган ва сотиб олишга таклиф қилинидиган товарга ўхшатади. Шундай қилиб, Ибн Халдунинг фикрича, бозор хунармандчилик ишлаб чиқаришини такомиллаштиришнинг рағбатлантирувчи омилидир. Хунармандчилик товар ишлаб чиқарувчиларнинг малакасини ошиши, ижодий изланиши, ихтирочилиги ҳисобига ривожланади, натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошади, тайёрланаётган маҳсулотлар такомиллашади, уларнинг ассортименти кенгаяди.

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг бундай серқирра, машаққатли меҳнати жамият томонидан тақдирланиши лозим. Хунармандчилик ишлаб чиқаришини рағбатлантирувчи омил бозор бўлиб, унда товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатлари юзага чиқади ва тақдирланади. Бозор ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи омил бўлиб, кишининг хўжалик фаолиятига кенг имкониятлар яратиб бериши учун эркин бўлиши лозим. Бозор-жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси. Экспорт – импорт муносабатлари.

Тадбиркорлик – фойда олиш мақсадида фуқаролар ва корхоналарнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолият юритиш.

Товар ва хизматлар бозори - товар биржалари, улгурчи ва чакана савдо маркетинг ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишни талаб этади.

Биржа – улгурчи бозорнинг доимий ишлаб турадиган асосий шакли бўлиб, унда қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси, валюта олди-сотдиси ёки стандарт ва намуна бўйича товарлар сотиладиган муассасаси.

Бозор конъюктураси – айрим бозорларда муайян ҳолатларнинг мавжудлиги. Муайян даврдаги бозор ҳолати, бозор муозанатининг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади.

Ярмарка – товарлар намунаси кўрғазмаси, даврий савдо манзили, давлат рухсат берган вақтинча савдо шакли. Бу ярмаркаларнинг ичида энг йириги Каркара ярмаркаси бўлган. Минглаб чорва моллари боқиладиган тоғ ўтлоқлари ўртасида жойлашган. Приживальск атрофида ўтказиладиган бу ярмарка Марказий Осиёнинг Ғарбий Хитой билан ташқи савдосида беқиёс аҳамият касб этган. Каркара ярмаркаси ҳар йили 15 июндан 15 августгача ўтказилган. Ярмарканинг обороти 1893 йилда 350 минг рубль бўлган бўлса, 1908 йилда 2 млн. рублга ётган. 1916 йилдан 1923 йилгача ярмарка ишламаган. 1923 йилда

ярмарканинг обороти бор йўғи 40 минг рублни ташкил қилган. Марказий Осиёда савдонинг анъанавий шаклларида бири ярмаркалар бўлган. Марказий Осиёнинг ўтроқ-деҳқонлар яшайдиган аҳоли зич жойларида савдонинг асосий шакли бозор бўлган, кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган чорвадорлар яшайдиган жойларда эса савдонинг анъанавий шакли ярмарка бўлган. Савдонинг бундай шакли Қозоғистон ва Қирғизистонга хос бўлган. Туркистон, Семиполатинск, Оқмола вилоятлари худудида революцияга қадар 450 та ярмарка бўлган.

Товар биржаларига вазифалари- 1.Давлат, кооператив ташкилотлари ва хусусий шахслар ўртасида йирик партиядаги товарларнинг режадан ташқари олди-сотди битимларини ташкил қилиш.

2.Аҳолини зарур товарлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида савдо операцияларига хусусий капитални максимал жалб қилиш.

3.Минтақа ва мамлакат миқёсида биржалараро оборотларни ташкил қилиш.

4.Товар ресурсларини оқилона тақсимлаш, уларни тезкорлик билан зарур жойга етказиб бериш ҳисобига баҳоларни пасайтириш, талаб ва таклиф муносиблигига эришиш.

5.Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, майда хунармандчилик товарлари бозорини, шунингдек савдонинг хусусий секторини эгаллаш.

6.Бозорни ўрганиш ва уни тартибга солиш. Биржаларда баҳолар ва юк обороти ҳисоботи олиб борилган, бозор конъюктураси ўрганилган, Ўрта Осиё бозорига шарҳлар чиқарилган, доимий равишда «Биржа хабарлари» бюллетени нашр қилинган. Хўжалик йилларининг яқунлари бўйича йиллик шарҳлар тузилиб, улар йилномаларда эълон қилинган.

Биржа битимларида хусусий шахсларнинг фаоллиги - ойлар бўйича бир хил бўлмаган. Товар биржаларининг оборотлари бўйича абсолют кўрсаткичларнинг йўқлиги туфайли биржаларнинг оборотларида хусусий шахсларнинг улушини ойлар бўйича аниқлашнинг иложи йўқ. Бироқ, айрим

ойлар бўйича маълумотлар уларнинг салмоғи 50-75 %гача етганини кўрсатади. Таққослаш учун 19-жадвалда Москва биржасининг маълумотлари келтирилган. У ерда хусусий шахсларнинг сотиш бўйича оборотларидаги салмоғи 7,3-10,7 фоизни ташкил қилган. Шуниси диққатга сазоворки, кўрсатилган ойларда сотиш бўйича битимлар тузишда фаоллик кўрсатишган. Давлат ва кооператив савдолари бозор эҳтиёжини тўлиқ қондира олмаслиги шароитида чиқса, алоҳида аҳамият касб этади. Мавжуд бўлган маълумотларга кўра хусусий савдо сотувчи эмас, кўпроқ олувчи сифатида бозорга чиққан. Масалан, Тошкент биржасида хусусий шахсларнинг ғалла умумий оборотида сотиш бўйича улуши 14,5 фоизни, олиш бўйича эса улуши 98,4 фоизни ташкил қилган.

Ўрта Осиёнинг Хитой билан савдо айланмалари - Октябрь тўнтаришига қадар Марказий Осиё Қашқар билан фаол савдо олиб борган, 1916-1922 йилларда у тўхтаб қолди ва ўзаро товар алмашиш контрабанда йўли билан олиб борилди. Урушдан кейин ССЖИ Осиё қисми саноат марказларининг Ғарбий Хитой бозорлари билан савдо алоқалари тикланди. Марказий Осиёдан Қашқарга темир, металл, шиша буюмлари, атир-упа, қишлоқ хўжалик асбоблари, ип-газламалар, пойафзал, қанд, сиртли ичимликлар ва бошқалар олиб чиқилган. Ғарбий Хитойдан Марказий Осиёга товар олиб келишда чорва, пахта, жун, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик хом-ашёлари салмоқли урин тутган.

Ўрта Осиёнинг Афғонистон билан савдо айланмалари - Афғонистон билан қадимдан савдони Бухоро савдогарлари олиб борган. Фуқоролар урушидан кейин у Марказий Осиёда 1923 йилда тикланди. Марказий Осиё Афғонистонга транзит обороти бўйича металл ва жун буюмлари, қанд, калава, калиш каби саноат товарлари ва бошқа товарларни олиб чиққан. Афғонистондан Марказий Осиёга асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё олиб келинган. Уларнинг кўпчилиги жун, қорақўл, пахтадан иборат бўлган.

Ўрта Осиё мутафаккирлари бозор ҳақида - инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида катта иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Ҳар бир даврда у ёки бу мамлакатда айрим шахслар томонидан шундай иқтисодий аҳамиятга молик фикр, ғоя, назария, концепциялар илгари сурилган ва амалга оширилганки, бир холда шулар туфайли давлат ва халқлар раванқ топган баъзида тушкунликка учраган. Ана шу иқтисодий ғояларни ҳар тамонлама ўрганиш, таҳлил этиш, улар орасида умумбашарий аҳамиятларини ажратиб олиб ҳозирги даврга, яъни ҳаётга тадбиқ этиш ниҳоятда ҳам амалий, ҳам назарий фойдалидир, чунки уларда кўп йиллик тажриба мужассамлашган бўлади. Бу ғоялар айрим иқтисодчи олимлар, назарий мактаблар ва йўналишларга тегишлидир.

Иқтисодий ғояларнинг шаклланиши - инсониятнинг падо бўлиши билан бошланган. Дастлабки иқтисодий ғоялар инсониятнинг пайдо бўлиши билан шаклланган, аммо бизгача етиб келганлари милоддан аввалги 2-минг йилликка тўғри келиб, кўпроқ қадимий Ўрта Осиё халқларининг хўжалик фаолиятини акс эттиради. Антик дунёга маълум даражада амалиётни назарий умумлаштириш, абстракциялаш оқибатида биринчи иқтисодий мушоҳадалар, айрим иқтисодий тушунчалар, категориялар шакллана бошлади.

Эркин бозорда харидорлар - эркин бозорда харидорлар ва сотувчилар ихтиёрий битим тузадилар. Битим предмети товарлар ёки хизматлар бўлади. Умумий таъриф бўйича, товар ўзининг истеъмоли учун эмас, балки айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулидир. Бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш ибтидоий даврнинг маълум босқичида шаклланган, натижада натурал хўжалик аста-секин емирилиб, бозор келиб чиққан. Товар хўжалиги пайдо бўлганда ички бозор пайдо бўлади, бу бозор хўжалигининг ривожланиши натижасида вужудга келади, ижтимоий меҳнат тақсимотинининг ривожланиш даражаси бозорнинг ривожланиш даражасини белгилайди.

Яшаш воситалари - «Яшаш воситалари илм-фандан аввал ўрганилади, чунки яшаш воситалари зарурий ва табиийдир, илм-фанни ўрганиш эса нозарурий ёки камроқ зарурийдир: табиийлик нозарурийликдан аввал келади.» Яшаш воситаларини Ибн Халдун икки қисмга: зарурий эҳтиёж ва мўл эҳтиёжга бўлади. Ана шу низомдан келиб чиқиб у зарурий ва кўшимча маҳсулот тушунчаларини асослаб берди.

Ислом таълимотида баҳо - баҳоларнинг шаклланиши масалалари мусулмон ҳуқуқшунослигида ҳам ўрганилган. Мусулмон ҳуқуқшунослари товарларнинг қиймати ва бозор баҳосининг фарқини билганлар, бинобарин баҳонинг товар қийматидан оғишини мумкин деб ҳисоблаганлар. Шариат бўйича баҳо маълум ва аниқ белгиланган пул бирликларида ифодаланиши лозим. Сотиб олинган нарсалар қийматини уларни сотиш ҳаражатлари ҳисобига кўпайиши капитални ўсиши ҳисобланган ва улар товар баҳосига киритилган.

Мулк ҳуқуқи - мулкчилик назариясини ишлаб чиқишга Ислом муҳим ҳисса кўшган. Исломнинг асосий манбаи Қуръондир. Мусулмон ҳуқуқчилигида Муҳаммад пайғамбарнинг қилган ишлари ва айтган гаплари - ҳадислар, ундан кейин иккинчи ўринда туради. Масхаблар бўйича шаклланган мусулмон ҳуқуқ мактаблари ичида, Ханифий мактаби тарафдорларининг кўплиги билан ажралиб туради ва энг юмшоғи (либерали) ҳисобланади. Ханифийларни бошқача фикрловчиларга нисбатан сабрлилиги, уларнинг маҳаллий одатий ҳуқуқшуносликдан кенг фойдаланганлиги, Ханифий ҳуқуқшунослигини мусулмон оламида муваффақиятли тарқалишига имкон берган. Мусулмон ҳуқуқшунослигининг Қуръон ва ҳадисларда асосланган қоидалари мусулмон ҳуқуқшунослик мактабларининг асосчилари асарларида янада ривожлантирилди. Мусулмончилик таълимотининг билимдонлари ҳадислар йиғиб уларга шарҳлар ёзганлар. Шарҳлар тўплами ичида Ханифийлар мактабининг асосчиларидан бири Абу Ханифий асарлари энг сермазмун ва ишончли ҳисобланган. 12 аср машхур ханифий ҳуқуқшуноси Бурхониддин

Али ибн Абу Бакр Ал-Марғилонийнинг араб тилида «Ҳидоя» номи билан нашр қилинган шарҳлар тўплами кенг тарқалган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2003.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 26 апрел. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 13. -Т.: Адолат, 1996, 50-бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

“Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони. - Халқ сўзи, 2005 йил 15 июн.

“Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 декабрдаги Фармони. - Халқ сўзи, 1998 йил 26 декабр.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 12 августдаги 387-сонли Қарори. - Халқ сўзи, 2004 йил 13 август.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1998 йил 4 сентябрь Қарори. – Халқ сўзи, 1998 йил 5 сентябр.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 92-б.

Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-т. - Т.: Ўзбекистон, 2002, 430 бет.

Каримов.И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи 2006 йил 25 феврал.

Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Тошкент оқшоми, 2006 йил 13 февраль.

V. Тармоқнинг низом ва йўриқномалари

“Ўзбексавдо” акционерлик компанияси Низоми. 1998 йил февраль ойида тасдиқланган .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекбирлашув” акционерлик компанияси мақоми тўғрисидаги Қарори (муҳокама қилинаяпти).

VI. Ўқув қўлланмалари

Раззоқов А.А. Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. –Т.: ТДИУ, 2004, 72 бет.

Ислом Энциклопедия: А-Х: / Хусниддинов З. таҳрири остида.-Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003, 313 бет.

Йўлдошев Н.Қ. Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2002, 89 бет.

Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи. - Т.: ТМИ, 2001.

Йўлдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» (Шарҳ иқтисодий тафаккури тимсолида). - Т.: ТДИУ, 2000.

VII. Монографиялар ва илмий мақолалар

Юлдашев Н.К. Коммерческая наука X-XV веках// Жизнь и экономика. 1992 г., № 8, с. 54-55.

Юлдашев Н.К. Мыслители Средней Азии Востока о теории рынка// Жизнь и экономика. 1991 г., № 11, с. 67-68.

Юлдашев Н.К. Мулкдорлик ва тадбиркорлик илми// Ҳаёт ва иқтисод. 1991г., №10, с. 53-54.

Азларова М.М. Истеъмол товарлари савдосини ташкил қилиш// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, №8, 27 б.

Камилова Ф.К. Жизненный потенциал и потребительский рынок. - Т.: Фан, 1996, 112 с.

Азларова М.М. Истеъмол товарлари савдосини ташкил қилиш. - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, №8, 27 б.

VIII. Докторлик ва номзодлик диссертациялари

Камилова Ф.К. “Потребительский рынок Узбекистана и роль демографических факторов в его развитии” мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: ТДИУ, 1997.

Азларова М.М. “Ўзбекистонда кундалик истеъмол товарлари бозорини мувозанатлаштиришнинг маркетинг жиҳатлари” мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: ТДИУ, 2005.

IX. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўплами

Азларова М. Миллий истеъмол бозорини ривожлантиришда маркетинг фаолиятининг ўрни.//Ўзбекистонда иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.- Ёш олимлар ва магистрантларнинг илмий анжумани.2004 йил 6 май.-Т.: ТДИУ, 184-185 б.

X. Газета ва журналлар

Иватов И. Ўзбек бозорлари ва уларнинг шаклланиши // Ж. Иқтисод ва ҳисобот. – 1998. - №7, 30-31 б.

XI. Статистик маълумотлар тўплamlари

Промышленность Республики Узбекистан 2003. Статистический сборник. - Т.: - 2004. -110 с.

Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2002. Статистический сборник. – Т.: 2003, - 167 с.

Статистическое обозрение Республики Узбекистан 2003.
Статистический сборник. - Т.: 2004, -228 с.

ХП. Интернет сайтлари

www.edu.ru – Россия Федерацияси олий ўқув юртларида ўқитилаётган
фанлар бўйича ўқув-услугий комплекслар.

www.som.pu.ru – Санкт-Петербургский Государственный Университет,
факультет менеджмент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«ЎРТА ОСИЁДА БОЗОР НАЗАРИЯСИ ВА ТАЖРИБАСИ»
фанидан

НАМУНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ

5340200 - «Менежмент (тармоқлар бўйича)» таълим йўналиши бакалавриат
учун

ТОШКЕНТ-2007

КИРИШ

Таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шароитлар яратиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг устивор йўналишларидан биридир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш савдони ташкил этиш ва уни бошқаришнинг янги концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бозорнинг ҳамма мамлакатларга мос келадиган ягона модели бўлмайди. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос модели бўлиши керак. Бу моделни тузишда тарихий, миллий, маданий анъаналар, миллий қадриятлар ҳисобга олиниши лозим. Бозор муносабатлари чуқур илдиз отган Марказий Осиё минтақаси учун бу омилларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Марказий Осиё мамлакатларининг бозор хўжалигини шакллантиришда илғор хорижий тажрибани ўрганиш билан бирга, шарқ халқларининг иқтисодий масалалар бўйича илмий меросини ва минтақада товар-пул муносабатларининг тарихий тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

“Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси” фаннинг мақсади талабаларда иқтисодий масалалар бўйича кенг дунёқарашни шакллантириш, уларда Шарқ халқларининг бозор иқтисодиёти тараққиёти қонуниятлари, шарт-шароитлари билан таништириш ва қарашларини ўргатишдан иборат.

Ушбу фаннинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Шарқ халқларининг иқтисодий ривожланиш ҳақидаги таълимотларини ўрганиш;

бозор муносабатлари ҳақидаги таълимотларни ўрганиш;

Шарқ мутафаккирларининг бозор ҳақидаги таълимотларини Европада шаклланган иқтисодий назария билан таққослаш;

бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илғор фикрларни аниқлаш ва фойдаланиш.

“Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси” фани ўқув режасидаги “Савдо корхоналари иқтисоди”, “Истеъмол бозорини бошқариш”, “Менжемент”, “Биржа ва ярмарка савдосини ташкил этиш” “Савдо менежменти”, “Савдо тадбиркорлиги” ва бир қатор фанлар билан узвий боғлиқликда ўрганилади.

Фанни ўрганишда машғулотларнинг маъруза, амалий, мустақил таълим шакллари билан фойдаланилади ва интерфаол усулларнинг ақлий ҳужум, Кластер, тақдимот, Бумеранг технологиялари қўлланилади.

2. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Фан бўйича маърузалар мавзулари ва уларнинг мазмуни

1-мавзу. Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий таълимотлари

Эркин бозор ҳақида тушунча. Бозор ва товар таърифи. Битим предмети, истеъмол, натурал истеъмол, меҳнат маҳсули. Бозор муносабатлари ҳақида тушунча ва унинг тарихий илдизлари. Товар хўжалиги.

Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий қарашлари. Ўрта Асрлар Шарқи ва хусусан Ўрта Осиёда иқтисодиёт ва фаннинг ривожланиши. Ўрта Осиё мутафаккирлари бозор ҳақида. Бозорнинг элементлари: эҳтиёж, талаб, таклиф. Абу Али Ибн Сино ва Абу Наср Форобий эҳтиёж ҳақида. А.Навоий онг ва моддий манфаат ҳақида. Эҳтиёжни қондиришда деҳқончиликнинг ўрни. Олди-сотди, мерос олиш ва алмашув муносабатлари. Аҳолининг даромадлари, турмуш тарзи ва яшаш воситалари.

2-мавзу. Ибн Холдун таълимоти

Араб мутафаккири Ибн Холдун таълимоти ва Европа олимларининг унга берган баҳоси. Янги фаннинг предмети-Умрон. Ибн Холдун одамнинг шаклланиши бунда фан ва меҳнатнинг роли ҳақида.

Ибн Холдун эҳтиёж ҳақида. Ибн Холдун жамият ҳақида. Ибн Холдун турмуш даражасини белгиловчи омиллар ҳақида. Яшаш воситалари: зарурий

эхтиёж ва мўл эхтиёж. Меҳнат миқдори. Зарурий ва қўшимча меҳнат. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳамда уларнинг турмуш тарзи. Шаҳар ва қишлоқнинг хўжалик фаолияти. Ибн Холдун бойлар ва камбағаллар ҳақида. “Турмуш тарзи” тушунчаси: шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Турмуш тарзининг фарқи.

3-мавзу. Бозор ва унинг элементлари

Бозорнинг таърифи. Ҳунар ва ҳунармандчилик. Ибн Холдун касб ва ризқ ҳақида. Ибн Холдуннинг товарга берган таърифи. Натурал ва товар хўжалиги. Меҳнат унумдорлиги. Ибн Холдун истеъмол қиймати ва қиймат ҳақида. Баҳо ва қиймат ҳақида. Баҳога таъсир этувчи омиллар. Талаб ва таклиф қонуни. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши. Шаҳарларнинг ўсиши. Баҳоларнинг шаклланиш масалалари.

Ислом таълимотида баҳо. Мамлакатни бошқариш. Ҳоким вазифалари. Халқ фаровонлигини оширишда Навоий фикрлари. “Муншаот” ва унинг мазмуни. А.Темурнинг баҳо сиёсати. Клавихо Амир Темур ҳақида.

4-мавзу. Мулкчилик таълимоти

Мулк ҳақида тушунча. Бозор муносабатларида мулкчиликнинг ўрни. Юсуф Хос Ҳожибнинг мулкчилик ҳақидаги фикрлари. “Қутадғу билиг” ва унинг мазмуни. Ибн Холдун давлат ва хусусий мулк ҳақида. Ибн Холдун оила ва ишлаб чиқариш ҳақида. Давлатнинг вазифалари. Ф.Энгельс мулк ҳақида. Мусулмон ҳуқуқшунослиги. Исломнинг мулк концепцияси. Мулк ҳуқуқи. Ерга эгалик қилиш ҳуқуқи. Ижара шартномаси. Шартнома шартлари. Ер эгаларининг ҳуқуқлари. Шариат бўйича ер турлари: мамлюк, мирийя, вақф ва мават. Мулк эгаларининг вазифалари. Мулк ҳақида ўрта аср олимларининг фикрлари. Ибн Холдуннинг тарихий ўрни. Ю.Крачковский, Брейзинг. Ибн Холдун: оила ва ишлаб чиқариш. Шарқ халқларининг мулкка муносабати.

5-мавзу. Пул назарияси ва муомаласи

Пул ҳақида тушунча. Беруний пул ва пулнинг вазифалари ҳақида. Юсуф Хос Ҳожиб савдо ва ҳунар ривожланишида пулнинг аҳамияти ҳақида. Юсуф Хос Ҳожиб пулнинг вазифалари ҳақида. Олтин ва кумуш бойлик сифатида.

Ибн Холдуннинг пул ва пул назариясига доир фикрлари. Ибн Холдун пулнинг вазифалари ҳақида: даромадлар асоси, қиймат ўлчови, жамғарма асоси. Пулнинг асосий функцияси. Пулнинг динамикаси. Баҳолар ҳаракати ва пулнинг бетўхтов айланиши. Нақд пулсиз ҳисоб китоблар. Қимматбаҳо қоғозлар. Чек ва векселлар. Кредит хатлар.

Ўрта асрларда банклар. Банк ва уларнинг вазифалари. Пулнинг қадрсизланиши ва пул реформалари. Танга пул зарб қилиш. Хукмдорларнинг пул ислоҳотлари. Мирзо Улуғбек давридаги пул ислоҳотлари.

6-мавзу. Ислом тижорат ва савдо ҳақида

Исломнинг дунёвий таълимоти. Аш-Шаббоний. Ислом таълимотида бозор. Бозор қонунлари. Савдо маҳорати. Савдогарнинг юксак ахлоқийлиги ва жамиятда тутган ўрни.

Ислом асосчиси Муҳаммад - савдогар. Давлатнинг савдога аралашуви. Ислом ҳуқуқшунослигида биринчи бўлиб савдо ҳуқуқининг ишлаб чиқилиши. Ислом ҳуқуқида капитал ва меҳнатни бирлаштириш усуллари: музработ, базоат, ижара, орийат. Битим кўринишлари: Ўзаро келишилган ўртоқчилик. Санъат ва ҳунармандчилик соҳасидаги ўртоқчилик. Савдо бўйича ўртоқчилик. Битим шакллари: шартларни эркин танлаш, сотишнинг сўзсиз шартномаси, фойда учун сотиш, дўстона сотиш, Салом шаклида сотиш, сарф шаклида сотиш. Битим акти: товар миқдори, товарнинг ҳажми ёки оғирлиги, баҳо. Савдогар ва олибсотарнинг бир-биридан фарқи.

7-мавзу. Савдогарчиликнинг маънавий ахлоқий меъёрлари

Савдогарчиликка болаликдан ўрганиш. Қобуснома. А.Навоий савдогарчилик ҳақида. Савдо қарвонларининг аҳамияти. Савдогарчилик ҳақида Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрлари. Савдогарчиликнинг вазифалари. Савдогарчилик билан шуғулланиш ва фойда олиш усуллари. Ибн Холдуннинг савдо ҳақидаги фикрлари. Ибн Холдуннинг хукмдорларга қўйган талаблари. Амур Темур салтанатида савдонинг ахволи ҳақида Клавихо хотиралари. Бобур

асарларида савдо фаолиятининг ёритилиши. “Мубайин” ва унинг мазмуни. А.Темурнинг савдо фаолияти.

8-мавзу. XX аср бошларида Туркистон иқтисодиёти

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тузилиши. Пахтани ташиш бўйича савдо механизми. Туркистон ўлкасига озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш. Ўлкада янги иқтисодий сиёсат. Туркистон ўлкасида хунармандчилик саноати. Россиядан тўқимачилик маҳсулотларини келтириш. Туркистоннинг Россия империясига қўшилиши. XIX аср охирида Туркистон иқтисодиётининг ҳолати. Туркистон ўлкасининг товарлилик даражаси. Туркистон аҳолисини истеъмол товарлари билан таъминлаш даражаси.

9-мавзу. Истеъмол товарлари бозори

Ўрта Осиёда нон бозори. Нон савдосида давлат ва кооператив савдонинг ўрни. Туркистонда ғалла бозорининг ривожланиши. Ғалла савдосида давлат ва кооператив ташкилотларнинг аҳамияти.

Ўрта Осиёда чой бозори. Ўлкага чой ташиш бўйича савдо йўли. Чой савдосининг тузилиши. Ўрта Осиё аҳолисини чой билан таъминлаш.

Ўрта Осиёда шакар бозори. Ўлкага шакар етказувчи манбалар.

Тўқимачилик товарлари бозори. Тўқимачилик бозорида маҳаллий савдогарларнинг ўрни.

Металл товарлари бозори. Ўлканинг металлга бўлган эҳтиёжи.

10-мавзу. Бозорнинг ижтимоий тузилиши

Ўрта Осиёда ички савдо алоқаларининг алоҳидалиги. Хусусий капиталнинг бозорда сақланиши. Улгуржи оборотни ташкил қилишда хусусий савдонинг ўрни. Чакана савдода хусусий капиталнинг ўрни. Мулкчилик шакли бўйича қишлоқ хўжалиги савдосининг тузилиши. “Ўзбекторг” фаолияти. Хусусий савдо. Давлат савдоси. Кооператив савдо. Хусусий савдогарлар. Тўқимачилик маҳсулотларини сотишда хусусий савдогарларнинг ўрни. Саноат товарларини сотиш. Турғун савдо. Кўчма савдо.

11-мавзу. Ўрта Осиёда товар биржалари

Ўлкада улгуржи оборот турлари. Савдо бўйича кўрсаткичлар системаси. Ўрта Осиёда товар биржаларининг пайдо булиши. Товар биржаларининг вазифалари. Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари. Товар биржаси турлари. Биржа оборотида хусусий савдонинг ўрни. 1924-1925 йилларда Ўрта Осиё товар биржаларининг оборотлари. Тошкент товар биржаси. 1924-1925 йилларда Тошкент товар биржаси оборотининг таркиби. 1925 йилда Ўзбекистон ва Москва товар биржаларининг сотиш бўйича айланмаларида хусусий шахсларнинг улуши.

12-мавзу. Ўрта Осиёда товар ярмаркалари

Ўрта Осиёда товар ярмаркалари савдосининг тарихий илдизлари. Ўлканинг ташқи савдосида ярмаркаларнинг ўрни. Ўрта Осиёда ярмаркаларнинг пайдо бўлиши. Ярмарка турлари. Чуқур тарихий илдизларга эга бўлган ярмаркалар. Ирбит ярмаркаси. XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган ярмаркалар. Карқара ярмаркаси. Карқара ярмаркаси айланмалари. Янги иқтисодий сиёсат даврида ташкил топган ярмаркалар. Уиль ярмаркаси, Темир ярмаркаси. Фрунзе ярмаркаси. Норин ярмаркаси. Марказий Осиёда хўжалик юксалиши йилларида ташкил топган ярмаркалар. Сувсамир ярмаркаси.

13-мавзу. Ўрта Осиёда ташқи савдо

1914 йилдаги Ўрта Осиё ташқи савдосига умумий тавсифнома. Ташқи савдо айланмаининг турлари. Ташиш бўйича айланма. Ўз ресурсларини сотиш бўйича айланма. Воситачилик айланмаси. Транзит савдода воситачилик айланмаси йўналишлари: Шимолий Шарқий Эрон, Афғонистон, Қашқар, Гунжа. 1918-1922 йилларда марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлар билан савдо айланмалари. 1922 йилда Ўрта Осиёда ташқи савдо муносабатларининг пайдо бўлиши. 1922-27 йилларда ташқи савдо айланмасини ривожланиши. Собик СССР районларига Ўрта Осиёдан ташилган товарлар. Хитой, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар билан ташқи савдо.

III. Амалий, семинар дарслари учун кўрсатмалар

3.1. Амалий(семинар) машғулотларининг намунавий мавзулари

1. Ибн Сино асарларида иқтисодий муаммоларнинг кўйилиши
2. Абу Наср Фаробий асарларида иқтисодий муаммоларнинг кўйилиши
3. Алишер Навоий асарларида иқтисодий муаммоларнинг кўйилиши
4. Ислом таълимоти бўйича шахснинг мулкка ҳуқуқи.
5. Шариатда мулк ва ерга мулкчилик ҳуқуқлари
6. Ибн Холдуннинг қиймат назарияси
7. Юсуф хос Хожиб мулкчилик ҳақида
8. Мирзо Улуғбекнинг пул ислоҳотлари.
9. Давлатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда аҳолининг фуқаролик бурчлари
10. Пус ислоҳотларининг иқтисодий аҳамияти
11. А.Навоий ва унинг «Муншаот» асари
12. Хуросон иқтисодиётида А.Навоий фаолияти
13. Бобур ва унинг «Муббайин» асари
14. Бобурнинг савдо алоқаларини кенгайтиришдаги тамойиллари.
15. Ўрта Осиёда XIX аср охирида бозор мунсабатларининг вужудга келиши
16. XIX-аср охирида Туркистон иқтисодиётининг ҳолати.
17. Ишлаб чиқаришнинг Осиёча усули
18. Марказий Осиёда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва хунармандчилик саноати.
19. XX-аср бошида Ўрта Осиёда истеъмол бозорининг ҳолати.
20. Истеъмол бозорини шакллантиришда хусусий капиталнинг ўрни
21. Ўрта Осиёда чакана ва улгуржи савдо фаолияти
22. Ўрта Осиёда ташқи савдонинг ривожланиши
23. Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари.

24. Янги иқтисодий сиёсат даврида Ўрта Осиё иқтисоди
25. Истеъмол буюмлари бозорини барқарорлашида хусусий савдонинг ўрни
26. Ўрта Осиёда товар биржаларининг фаолиятти
27. Ўрта Осиёда товар ярмаркаларининг фаолиятти
28. Янги иқтисодий сиёсат даврида тикланган ярмаркаларнинг фаолияти

3.2. Лаборатория ишларининг намунавий мавзулари.

«Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси» фанидан лаборатория машгулотлари назарда тутилмаган.

3.3. Мустақил иш учун кўрсатмалар

Ҳар бир мамлакат бозор иқтисодиётига турли йўллар билан ўтади. Унда мамлакатларнинг тарихан босиб ўтган йўли, ҳар бир халқнинг миллий урф-одатлари, турмуш тарзи, иқтисодий ривожланиш даражаси каби омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу фан бўйича мустақил иш сифатида талабалар турли мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибалари ёритилган илмий асарларини мутолаа қиладилар ва олинган билимлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини илмий ишларда баён этадилар.

Мустақил иш натижалари илмий маъруза, реферат, ҳисобот, тақдимнома каби шаклларда расмийлаштирилади ва баҳоланади.

4. Курс лойиҳа ишларининг намунавий мавзуси ва бажарилишига услубий кўрсатмалар

«Истеъмол бозорини бошқариш» фанидан курс ишларини ёритиб бериш кўзда тутилмаган.

5. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т .:Ўзбекистон, 2003.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 26 апрел. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 13. -Т.: Адолат, 1996, 50-бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

“Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони. - Халқ сўзи, 2005 йил 15 июн.

“Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 декабрдаги Фармони. - Халқ сўзи, 1998 йил 26 декабр.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 12 августдаги 387-сонли Қарори. - Халқ сўзи, 2004 йил 13 август.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1998 йил 4 сентябрь Қарори. – Халқ сўзи, 1998 йил 5 сентябр.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни декомкратиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 92-б.

Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-т. - Т.: Ўзбекистон, 2002, 430 бет.

Каримов.И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқ. Халқ сўзи 2006 йил 25 феврал.

Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Тошкент оқшоми, 2006 йил 13 февраль.

V. Тармоқнинг низом ва йўриқномалари

“Ўзбексавдо” акционерлик компанияси Низоми. 1998 йил февраль ойида тасдиқланган .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекбирлашув” акционерлик компанияси мақоми тўғрисидаги Қарори (муҳокама қилинаяпти).

VI. Дарсликлар

VII. Ўқув қўлланмалари

Раззоқов А.А. Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. –Т.: ТДИУ, 2004, 72 бет.

Ислом Энциклопедия: А-Х: / Хусниддинов З. таҳрири остида.-Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003, 313 бет.

Йўлдошев Н.Қ. Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2002, 89 бет.

Исломов А., Эгамов Э. «Иқтисодий таълимотлар тарихи. - Т.: ТМИ, 2001.

Йўлдошев К., Муфтайдинов К. «Иқтисодий таълимотлар тарихи» (Шарҳ иқтисодий тафаккури тимсолида). - Т.: ТДИУ, 2000.

VIII. Монографиялар ва илмий мақолалар

Юлдашев Н.К. Коммерческая наука X-XV веках// Жизнь и экономика. 1992 г., № 8, с. 54-55.

Юлдашев Н.К. Мыслители Средней Азии Востока о теории рынка// Жизнь и экономика. 1991 г., № 11, с. 67-68.

Юлдашев Н.К. Мулкдорлик ва тадбиркорлик илми// Ҳаёт ва иқтисод. 1991г., №10, с. 53-54.

Азларова М.М. Истеъмол товарлари савдосини ташкил қилиш// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, №8, 27 б.

Камилова Ф.К. Жизненный потенциал и потребительский рынок. - Т.: Фан, 1996, 112 с.

Азларова М.М. Истеъмол товарлари савдосини ташкил қилиш. - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000, №8, 27 б.

IX. Докторлик ва номзодлик диссертациялари

Камилова Ф.К. “Потребительский рынок Узбекистана и роль демографических факторов в его развитии” мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: ТДИУ, 1997.

Азларова М.М. “Ўзбекистонда кундалик истеъмол товарлари бозорини мувозанатлаштиришнинг маркетинг жиҳатлари” мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: ТДИУ, 2005.

X. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўплами

Азларова М. Миллий истеъмол бозорини ривожлантиришда маркетинг фаолиятининг ўрни.//Ўзбекистонда иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.- Ёш олимлар ва магистрантларнинг илмий анжумани.2004 йил 6 май.-Т.: ТДИУ, 184-185 б.

XI. Газета ва журналлар

Иватов И. Ўзбек бозорлари ва уларнинг шаклланиши // Ж. Иқтисод ва ҳисобот. – 1998. - №7, 30-31 б.

XII. Статистик маълумотлар тўпламлари

Промышленность Республики Узбекистан 2003. Статистический сборник. - Т.: - 2004. -110 с.

Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2002. Статистический сборник. – Т.: 2003, - 167 с.

Статистическое обозрение Республики Узбекистан 2003.
Статистический сборник. - Т.: 2004, -228 с.

XIII. Интернет сайтлари

www.edu.ru – Россия Федерацияси олий ўқув юртларида ўқитилаётган
фанлар бўйича ўқув-услугий комплекслар.

www.som.pu.ru – Санкт-Петербургский Государственный Университет,
факультет менеджмент.

XIV. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари